

ИСМОИЛ СУЛАЙМОНОВ

ЭЛ АРДОҒИДА

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2002**

Ўзбекистон фахрииларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши томонидан нашр этиш учун тансия қилинган.

Таҳрир ҳайъати:

Э. Боқибоев (*раис*), Н. Насимов, Р. Раҳмонов, Ш. Йўлдошев,
Ш. Усмонов (*масъул котиб*)

Сулаймонов Исмоил


Эл ардоғида — Т. : «Шарқ», 2002 — 128 б.

Таниқли журналист ва адиб Исмоил Сулаймоновнинг 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан нашр этилаётган ушбу китобида республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида ғайрат билан меҳнат қилаётган, ҳайрия ва саховат кўрсатаётган, маънавиятимиз, қадриятларимизни, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини аҳоли ўртасида кенг тушунтираётган, етим-есирлар, ёлғиз қариялар ҳолидан доимий равишда хабар олиб тураётган, ўз ҳаётий тажрибаларини, касб-ҳунарларини ёшларга ўргатаётган нуроний отахон ва онахонларимиз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

У кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК.63,3(5Ў)-4

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририя, 2002 й.



Биз бугунги камолимизда, ҳаёт йўларида эришадиган ютуқларимизда ота-оналаримиз, муътабар қарияларимиз беқийс хизмати борлигини унутмаслигимиз, уларнинг оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилишга интилишимиз лозим.

Бу азиз инсонлар биз барпо этаётган янги жамиятни қуришда ўзларининг бой ҳаётий тажрибаси, ибрати ва ўғитлари билан катта ҳисса қўшаётганини аниқса қадрлашимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ

ҚАРИЯЛАР — ЭЛ ФАҲРИ, ЮРТ ИФТИХОРИ

Муҳтарам Юртбошимиз 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилдилар. Халқимизнинг асрий қадриятларини инобатга олиб, мамлакатимиздаги барча ёши улуг инсонларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш мақсадида кўрилган бу инсонпарварлик тадбири юртимиз фуқаролари томонидан катта қониқиш билан кутиб олинди. Президентимиз шуни алоҳида таъкидладиларки, «бирон бир кекса инсон давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслиги, ҳеч қачон ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги лозим». Шу муносабат билан махсус Давлат дастури ишлаб чиқилди. Унда қарияларимизни асраш ва авайлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, айти пайтда мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий жараёнига бу катта ҳаётий тажрибага эга бўлган кишиларни кенг жалб этиш, улар ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чоратadbирлар ўз ифодасини топди. Эндиликда улар изчил амалга оширилмоқда.

Ҳозирги пайтда юртимизда уч миллиондан зиёд фахрийлар истиқомат қилмоқда. Уларга ҳар ойда тўланаётган пенсия миқдори 33,4 миллиард сўмни ташкил этади. Давлат йўли билан кўрсатилаётган ёрдамдан ташқари қарияларга қатор жамоат ташкилотлари ҳам ҳар тарафлама кўмак бермоқдалар. Биргина «Нуроний» жамғармамиз томонидан кейинги пайтда уруш ва меҳнат фахрийларига 140 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилганлигини айтиб ўтиш мумкин. Фахрийларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, имтиёзлар яратиш, уларга ҳар томонлама иззат-ҳурмат кўрсатиш бизда давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Кексайган, куч-қувватдан қолган кишиларга муруват, саховат кўрсатганлар икки дунё саодатини топадилар. Яратган эгам раҳмдил, у раҳмдилларни ҳуш кўради.

Мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида мислсиз ўзгаришлар юз берди. Кишилар он-

гидаги ўзгариш шулар ичида биз учун энг муҳимидир. Озод, эркин юртнинг фуқароси бўлиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш туйғуси кишиларда, шу жумладан, қарияларимизда ҳам ўзлигини намойиш этиш, қобилиятларини юзага чиқариш ҳиссини уйғотмоқда. Бошқача қилиб айтганда қарияларимиз бамисоли яшариб кетдилар. Инсон табиати шундай — меҳнат қилмаса, бирор юмуш билан шуғулланмаса, ўзини ғалати сезади. Меҳнат нафақат тирикчилик манбаи, балки аини пайтда у кишининг оила ва жамият олдидаги мавқеини белгилайди, унга қадр-қиммат ҳамда обрў-эътибор келтиради.

Ўзларини шу жамиятнинг ҳақиқий эгалари деб ҳисоблаётган фахрийларимизнинг кўпчилиги: бизники бўлди, мана 30—40 йил ишлаб қўйдик, энди пенсиядамиз, деб қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ, балки жамиятдаги барча жараёнларда фаол қатнашмоқдалар. Улар маҳалла-қўйда, ўқув юртларида, ҳарбий қисмларда ёшлар билан учрашмоқдалар, ватанпарварлик, халққа, юртга чексиз садоқат билан хизмат қилиш ҳар бир кишининг шарафли иши эканлигини тушунтирмоқдалар. Аини пайтда юртимизда амалга оширилаётган мислсиз катта ишлар ҳақида, дунёда юз бераётган воқеалар тўғрисида сўзлаб бермоқдалар, аҳолининг маънавияти ва маърифатини ошириш йўлида фаоллик кўрсатмоқдалар. Катта ва аини пайтда мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган нуроний отахонларимиз ва мунис онахонларимизнинг ўз ўғитлари ва насиҳатлари билан ёш оилаларни мустаҳкамлаш, юртни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасида олиб бораётган ишларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Халқимиз азалдан қўли гул ҳунарманд. Турли хил касб эгалари бўлган қарияларимиз миллий анъаналаримизга содиқ қолиб, ўз ҳунарларини йигит-қизларимизга сидқидилдан ўргатаётганликлари, айниқса, таҳсинга сазовордир.

Ўзбекистонни буюк давлатга айлантириш — олдимизга қўйган олий мақсадимиздир. Шу эзгу ният, шу олийжаноб мақсад барча фуқаролар қатори қарияларимизга ҳам алоҳида куч-ғайрат бағишламоқда. Инсон ўз иқтидорининг барча қирраларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилган ҳозирги пайтда иқтисодий юксалишимизни тезлаштириш йўлида кексаларимизнинг кўрсатаётган ғайрат-шижоатига тасанно демасликнинг иложи йўқ. Бугун уларнинг кўпчилиги деҳ-

қон, чорва, боғдор фермерлар, кичик корхоналарнинг эгалари. Уларнинг ташаббуси билан қўплаб янги-янги иш жойлари таъкил этилмоқда, юртимиз бозорлари ана шу жойларда етиштирилган, тайёрланган маҳсулотлар билан тўлиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдикки, мулкдор бўлиш, мулк эгаси бўлишдан мақсад қарияларимиз учун аввало мол-дунё тўплаш эмас, балки мамлакат иқтисодий қудратига ҳисса қўшиш, юртни обод айлаш, кишилар турмуш шароитини яхшилаш, кам-харж оилаларга, ёлғиз кексаларга, бева-бечораларга кўмак бериш, уларни моддий жиҳатдан доимий равишда қўллаб-қувватлашдир. Бошқача қилиб айтганда бу ишлардан кўзланган асосий ният мурувват, саховат кўрсатиш, хайрия қилишдир.

Андижон вилояти, Булоқбоши туманида яшовчи ўн бир нафар фарзанднинг онаси, ажойиб тadbиркор, саховатли инсон Гулсара Имомбоева хотира ва қадрлаш куни арафасида туманда яшовчи юз нафар фахрийларга зиёфат уюштириб, уларга совға-саломлар топширди.

«Нуроний» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси Жалел Муятдинов бизга юборган хабарномасида қуйидагиларни ёзади:

«Алланиёз Ўтениёзов 36 йил ўқитувчилик қилди. Ҳар йили 56 кунлик меҳнат таътилида дам олиш ўрнига ўғли Ажиниёз билан шу ўтган даврда 40 оилага хайр-саховат сифатида ҳақ олмасдан бошпана солиб берди. Ўрта мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт пунктини ҳам холис, ҳақ олмасдан, фийсабиллоҳга қуриб берди».

Ҳозир Алланиёз оға 66 ёшда, лекин шунга қарамай бу оқсоқол «Нуроний» жамғармаси туман бўлими ҳузурида 10 гектарлик «Саховат» деб аталмиш деҳқон-фермер хўжалигини тузган. Ундан олинган даромадни мактаб, боғча, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилаларга овул фуқаролар йиғини рўйхати асосида бўлиб беради.

Унинг хизматлари Юртбонимиз томонидан юксак баҳоланди — «Ўзбекистон қаҳрамони» деган олий мукофотга сазовор бўлди.

Жамғармаимизнинг бош мутахассиси, кўзга кўринган журналист, адиб, ушбу тўпламнинг муаллифи Исмоил Сулаймонов бу саховатпеша инсон ҳақида ёзган

очеркига «Замонамиз хотамтойи» деб сарлавҳа қўйибди. Қандай яхши, қандай соз!

Қаршилиқ отахон Тўра бобо Мансуровнинг тутаетган ишларини қаранг. Камхарж оилалардаги ва сағир болалардан ўн бир нафарининг суннат тўйини ўтказиб берибди. Уларга сарполар олиб берган, совға-саломлар ҳадя этган, ҳар бирига пул қўйиб, омонат дафтарчаси очдирган. Ташландиқ 90 сотих ерда боғ яратиб, улар ғарқ мевага киргач, 8 та қўп болали ва камхарж оилаларга бўлиб берибди. Шундай инсонларни кўргач, қандай бағри кенг, қўли очиқ, дили очиқ кишиларимиз бор, деб кўнглимиз фахр ва ифтихор хислари билан тўлиб тошади. Эл дуо қилгай бундай кишиларни: худойим улар касби-корига ривож, умрига барака ато қилаверсин, деб. Эл дуосини олган кимса эса икки дунёда кам бўлмагай.

Тошкент туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида уруш қатнашчиси Манноп ота Рихсиев истиқомат қиладилар. Ёшлари саксонни қоралаб қолди. Оёқни узатиб фарзандлари дуосини қилиб ўтирсалар бўлади. Отахон бунини ўзларига эп билмайдилар, харна бўлсада шу юртга нафим тегсин, деган ўй у кишига ҳиммат камарини боғлатмоқда. Манноп ота озгина ер олганлар, шу жойда турли мева дарахтлари, гул кўчатлари етиштирадилар. Мактаб, боғча, шифохоналарга савоб учун текинга тарқатадилар. Тошкентдаги уруш ва меҳнат фахрийларининг «Нуроний» шифохонасига отахон етмиш туп ёнғоқ, ўрик, гилос, беҳи, шафтоли кўчатларини ҳадя этдилар. Бу билан ҳам кўнгиллари тўлмади, ўзлари келиб ишнинг тепасида бўлиб, қаерга қандай кўчатни экишни кўрсатиб турадилар. Икки йил муқаддам ўтказилган бу кўчатлар яйраб-яшнаб ўсмоқда. «Шуларнинг меваларидан одамлар баҳраманд бўлсалар бўлди, менга шунинг ўзи кифоя», дейдилар отахон.

Пайғамбаримизнинг ҳадиси шарифларида шундай сўзлар бор: «Одамларнинг яхшиси одамларга манфаатлироғидир». Хайрли ишлар худога ҳам, бандаларига ҳам хуш ёқади. Баъзан ўйланиб қоламан, қани энди нима қиларини билмай бекор юрган баъзи ёшларга шу ҳиммати баланд қарияларимиз ғайратидан юкса, улардан ибрат олишса деб. Тўғри, қарияларимизда ёшлиқдаги куч-қувват йўқ, илло қалби шу юрт ишқиде тепаетган бу ориятли, ҳиммати баланд кишиларга шу муҳаббат ғайрат бағишламоқда. Кишиларга нафи тегаёт-

ганлигини ҳис этиш туйғуси улар учун энг катта мукофот. Амалга ошираётган тadbирларидан, тутаётган ишларидан аввало ўзлари руҳий ва маънавий ҳузур қилмоқдалар. Улар учун энг муҳими шу! Мен уларни замонамиз қаҳрамонлари, деб атасам, ҳеч бир муболага бўлмаса керак, деб ўйлайман. Ҳақиқат шуки, улар элим деб, юртим деб, ёниб яшамоқдалар. Яна шуниси ҳам борки, мулк, сармоя кишига қувват беради, бу — сир эмас, уни ҳеч ким инкор қила олмайди. Tadbиркор қарияларимизнинг бамисоли ёшлардек ғайрат кўрсатаётганлигининг сабабларидан бири ҳам шу.

Муҳтарам ўқувчи! Кўлингиздаги «Эл ардоғида» деб аталмиш тўплам мен юқорида айтиб берган қарияларимизнинг ҳаётига бағишланган. Уларнинг босиб ўтган катта йўли ҳамда ҳозирда тутаётган ишлари нафақат ёшларимизга, балки барча-барчага ўрнатилган ва намунадир. Дарҳақиқат фахрийлар элимиз кўрки, юртимиз фахридир. Ўйлайманки «Қарияларни қадрлаш йили»да мазкур китоб нуроний отахонларимиз ва мунис онахонларимиз учун яхши бир тўхфа бўлади. Жойларда қарияларимизга кўрсатилаётган катта эҳтиром, улар кайфияти ва саломатликларини яхшилаш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳам тўпламда ўз ифодасини топган.

Мазкур тўпламни тайёрлашга киришар эканмиз бўлажак очерк қаҳрамонлари ким бўлади, деган савол туғилди. Айтилган фикрларни жамлаб, бу борадаги ҳал қилувчи сўзни жамғармамиз вилоят кенгашлари берсинлар, деган тўхтамга келдик ва шунга амал қилдик.

Халқимизда бекорчидан худо безор, бекор ўтирган-дан кўра бекор ишла, деган нақл бор. Худди шу гаплар элпарвар қарияларимизнинг кундалик шиорларидир. Китобдаги очерклар қаҳрамонларининг фарзандлари вояга етган, аини топармон-тутармон даврда. Уларнинг бирор нарсасига муҳтожлиги йўқ. Оёқ узатиб, бамайилихотир ҳаёт кечирсалар ҳам бўлади. Илло улар бундай қила олмайдилар, орият бунга йўл қўймайди, виждон тинчлик бермайди. Ўзбекистон деб аталмиш юртнинг довуғини оламга таратиш, ўзимиз кўзлаган порлоқ манзилга, ўша олий мақсадга етмоқ ниятида юртимиздаги барча тирик жон борки астойдил интилоғи даркор. Осмондан чалпак ёғилмайди. Бинобарин, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ҳиммат камарини белга маҳкам боғламоқлик зарурлигини ҳис этиш барча фуқаролар қатори қарияларимизга ҳам хос хусусиятдир.

«Ота-боболаримиздан қолган эзгу удумга мувофиқ, — деб таъкидладилар юртбошимиз Ислам Каримов, — кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатишдек ноёб инсоний қадриятни янги мазмун ва амалий ишлар билан бойитиш ва мустаҳкамлаш зарур.

Нуроний отахонларимиз, мунис оналаримизга ҳамisha ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, уларнинг хизматини қилиб, дуосини олиш, жажжи гўдакларга, азиз фарзандларимизга ғамхўрлик қилиш, уларни ардоқлашдек халқимизга хос бўлган, асрлар давомида сақланиб келаётган олийжаноб одатга ҳар биримиз содиқ бўлишимиз, уни асраб-авайлашимиз, ривожлантиришимиз ҳам фарз, ҳам қарздир».

Э. БОҚИБОЕВ,

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашининг раиси

ЗАМОНАМИЗ ҲОТАМТОЙИ

*«Одамларнинг яхшиси одамларга
манфаатлироғидир»*

Ўша кунларни тенгдошлари ҳали-ҳали ҳаяжон билан эслашади. Не-не орзулар билан Нукус педагогика институтининг биринчи курсига қабул қилинганлар бир-бири билан тузукроқ танишиб олишга улгуришмаёқ пахта йиғим-теримига жалб этилдилар.

Шов-шув гап биринчи кунданоқ бошланди. Кечкурун одатдагидек иш якунлари билан талабалар таништирилдилар. Ўқитувчи бугун ким қанча пахта терганлигини эълон қилар экан чет тиллар факультетининг талабаси Алланиёзнинг исми-шарифи рўпарасига ёзиб қўйилган рақамларни кўзи кўриб турса ҳам ўзи ишонмасди. Ростда, ўша қоғозда унинг шу куни 420 килограмм ҳосил тергани ёзиб қўйилганди. Шу рақамларни эълон қилишга қилди-ю ҳар эҳтимолга деб, пахта қабул қилувчи бўлиб ишлаётган талабага мурожаат этди:

— Жуманиёз, ука, шу ёзганинг тўғрими, адашиб кетмадингми?

Талаба тасдиқ ишорасини қилди ва қўшиб қўйди: «Мен ўзим ҳам ҳамон таажжубдаман».

— Алланиёз, укам, яшанг, раҳмат сизга, сизга ўхшаганлар бор экан, бошқа факультетлар билан беллашувда ғолиб чиқишимиз аниқ.

Эртасигаёқ бу гап оғиздан-оғизга ўтиб, бутун институтга тарқалди, унинг овозаси туман раҳбарларига етиб борди. Баъзилар бир-икки кун шундай ишлайди, кейин толиқади, бу каби юкни тортишга чоғи келмай қолади, деган ҳаёлга ҳам боришди. Аслида эса Алланиёз ишга энди мослашаётганди, спортчиларнинг ибораси билан айтганда «формага кираётган» эди.

Билмадим қанча вақт ўтди, кунлик кўрсаткични у 500 килограммга етказди. Баъзилар ҳайратдан ёқа унласа, баъзилар «қойил, отангга раҳмат» дейишарди.

Қўйингчи бу гап вилоятга ҳам етиб борибди. Шу

десангиз газетадан мухбир суратчи билан етиб келди. Улар Алланиёз билан суҳбатлашишди. Лекин нима учундир иккиланаётганликлари шундоққина сезилиб турарди. Мухбир халқи ўзи шунақа: биров айтганга ҳа деганда ишона қолмайди, ўз кўзи билан кўриши, аввало ўзи қаноат ҳосил қилиши керак.

Шундан бўлса керак талабаларга бошчилик қилаётган ўқитувчи билан суҳбат чоғида айтиб қолишди:

— Кўнглингизга оғир олмасангиз, бир мулоҳаза бор. Нима дейсиз хронометраж ўтказсак, яъни биз азаматнинг бир соатлик ишини кузатсак.

— Ихтиёрингиз, бемалол...

Алланиёзнинг пахта тераётганини кузатаётган мухбир ҳам, сураткаш ҳам сўз айтмоққа ожиз эдилар.

— Бу йигитингизнинг, чамамда, деви бор, — деди мухбир ўқитувчига қараб.

— Биз уни «комбайн» деб атаймиз.

— Жуда топиб айтибсизлар.

Бир соат ўтди. Деви бор йигит шу муддат ичида 56 килограмм пахта терди. Бу воқеадан сўнг унинг ҳақида газеталарда кетма-кет мақолалар, расмлари чоп этилди, доврўғи ўлка бўйлаб ёйилди. Кўсак териш пайтида эса кунли кўрсаткични бир тоннага етказди...

Унинг ҳаётидаги иккинчи бир воқеа анча кейин, ўқитувчи бўлиб ишлаётган йиллари юз берди. Касбдошларидан бирининг қулоғига Алланиёзнинг деви бор, деган сўз етиб келибди. Дўстлар даврасида шу ҳақда гап очилди. Биров ундай деди, биров бундай деди. Шунда кимдир «шу кучинг билан бир кунда нечта гишт қуйшинг мумкин?» деб сўраб қолди.

— Саккиз мингга олиб борсам керагов, — деди деви йигит салмоқланиб.

— Бе, бўлмаган гап, — деди кимдир.

— Одам ишонадиган сўзни айтсангчи, — деди иккинчиси.

Бу гаплар Алланиёзнинг ҳамиятига тегди. Мен мақтаниш учун эмас, бор сўзни айтяпман-ку, нега булар калака қилади мени, деган ҳаёл ўтди унинг кўнглидан. Бирдан шартта шундай деди:

— Келинлар, бўлмаса баҳс бойлашайлик, масала ойдинлашади қўяди.

Таклифга ҳамма рози бўлди. Ҳафсала билан олти кўзли гишт қолипни ўзи тайёрлади. Касбдош дўстлари кузатувида «эй худо, ўзинг мадад бер» дея енг шимариб ишга тушди. Паҳлавоннинг хатти-ҳаракатлари, лойни

олиб қолипга солиши, ўша олти кўзли қолипни даст кўтариб, пилдираганча ғишт қуйиладиган жойга келиши, турсиллатиб уни ағлариши — хуллас, ҳамма-ҳаммаси шу қадар ҳайратланарли эдики, дўстлари қувонч тўла кўзларини пирпиратиб, ёқа ушлаганча «қойил», «тасанно» дердилар. Тан бермасликнинг иложи йўқ — девли йигит бир кунда ўн минг дона ғишт қуйган эди.

... Алланиёз бир куни туш кўрди. Рўпарасида отаси унга меҳр тўла нигоҳини тикиб турганмиш. Ўғлим, якка-ю ягона зурриёдим, умидим сендан, дермиш. Хайрли ишларингни яратган эгам ўзи қўллаб-қувватласин, менинг руҳим ҳамиша сен билан бирга, эзгу ишларингдан шодланурман...

У чўчиб уйғонди. Кўрган тушининг таъбири нима бўлди экан, деб хаёлга чўмди. Уйқу уни тамомила тарк этган эди. Бирдан отасининг унга ёзган охирги хати ёдига тушди. Ўрнидан туриб уни топди. Ҳаяжон билан ўқий бошлади. Ушбу мактубни қўлга олганда ҳар сафар шундай ҳолат юз берарди. Отаси Ўтениёз оға иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида оғир ярадор бўлади. Ўлими олдидан хат ёзиб, сафдош дўстидан илтимос қилади: «Илоё худойим сени бу дўзахлардан омон сақлаб қолсин, илтижо қиламан: менинг мактубимни уйимга етказсанг, бу шунчаки соғинчли салом эмас, балки ёлғиз фарзандимга оталик васияти билсанг агар...»

Жанговор дўст сафдоши олдидаги бурчини бажарди — мактуб эгасига етиб келди. Ўша хат мана ҳозир Алланиёзнинг титроқ қўлларида. «Ўғлим, сендан бошқа чирогимни ёқадиган ҳеч кимим йўқ, — ўқий бошлади мактубдаги шу сўзларни ва яна ғалати ҳолатга тушди, ҳар бир сўз унинг юрак-юрагига етиб бораётган эди. — Энди вояга етиб қолдинг. Қўлингдан келганча одамларга яхшилик қил, — бу сўзлар отанинг ўлим олдидаги фарзандига айтаётган васияти эди. Падар сўзи фарзанд учун Қуръон оятидек муқаддас. Алланиёзнинг бутун борлиғи жимирлаб кетди. У бироз хаёлга чўмди, сўнг мактубга кўз югуртиришда давом этди. — Шунинг ҳеч қачон унутмаки, нима иш қилмагин, ўпанга менинг номим ҳам қўшиб айтилади, Ўтениёз ўғли дейишади. Мен сенинг ҳаётда яхши ном қолдиришингни истайман. Аллоҳдан сўраганим шу. Тақдир экан, мен ёш кетяпман, яшай олмаган умримни ҳам сенга қўшиб берсин илойим...»

Бу мактубни кўп бор ўқиган, Алланиёзга ҳар сафар ундаги сўзлар бошқача таъсир қиларди. Падарининг

гаплари — аллақачон унинг қалбига муҳрланиб қолган, ҳар бир сўзи бутун борлиғини ёндиради. Хатни қайта-қайта ўқиб кўнглига жо қилган фарзанд ҳозиргача қилган ишларидан кўнгли тўлмаётганлигини ҳис этди. Тўғри, бошқалар қатори ишляпти, ёшларга билим берапти, оиласига қараяпти, рўзғор ташвишида кўп қатори елиб югурияпти. Ахир бу каби юмушлар ҳамманинг ҳам бошида бор-ку. Мактабдагилар, атрофдагиларнинг барчаси ундан рози.

«Кўлингдан келганча одамларга яхшилик қил». Мана шу биргина калима унинг қалбини жунбушга келтирди. Худо менга куч-қувват ато этган, ғайратим бор, қўлимдан у-бу иш келади, бутун борлиғимни муҳтож кишиларга бахшида этганим бўлсин — дея у шундай тўхтамга келди.

Уша йили меҳнат таътилига чиққач, бир-икки кун уйда бўлди, сўнг теварак-атрофни айланиб чиқди. Бироз путури кетган уйларни синчиклаб кўздан кечирди. Шундай хонадонларда кимлар истиқомат қилишини сўраб-суриштирди. Билдики, бироз ночор, қўли калтароқ кишилар экан улар.

Ҳали-ҳали ёдида — эрталаб қурилиш асбоб-ускуналарини кўтариб, шундай хонадонларнинг бирига кириб келгач, мақсадини айтди. Уй эгалари ҳайрат тўла нигоҳларини унга тикканича қараб қолдилар.

— Ҳа, — деди у, — уйларингизни таъмирлаб бераман, бу ерга шу ниятда келдим.

— Ахир бизда хизматингга яраша ҳақ тўлашга имконимиз йўқ-ку, ўғлим.

— Ҳеч қандай ҳақ олмайман, фийсабиллоҳ, дуо қилсангиз бўлди, менга шунинг ўзи етарли.

Хонадон соҳибларининг ҳайрати ошгандан ошди.

Мактабларда ўқиш бошлангунга қадар кексайиб, куч-қувватдан қолган, камхарж оилаларнинг уйларини таъмирлади. Алланиёзнинг бу одатдан ташқари, биров ишониб-ишонмайдиган тутган йўли оғиздан оғизга ўтиб, бутун туманга овоза бўлди. Кўпчилик ҳўп савоб иш қиляпти, илоё барака топсин деса, эл оғзига элак тутиб бўлмаганидек, баъзилари ҳайрон бўлиб елка қисишарди: бу қанақаси бўлди, ҳеч бир замонда биров бировга текинга ишлаб берганми, деб.

Ҳар йили бу савоб ишни канда қилмайдиган бўлди. Отасининг руҳи шод бўлаётганлигини дил-дилидан сезётгандек. Бу эса унга янги куч-қувват бағишлаётган-

ди. Келгуси йили уй-жойи бўлмаганларга бошпана қуришга тушди. Атрофдагиларнинг ҳайрати яна ошди.

— Алланиёзнинг қилаётган ишларини кўринг, — дейишарди одамлар, — савобга кўмиладиган бўлди, илоё умридан барака топсин.

— Қайси Алланиёз? — деб сўраб қоладиганлар ҳам бўларди баъзида.

— Хў, Ўтениёз деган бўларди, фронтда нобуд бўлган, ўшанинг ўғли...

Бундай гап-сўзлар Алланиёзнинг ҳам қулоғига етиб келарди. Шундай кезларда отасининг «Сен нима иш қилсанг, менинг номим ҳам қўшиб айтилади» деган сўзлари ёдига тушиб, танаси яйраб кетарди, унга янги руҳ бағишларди. Мен сизни рози қиламан ота, ҳозирча бу ишлар хамир учидан патир, деб кўнглидан ўтказди у.

Бир йили у қишлоқда мактаб қуришга бел боғлади. Бу ҳам фийсабиллоҳга, хайрия тариқасида. Бунга ҳам биров ишонди, биров ишонмади. Бунга қаранг, ёнига ўғли Ажиниёзни ҳам олди.

— Ўғлим, — деди у, — шу мактаб биздан эсдалик бўлиб қолади ҳамқишлоқларимизга. Инсон дунёга келибдими, ундан ўчмайдиган бир из қолмоғи даркор.

Ота-бола мактабни битиришганда улар шаънига қанча олқишлар бўлди. Қарашса ота-бола яна енг шимариб туришибди. «Ҳа» дейишса, жой кўрсатинг, фарзандларимиз учун боғча қурамиз, дейишди. Эллик ўринли боғча ҳам битди. Келгуси йили тиббиёт пунктини бунёд этишди. Бу каби хайр-саховат ишлари гуллагандан гуллади. Ҳозиргача қурган биноларини бирма-бир санаб ўтирмасдан Қорақалпоғистон Республикаси «Нуроний» жамғармаси Кенгашининг раиси Жалел Муқятдиновнинг бизга берган далолатномасида келтирилган лўнда сўзлар орқали айтиб қўяқолайлик. «Алланиёз Ўтениёзов 1936 йилда Кегейли туманида деҳқон оиласида дунёга келган. 36 йил ўқитувчилик қилди. Ҳар йилги 56 кунлик меҳнат таътилида дам олмасдан ўғли Ажиниёз билан 40 оилага хайр-саховат сифатида ҳақ олмасдан бошпана солиб берди. Ўрта мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт пунктини ҳам холис, ҳақ олмасдан, фийсабиллоҳга қуриб берди».

Бу сўзларни ўқиган ҳар қандай одам ҳам беихтиёр «эҳ, сени туққан онангга раҳмат, тарбиялаган отангга раҳмат!» деб юбориши аниқ. Қорақалпоқ халқи, бутун Ўзбекистон деб аталмиш юрт шу заминда ана шундай

замонамиз Хотамтойи етишиб чиққанлигидан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Унинг ҳақида фақат биздагина эмас, балки чет эл матбуотида ҳам кўпдан кўп мақолалар эълон қилинди. У ердагилар ҳам ҳайратини яшира олмай ҳаяжонда. Дунёнинг турли бурчакларидан бу саховатпеша номига келган даста-даста хатлар шундан далолат бериб турибди. Номи оламга таралган машҳур санъат усталари Алла Пугачёва ҳамда Муслим Магомаевлар юрак ҳарорати ила йўғрилган дил сўзлари қалби инсонга нисбатан меҳр-мурувват нури билан лиммо-лим тўла саховатпешага билдирилган юксак ҳурмат-эҳтиром рамзидир. «Фалваларга тўлиб-тошган бу дунёда сиздек инсон борлиги учун Худойимдан миннатдормиз» деб ёзилган эди бир мактубда. «Сиз катта қалб эгасисиз, — деб битилганди иккинчи мактубда, — у ночор кишиларга бамисоли қуёш каби ҳарорат бермоқда улар дилини илтиятти, ёритяпти. Биз сизнинг олдингизда бош эгамиз».

Бу ажойиб инсоннинг меҳнатлари, инсонпарварлиги юртимиз томонидан юксак баҳоланмоқда. У «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи», «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» фахрий унвонларига эга. Республикамининг «Жасорат» ва «Шуҳрат» медаллари билан тақдирланган. Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида эса Президентимизнинг Фармониға мувофиқ «Ўзбекистон қаҳрамони» деган юксак унвонға сазовор бўлди. Шу юксак мукофот топширилган ўша ҳаяжонли воқеалар ҳамон кўз ўнгимизда. Алланиёз оғани тенгсиз ҳаяжонға солгани шу бўлдики, у бу олий мукофотни Юртбошимиз қўлидан олди. Ислоҳ Каримов одамлар учун яшаб келаётган бу саховатпешани меҳр тўла бағриға босди, илиқ сўзларни айтди. Ҳаяжоннинг кучидан бўлса керак Алланиёз оғанинг кўзларида ёш пайдо бўлди. Бу кунни у бир умр ёдида сақлайди.

Қизиқ, бу тиниб-тинчимаган инсоннинг ҳозирги кунларда тутаетган ишларини кўринг. 1999 йилда ширкат хўжалигидан 10 гектар ер олиб, «Нуроний» жамгармаси туман бўлими ҳузурида «Саховат» деб аталмиш фермер хўжалигини тузди. Бутун оила аъзолари билан шу ерда яхши ният билан меҳнат қилмоқда. Турли мевали кўчатлар экилган боғ вояға етмоқда. Ҳозирча кўчатлар орасида турли хил сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Унинг ҳовлисиға кирган киши катта бочкада тузланган карамға кўзи тушади. Шу атрофдагилар, қўни-қўшнилар истаган пайтда ки-

риб, ундан керагича олиб кетишаверади. Бу ҳам саховатнинг, хайриянинг бир кўриниши.

Деҳқон-фермер хўжалигидан олинган даромадни мактаб, боғча, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оила-ларга овул фуқаролар йиғини рўйхати асосида бўлиб беради.

Ҳар кун кимгадир унинг нафи тегиши керак — шу ўй, шу ният билан яшаб келмоқда бизнинг Алланиёз оға. Худойим берган умрни беҳуда ўтказаятганим йўқ, деб ўйлади ўзича у. Эл дуосини олмоқлик инсон учун энг буюк бахт. Алланиёз оға ана шундай ҳамюртлари-миздан бири. Эл корига яраётган кишилар хоримайди ҳам, қаримайди ҳам. Саховатидан баҳраманд бўлаётганларнинг дуоси, албатта ижобат бўлғай. Ҳаёт моҳия-ти, билишимча шундаки, киши ўзини одамларга кераклигини ҳис этиб турсин. Шу туйғу бор экан — киши қарилikka сўз бермайди, яратиб иштиёқда яшайверади, яшайверади...

ТОШЛОҚДАГИ БОҒ

«Аллоҳ таоло бир бандасига яхшиликни хоҳласа, шу бандасига одамларнинг ҳожатларини тушириб қўяди»

Турсун бобо Тошкент яқинидаги сиҳатгоҳда мириқиб ҳордиқ чиқарди, даволанди. Йўлга чиқиш олди-дан шифокорларни чин дилдан дуо қилди.

— Кексаларнинг дилини равшан қилган кимсалар икки дунёда кам бўлмайди, — деди у ихлос билан. — Илоё касби корингизга ривож, умрингизга барака берсин.

Меҳмондорчилик яхши-ю, лекин ўз кулбангдан қўямасин, деганлари рост экан. Ўша Нуротанинг машҳур Ғазгон шаҳрига худди қанот боғлаб, учиб келган-дек бўлди. Ҳовли бир зумда тумонат одамга тўлди. Қўни-қўшни, қуда-анда, бола-чақа, невар-эвара деганларидек.

Суюқ ош тортилгандан сўнг одамлар қўзғала бошлашди. Кўп ўтмай оила аъзоларининг ўзлари қолишди. Бобо уларнинг ҳар бирига меҳр билан тикилиб, хол-аҳвол сўради.

— Ишонсанглар ҳар куни ҳар бирингиз кўз олди-дан ўтавердингиз, — деди у фарзандларига меҳр ила тикиларкан. — Оиладан айри яшамоқ мушкул иш экан, айниқса ёшинг бир ерга борганда. Сиҳатгоҳда шароит

жуда яхши, илло кўнгил сизлар томон талпинарди тинмай.

Чой ичилиб, дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Турсун бобо ҳам ўрнидан турди. Бунни кўрганлар ҳайрон бўлишиб сўрашди:

— Ўзи эндигина йўлдан келган бўлсангиз, бундоқ фарзандларингиз билан чақ-чақлашиб ўтиринг.

— Мен бир боғдан хабар олай, дарахтларимни соғиндим билсангиз, улар ҳам менга фарзандларим қатори бўлиб қолган, ахир, неча йиллик меҳнатим сингган уларга.


Тезда қайтаман, деди-ю, ҳовлидан чиқиб кетди. Йўлда кетар экан бу йил дарахтларнинг баъзилари нишона кўрсатса керак, дея уйларди. Тошлоқ бўлгани учун кўчатларнинг авж олиши ҳам қийин кечмоқда. Чамамда уларнинг илдизи эмин-эркин қулоч отолмаётир. Бунинг устига аввалги йили совуқ қаттиқ таъсир қилди. Ўтган йили эса сув қийнади, ёғингарчилик кам бўлгач, бунни қаранг, қудуқдаги сув ҳам тортилиб қоларкан. Ёз чилласига бардош бериша олмади. Тепадан куёш иссиғи уфуради, тошлоқ ер мисоли тандирдек қизиб кетади. Барглари сарғайиб, дув тўкила бошлади. Турсун бобо ва шерикларининг тинчи бузилди. Ўша кезларда на егани ва на ичгани татиди. Шериклари Ҳамро Иброҳимов, Остона Қурбонов, Кенжа Шукуровлар билан маслаҳатни бир ерга қўйиб, туман ҳокими Ўктам Ҳакимов ҳузурига боришди. Бири олиб, бири қўйиб, аҳволни тушунтиришди.

— Ўзингизнинг ҳам хабарингиз бор, — деди Турсун бобо, — қанча меҳнатимиз кетди, ниятларимиз катта эди. Кўз олдимизда боғ қурий бошлади, бутунлай хароб бўлиши мумкин. Худо кўрсатмасин, борди-ю шундай бўлса иккинчи бор бирор кимса бу жойга кўчат қадамайди, фойдаси йўқ, биздан олдин уриниб кўришган, барча меҳнатлари зое кетди, дейишади. Бу — жуда ёмон! Ниятимиз шу эдики, боғимиз кўкарса, одамлар унинг мевасидан баҳраманд бўлсалар, ие, ахир уринса бўлар экан-ку деб, бошқалар ҳам шу мақсадда енг шимарсалар, деган орзу бор эди бизда. Шундай қилиб ерларимиз боғ-роғларга бурканса, деган ният кўнглимиздан жой олганди.

Шундай кайфиятда юрганимизда...

Ҳоким улар сўзини диққат билан тинглагач, шундай деди:

— Қани энди ҳамма ҳам худди сизлардек куйинчак



бўлса... Айтиб қўяй, бу шунчаки боғ эмас, балки ҳаёт-лик даврингизда ўзингизга қўйилган ўчмас ёдгорликдир. У номингизни келгуси авлодларга етказадим, ҳар сафар мевасига оғзи теккан кимса борки, албатта ҳаққингизга дуо қилади, сизларни эслайди. Инсондан бу дунёда бирор из қолмоғи даркор. Сизларнинг изингиз узоқ, жуда узоқ йиллар ўчмайди.

У телефонда вилоят «Оби-ҳаёт» ташкилотининг бошлиғи билан суҳбатлашди, сизларга ҳам савоб керак-ку, деб алоҳида таъкидлади.

— Қарияларимизки шундай ҳиммат кўрсатишибди, биз четда томошабин бўлиб турсак инсофдан бўлмас, — ҳоким ҳар бир сўзига урғу бериб гапирарди. — Улар биз учун ганимат, келинг биродар, дуосини олиб қолайлик. Аслини олганда ўзлари учун елиб югуришмаяпти-ку, юртимиз обод бўлса, ҳар бир киши шу юрт ободлиғи, фаровонлиғи йўлида қўлидан келган ишни ихлос билан бажарса — ҳурматли оқсоқолларимизнинг кўнглига туккан орзуси шу. Бундай ниятни қўллаб-қувватлаган кимса, кам бўлмайди, савоб тагида қолади. Келинг, йўлини топайлик, отахонлар хурсанд бўлишсин.

Хуллас, қудуқни яна қазишди, 50 метргача чуқур қилишди. Сув кўринди. Насос ўрнатиб сувни тортишди. Суғоришни кеча-кундуз давом эттиришди. Сентябрьга келганда дарахтлар қайта барг чиқарди. «Ҳайрият-эй» дейишди шунда қариялар енгил тортиб. Ҳар тугул отахонларнинг елиб-югуришлари бесамар кетмади.

Буни қаранг, яна бир муаммо пайдо бўлди. Атроф очик бўлгани сабабли чорва моллари кириб, боғни пайҳон қилиб, дарахт новдаларини ғажиб ташлай бошлади. Оқсоқоллар тинчи йўқолди. Худди шундай кунларнинг бирида Навоий кон-металлургия комбинатининг директори Николай Иванович Кучерский Ғазфонга келиб қолди. Қариялар яратган, эндиликда «Соҳибкор» кичик корхонаси деб аталувчи боғни қизиқиш билан кўздан кечирди.

— Сизларки шунча ҳиммат ва ғайрат кўрсатибсиз, биз бир четда томошабин бўлиб турсак дуруст бўлмас, айтгинлар, қандай ёрдам керак?

— Агар имкон бўлса, боғни сим тўр билан ўраб берсангиз, шунда кўнглимиз хотиржам бўларди, — дейишди оқсоқоллар.

Кўп ўтмай қариялар орзуси амалга ошди...

Турсун бобо энтика-энтика боққа етиб келди. Баҳор

фасли эмасми — яшнаб кетибди, қараган сари кишининг дили яйрайди, кўзи қувонади. Тенгқурлари билан хол-аҳвол сўрашгач, оқсоқол боғ оралади. Ҳар дарахтга ҳайрат билан боқарди, кеча шивалаб ўтган ёмғир кўчатларга ажиб бир тароват бахш этганди. Бирдан у тўхтади, дарахт шоҳларига тикилиб қаради. Ана у, Турсун бобо энтикиб кутгани — ҳосил нишонаси. У ўзида йўқ даражада таъсирланди. Йиллар мобайнида қилинган меҳнатга берилган биринчи мукофот. Худо хоҳласа, бу йил бўлмаса ҳам янги йилга боғ ёппасига ҳосилга киради. Етказганига шукр, шу кунларни қачондан бери илҳақ бўлиб кутишарди.

Аслида Турсун бобо бошлиқ қарияларда шу ерда боғ яратиш нияти пайдо бўлганида бу ишга шубҳа билан қараганлар ҳам бўлди.

— Чўл бўлса, янтоқдан ўзга нарса ўсмаган бу ерда, бунинг устига тошлоқ, сув бўлмаса, билмадик-у, уринишлар зое кетса керак, — деганлар ҳам бўлди.

«Нуроний» жамоатчилик марказининг раиси Турсун бобо Эргашев бошлиқ қариялар «Ғазғон» жамоа хўжалигидан шу 10 гектар ерни ҳамда яқин ўртада жойлашган қудуқни 25 йилга ижарага олишди. Ўша йили Шредер номли боғдорчилик институтининг Самарқанддаги филиалидан 500 туп кўчат олиб келиб экишди. Боғ ҳар йили тўлдириб борилди. Ўтган йил ҳам 100 туп ёнғоқ, 100 туп шотут, 50 туп гилос кўчати олиб келиб экишди. Эндиликда олманинг ўзидан 850 туп бор.

Ҳадемай қилинган харажатлар ўрни қоплана бошлайди, мевалардан боғча, меҳрибонлик ва қариялар уйларидагилар баҳраманд бўлади. Бундан ортиқ савоб борми! Турсун бобонинг кўнгли таскин топгандай бўлди.

Шу десангиз бир куни вилоят ҳокими келиб қолди.

— Эшитдим ҳиммат кўрсатганларингизни, — деди у кўришиб бўлгач, — йўлим тушган эди, бир зиёрат қилиб ўтай отахонларни, деб йўлни шу ёққа бурдим. Хорманглар энди, азамат отахонлар.

Бу гаплардан кексаларнинг кўнгли эриб, руҳлари кўтарилиб кетди.

— Ҳаммамиз ҳам шу юрт кўйида юрибмиз, яшаган жойимиз обод бўлса, эл дастурхонига, майли-да, озми-кўпми, ҳисса қўшсак, деган ўй бизни ундади бунга, — отахонлар ишни қандай бошлашгани, мақсад йўлида пайдо бўлган жумбоқлар, уларни ечишда ким холисо-

на ҳиммат кўрсатганлигини бирма-бир сўзлаб беришди.

Улар гапидан ҳоким бобонинг дили ёришди.

— Яшанглар, илоё имон бой бўлинглар, — деди у қувончини яширмай, — сизларки шунчалик ғайрат кўрсатибсиз, албатта озод юртимиз янада обод бўлади, Ўзбекистон келажаги буюк давлат бўлади. Мени тўғри тушунинглар, гап сизларнинг шу ердан қанча маҳсулот етиштиришингизда эмас, гарчи бу ҳам муҳим, биз учун, юрт учун энг аҳамиятлиси сизларнинг намунангиз, ўрнак кўрсатишингиз, масаланинг ўзаги, моҳияти шунда. Сизларни кўриб, бошқалар ҳам ҳиммат камарини боғлашади. Қарабсизки у қишлоқда 10 гектар, қўшни қишлоқда 5 гектар, яна бошқа жой шундай янги боғлар барпо бўлгусидир. Тома-тома қўл бўлур дейдилар, йиллар ўтиб ўлкамиз бутунлай боғроғларга буркангусидир. Бу мўл-кўлчилик, юрт фаровонлиги демак.

Мен сизлардан доимо кўз-қулоқ бўлиб тураман, имкон қадар ёрдам бераман, ишонинглар, шу сўзимда тураман. Ҳозир сизлар учун энг муҳим жумбоқ нима?

Ҳоким шу саволни ўртага ташлагач, отахонларга бир-бир назар ташлади. Ҳаёт йўллари уларнинг юз ва пешоналарида ўз изини қолдирган. Нуроний деганларича бор, нур, ажиб нур ёғиларди улар юзидан. Ота-хонлар жавоб беришга шошилмай бир-бирларига маъноли қараб, Турсун бобога имо қилишди — бу гапиринг деганлари эди.

— Сизга айтсак, ҳоким бува, энг чалкаш масала бу — сув муаммоси. Шуни...

— Бу масала ҳамма ерда бошни қотирыпти, энг ишқал, энг мураккаб жумбоқ ҳозир, мен сизларга айтсам. Мана икки йилдирки, ёғингарчилик кам бўляпти. Яширмайман сизлардан — баъзи ерларда ечимни топ-яппиз, баъзи жойларда эса... — деди қўлларини икки ёнга ёзиб елкасини қистан ҳолда. — Битта йўли бор, томчилатиб суғоришга ўтказамиз. Чамамда шунда қудуқдаги сув етса керак. Мен сизларга вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан тегишли мутахассисни юборай, кўрсин, ўргансин...

Орадан кўп ўтмади. Ўша бошқарманинг томчилатиб суғориш бўйича мутахассиси Назрилла Дабов келди. Шароитни ўрганиб, битта қудуқдаги сув бемалол етади, деган хулосага келди. Бу усулда суғорилганда намлик ўсимликнинг энг чуқур илдиизига етади. Махсус

мутахассислар келиб, лойиҳалаштириш ишларини поёнига етказишди.

Атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлаётгани отахонларга янги ғайрат бағишларди. Эзгу ният уларни бутунлай яшартириб юборганди. Улар ўйлашарди, яна ўйлаб, маслаҳатлашишарди, нима қилишсинки, ўзларига берилган майдон жилваси тагин ҳам очилсин, бераётган ҳосил чўғи ошсин, кўпроқ наф берсин. Қурбилари етганча дарахт ораларини юмшатиб, полиз экишганди. Ёз охирларига боргач, уч тоннадан мўлроқ қовун-тарвуз йиғиштириб олишди. Бозорга олиб бориб сотишмади, ўзаро тақсимлаб ҳам олишмади, балки уларнинг барини тўртта боғчага жуда арзон нархда беришди. 500 килограмм пиёз ҳам йиғиштириб олинганди, уни ҳам беришди.

Ўрик, олма, гилос кўчатлари орасига шафтоли қадашганди. Биринчи бўлиб нишонани шулар кўрсатди. Юмшоққина, серсув меваларни дуо қилишсин, деб фахрийларга бўлиб беришди.

Отахонларнинг дилида янги ўй пайдо бўлди. Ҳокимга борсак, яна 10 гектар ер беришса, чорва фермаси ташкил этсак, банкдан кредит олиб, молхона, омборхоналар қурсак, 200 та қора қўл берадиган қўй, 10 та сигир олсак. Янги ажратиладиган ернинг бир қисмига беда ва макка эхсак.

Туман ҳокими отахонларнинг ниятини эшитар экан вужуди яйраб кетди.

— Сизлар шундай ғайрат кўрсатиб турганларингизда биз қўлламасак дуруст бўлмас, — деди ҳоким мамнунлик билан. — Албатта ер берамиз, бошқа томонларга ҳам ёрдам берамиз...

Мана «Соҳибкор» кичик корхонаси деб аталувчи хўжаликка қўшимча 10 гектар ер ажратиш ҳақидаги қарор отахонлар қўлида. Қизиқ, ҳаёт ўзи шундай бўлса керак, бир ишни режалаштирсанг унинг билан биргаликда яна янги муаммо пайдо бўлади. Ўзи боғда дарахт ораларига ишлов бериш отахонлар учун бироз муаммо бўлиб турарди. Ахир илгариги куч-қувват қаёқда дейсиз. Энди бу янги ерни шудгорлаш, экинларга ишлов бериш масаласи қандай бўлади? Кетмон, белкурак билан иш битмайди-ку. Яна ўша: нима қилмоқ керак, деган савол қўндаланг бўлди.

Турсун бобо вилоят марказига йўл олди. Аҳволни тушунтирди, биттагина трактор бўлмаса, ишларимиз юришмайдиган кўринади. Ўзимиз сотиб олайлик, де-

сак, яширмаймиз қўлимиз калталиқ қияпти, деб бор гапни айтди.

— Чорасини топамиз, Қарияларни қадрлаш йилида сўзларингизни инобатга олмасак, яхши бўлмас, — дейишди вилоятдагилар.

Кўнгли тоғдек кўтарилган оқсоқол вилоят марказида бўлган гапларнинг ипидан игнасиғача шериклари — Ҳамро, Тўйбой, Кенжа, Остона боболарга энтика-энтика сўзлаб берди.

Пайғамбаримиз ҳадисларида шундай гап бор: «Қайси бир мусулмон экин экса ёки бирор дарахт ўтказса, сўнг унинг мевасидан қуш ёки ҳайвон еса, унинг эканидан ейилган нарсанинг ҳар биридан унга садақа савоби ёзилади».

Киши дилини чароғон айлагувчи бу сўзларни отахонлар кундалиқ ишларида дастуриламал, деб биладилар. Шахсий илинж эмас, балки савоб учун енг шимаргандир улар.

Турсун бобо «Нуроний» жамғармасининг Ғазғон шаҳридаги жамоатчилик марказининг раҳбари эмасми, қарияларни қадрлаш йили муносабати билан, Юртбошимиз даъватига жавобан шаҳарда қанча фахрий бор, улардан неча киши II-жаҳон уруши қатнашчиси, ногиронларнинг аҳволи қалай — буларнинг баридан яна бир бор хабар олди. Қаранг, уруш қатнашчилари ва ногиронларидан бор-йўғи 16 киши қолибди. Ҳаёт шундай экан-да. Наилуж! Улар ғанимат, жуда ғанимат, бод-бод хабар олмоқ, кўнгилларини кўтармоқ учун имкон қадар барча тадбирларни кўрмоқ керак. Кексалар орасида боқувчисини йўқотганлар беш киши экан. Буни ҳам алоҳида ҳисобга олишимиз керак, деб ўйларди у.

Шу ўй-хаёлларини Турсун бобо жамоатчилик маркази аъзоларига тўкиб солди, ниятларини баҳам кўрди, ўзича белгилаган мўлжалларини айтди.

— Яна қандай имконият бор бизда, айтинглар, биродарлар, ҳаммамизнинг ёшимиз бир жойга бориб қолди, савоб ишни қилишга шошилишимиз керак, вақт ғанимат, ўша меҳрга ташналарга жилла курса меҳр улашайлик, хабар олиб, кўнгил сўрашлиқнинг ўзи бир дунё савоб.

Шундай тўхтаб келишди: қурбимиз етганча пул ажратсак, совға-салом олсак-да, уларнинг хонадонларида бўлсак, бир пиёла чой баҳонасида суҳбатлашсак, яхши сўзимиз билан кўнгилларини кўтарсак.

Шундай бўлди ҳам. Айниқса, кўчага чиқолмай қол-

ган қариялар ҳолатини кўрсангиз, дил-дилдан дуода бўлдилар, бамисоли дардлари енгиллашгандек сездилар ўзларини. Илло жамғарма йўли билан бериладиган хайрия имкониятлари чекланган. Шунинг ҳисобга олиб, жамоатчилик маркази аъзолари Сафар Абдуллаев, Ғаффор Шомуродов ва Сафар Раҳимбоев каби шаҳарнинг кўзга кўринган ишбилармон ва тадбиркорлари билан учрашиб, ёрдамга муҳтож қарияларнинг аҳволини гапириб бердилар. Улардан эшитган жавоблари шундай бўлди:

— Хотиржам бўлинглар, отахонлар, биз ҳам савоб истаймиз, албатта, вақт-вақти билан улардан хабар оламиз, хайрия қиламиз.

Қаранг — савоб йўлида Турсун бобо ўз фарзандларига ҳам таъсирини ўтказмоқда, уларни хайрия ва эҳсонга даъват этмоқда.

— Фарзандларим, кенг бўлинглар, кенг бўлсанглар кам бўлмайсиз, — деб таъкидлайди у. — Билиб қўйинглар, кийган тўнингиз эскирар, илло кийдирсангиз эскирмас. Кўнгилни очик қилинглар, шундай бўлса, қўлингиз очик бўлади. Доимо ёдингизда бўлсин — қўли очик кишининг ҳамиша йўли очик. Айтмоқчиманки, Худойим ҳам берганга беради.

Яратган эгамнинг ўзи бу борада ҳам қарияни ярлақан. Унинг олти ўғил, бир қизи бор. Ҳаммаси олий маълумотли, бири ўқитувчи, бири қурувчи, яна бири тадбиркор. Ўғиллардан тўрт нафари ўз уйи яқинида мармарни қайта ишлайдиган цех очишган. Ҳар бир цехда беш-олти киши ишлайди. Буюртма кўп, харидор бисёр. Тайёрланган маҳсулотлар шартнома асосида Андижон, Наманган, Тошкентдаги қурилишларга етказиб берилмоқда. Давлатга ҳам, ишчиларга ҳам, ўзларига ҳам фойда.

Кўрилатган фойданинг бир қисмини кишиларга саховат кўрсатишга сарфлашмоқда. Бобонинг ўғилларидан Эркинжон 19-ўрта мактабдаги интернат гуруҳини оталиққа олган. Бу гуруҳда чўпонларнинг болалари таълим олишади. Ҳар байрам кунлари Эркинжон уларга яхшигина зиёфат дастурхони ёзади, баъзи ўғил-қизларга кийим-кечаклар совға қилади. Мактабда ўтказиладиган оммавий тадбирларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Спорт мусобақалари, фанлар бўйича ўтказиладиган танлов ғолибларини мукофотлаш учун маблағ ажратади. Бордию бундай тадбирлар туман марказида ўтказиладиган бўлса, ўқувчиларни автобусда олиб бориш, олиб келиш харажатларини зиммасига олади.

Яна бир ўғиллари Эминжон. Унинг ҳам мармарга

қайта ишлов берувчи цехи бор. У қишлоқ врачлик пункти қурилишига маблағ билан ёрдам кўрсатди, қанча керак бўлса, шунча мрамар тахтачаларни текинга берди. Вилоят маркази — Навоий шаҳрида улуг шоирга атаб катта боғ яратилди. Шу қурилишга ҳам, Карманадаги Қосимшайх Азизон ёдгорлиги мажмуасига ҳам кўп миқдордаги мрамар тахтачаларни хайрия сифатида етказиб берди.

Баъзан ўйланиб қолади киши — қандай бағри кенг, ўзгалар ташвиши деб елиб-югураётган, ўшалар дарди билан яшаётган, саховатпеша халқимиз бор. Киши қалбидаги меҳр-мурувват уни юксакликка кўтаради, хайрат тўла мўъжизалар яратади. Саховатпеша кишиларнинг қалбини қуёшга ўхшатгим келади — унинг тафтидан атрофдагилар ҳамиша баҳраманд бўладилар. Шундай одамлар ҳамиша бор бўлсин!

БИЗГА ҲАМ СИЗНИНГ ЙЎЛИНГИЗНИ БЕРСИН

*«Бировга яхшилик қилсанг, қилган яхши-
лигингни яшир. Биров сенга яхшилик қилса,
эл орасига ёй»*

Кўзимни очганимда дафъатан қаерда эканлигимни тезда англай олмадим. Ҳамма ёғимни тер босган, кийимларим, ҳатто сочларим ҳам бўкиб кетган. Чуқурроқ нафас олай десам икки биқинимда қаттиқ санчиқ пайдо бўляпти. На қўлимда ва на оёқларимда мадор бор. Атрофдан келаётган ёқимсиз хид ўқчиқ қўзғайди, йўталай десам бутун аъзои-баданим қақшаб оғрийди.

Нима бўлганлигини эслай бошладим. Уйга юқори ҳарорат билан келганлигим алас-алас ёдимда. Сўнг «Тез ёрдам» чақирди. Мутахассислар кўришгач, зудлик билан касалхонага олиб кетишди. Обдон текшириб, ўпка икки томонлама қаттиқ шамоллаган, деган тўхтамга келишган. Эртасига эса у зотилжамга айланган. Мана учинчи кундирки (мен буни шифокорларнинг ўзаро суҳбатидан илғаб олдим) ҳарорат 41 даражадан пастга тушмаяпти. Тегишли муолажа қилинган, лекин шунга қарамай ўзимдан кетиб қолаверибман, ухлоқ пайтимда нималардир, деб алаҳсирабман ҳам. Ҳарорат баланд, илло баданим совуқдан қалтирарди.

Шу пайт хотиним келди. Унга товук шўрва келтиринг, деб тайинлашган экан. Ичираман дейди, қани энди томоқдан ўтса. Бир амаллаб ярим коса шўрвасини

ичирди, бир тишлам гўштидан ҳам енг, дейди, қани энди бунинг иложи бўлса. Уйда кичкинамиз эмизикли эди, менинг зўрим билан хотиним ноилож қайтиб кетди. Унинг ёш тўла мўлтираб турган кўзлари, ночор, хо-муш термулишлари юрагимни ўртаб юборди.

Шипга қараб ҳаёл суриб ётибман, шу ҳолатда баъзан кўзим кетиб қоляпти, дам ўтмай яна уйғонаман. Шу пайт елкасига оқ халат ташлаб олган кимдир эшик-да кўринди. Ётганларга бир-бир назар ташлаб, нигоҳи менда тўхтади. Ахир бу Зиёд ака-ку, деган ҳаёл ўтди менда. У қўлида газетага ниманидир ўраб олган. Мени танигач, шаҳд қадам ташлади. Унинг орқасидан хонага эғнида оқ халатли яна бир киши кирди. Кейинчалик билсам у шу шифохонанинг бош шифокори экан.

— Укажоним, умринг узоқ бўларкан, эсхонамизни чиқариб юбординг-ку, жигарим. — Унга стул қўйиб беришди. Зиёд ака анча энтикиб гапирарди, мен эса бунинг сабабини билолмай ҳайронман. — Оббо, укажон-е, қалай тузукмисан? — у қўлини пешонамга қўйди, — ўхоо, иситманг баланд-ку, — Зиёд ака бошини кўтариб савол назари билан бош шифокорга қаради.

— Барча чоралар кўриляпти, — деди у. — Мўлжалимизча бугундан бошлаб ҳарорат, бироз бўлса ҳам, пасайиши зарур. Янги чиққан дори-дармонлардан келтирдик. Ўзим доимий равишда назорат қилиб тураман, хотиржам бўлинг.

Бош шифокорнинг сўзларидан андек бўлса-да кўнгли таскин топди шекилли Зиёд ака нигоҳини яна менга қаратди. У ҳаяжонда эди, бу ҳолат гап-сўзларида, бутун борлиғида, қўлларининг билинар-билинемас титраб туришида шундоққина сезилиб турарди. Ўзи асли ҳароратли, гапирганда ҳам куйиб-пишиб сўзларди у, юрганда ҳам қадамини гурсиллатиб ерга урарди. Лекин ҳозирги ҳолатида мен учун қандайдир сир-синоат бор-дек эди.

— Кўнглингни хотиржам қил, бугундан бошлаб энг малакали шифокор сенга қарайди, — у яна бошини кўтариб бош шифокорга қаради, — борди-ю, — деди Зиёд ака, — бирор дори-дармон топилмаса, менга хабар берасиз, ернинг тагида бўлса ҳам топиб бераман, бу томондан кўнглингизни тўқ қилинг.

— Хўш, энди ўзингга келсак, касалинг тарихидан хабардорман, ўша мартен печлари олдида узоқ туриб қолгансан, обдон терлагансан, шу бўйи ташқарига чиқ-

қансан, қиш чилласи эмасми, дарров совуқ урган. Айт-чи, кўнглинг нимани истайди, тортинма, тайёрлатиб келтираман. Ҳа, ҳозир бироз довдираб қолиб, нима олишни ҳам билмадим, шоферимиз Нодирни бекатга чиқарсам, мана бу билишини кўтариб келибди, — деб қўлидаги қоғозга ўралган нарсани тумбочка устига қўйди. Чамаси гап билан бўлиб у ҳаёлидан кўтарилган бўлса ажаб эмас. — Ҳа, айтақол, кўнглинг нимани тусайди, яна нима ёрдам керак мендан, мана бош шифокор шу ерда, тортинма...

Нима дейишим мумкин, бу жонкуяр, ҳар сўзидан меҳр-мурувват уфуриб турган кимсага қандай жавоб беришим керак? Ҳа деб қистайверганидан сўнг аста:

— Кўнглим ҳеч нарса тусамаяпти, — дедим. — Ҳали хотиним товуқ шўрва олиб келган экан, беш-олти қошиқни ўзимни мажбурлаб ютган бўлдим. Бир илтимосим бор, айтишга андиша қилиб турибман, ахир касалхона ўз номи билан касалхона-да. Палатада беш кишимиз, афтидан оғир беморларни шу ерга жойлаштиришса керак, уч киши ўрнидан туrolмайди, шундай бўлгач... бу ёғи маълум. Ўзи зўр-базўр нафас оляпман, палатамизда ҳаво етишмайди, бори эса қўланса, кўнглим айнигани-айниган.

Шундан сўнггина Зиёд ака ҳам, бош ҳаким ҳам атрофга аланг-жаланг назар ташлашди, учта крават тагида турган тувакни кўришгач, масалага дарров тушунди.

— Сизларда икки кишилиқ палата борми? — сўради Зиёд ака бош ҳакимдан.

Гапни қай томонга бурилаётганини сезган бош шифокор:

— Бугуноқ ҳал қиламиз бу масалани, — деди.

— Билиб қўйинг, — деди Зиёд ака жиддий оҳангда, — мен ўзим шу томонда яшайман, Кисловодск кўчасида, ҳар куни ишга кетаётиб кириб ўтаман, бу бемор бизнинг энг зўр ходимларимиздан, уни жуда яхши кўраман, билсангиз...

Бош шифокор Зиёд акага берган ваъдасини бажарди — мени икки кишилиқ палатага кўчиришди. Орадан уч кун ўтгач у яна мендан хабар олгани келди. Ҳарорат 38,5 га тушган, ўзимни анча енгил ҳис этаётгандим. Аммо куч-қувватим бамисоли суғуриб олингандек, ўзимни беҳол сезардим. Иштаҳага келсак, бояги-боягидек, — инжиқлик қилардим.

— Дард чекиндими — биз ғалаба қилганимиз бу, —

деди у қандайдир тантанали оҳангда. Аҳволимни кўриб, кўнгли андек таскин топди. Яратилган янги шароитни кўргач, — мана бу бошқа гап, — деди мамнун ҳолда. Олма олиб келдим, артиб, тотиниб тур, иштаҳангни очади, — таъкидлади Зиёд ака. — Борди-ю бирор нарса керак бўлиб қолса, кўнгироқ қил, сира тортинма.

Яхши гаплар билан кўнглимни кўтариб, самимий истаklar айтиб, чиқиб кетди у. Мен ўйлардим, бу киши учун мен кимман, аслини олганда элликка яқин ходимларнинг бириман. Бунчалик жонкуяр бўлмаса, очигини айтганда баъзан туғишганингдан ҳам бу қадар меҳрибонликни ё кўрасан-ё кўрмайсан. Бахтим бор экан, шундай раҳбар қўлига келибман, худойимдан ўргилай, тақдир сўқмоқларида шундай инсон билан учратганидан. Қарагин, дейман ўзимга ўзим, айтаётган барча гаплари юракдан, тутаётган иши ҳам. Ҳавасим келади чин дилдан унга, борди-ю замонлар келиб, мен ҳам раҳбар бўлсам, худди шу йўсинда иш тутишга ҳаракат қиламан, деган ниятни кўнглимга тугиб қўйдим.

Буни қаранг, ўша пайтда ниятларимга фаришталар омин, деган эканми, узоқ йиллар вилоят ва республика газеталарига бош муҳаррир бўлиб хизмат қилдим. Ҳар сафар кўргани келганида Зиёд ака яхши маслаҳатлар берар, устоз сифатида насиҳатлар қиларди.

— Раҳбар, — деб таъкидларди у, — аввало жамоатнинг ҳурматини қозониши керак, шунга эришса, ишлар худди яхши мойланган машинадек кетаверади. Бунга аввало юксак малака, ишчанлик билан бир қаторда ходимларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш йўли билан эришилади. Тўғри, талабчан бўл, лекин аввал унга ўтказиб қўйгин. Биламан, баъзан тажанглигинг бор. Кўнглини кенгроқ қил, унутма — кенгга кенг дунё, торга эса тор. Қўполликдан сақлан, бир оғиз ўринсиз сўз бутун қилган яхшилигингни ювиб кетиши мумкин. Узингни эр билсанг, ўзгани шер бил! Сени раҳбар бўлганинг учунгина эмас, балки яхши инсон бўлганинг учун ҳам кишилар ҳурмат қилсин. Кайфияти яхши ходим кўтаринки руҳда ишлайди, кўнглини яра қилсанг, шунчаки, ҳужакўрсинга ғимирлаб юраверади. Билиб қўй, ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас. Дағдаға билан ишлатаман кишиларни, деган ютқизади. Буларни сенга бир укам сифатида айтаяпман, қулоғингда бўлсин. Кўпчиликка бош бўлмоқ — нозик санъат, бу ҳам худойимнинг бир инояти. Уни авайлаш, қадрига етмоқ керак. Ходимлар сен учун ҳар

нарсага қодир бўлсин десанг, ҳурмати яхшироқ бўлишига қўй, авайла худди ўз фарзандингдек, керак бўлса эъзозла, нописандликдан сақлан, худди шундай жавоб олишинг мумкин, ходимларни сафдошим, деб бил, кишиларни чидам билан эшита бил, бу ҳам ҳурматнинг бир кўриниши. Қўл остидагиларга яхши муомала қилиш ҳам хайрликдир, ҳадиси-шарифда шундай дейилган. Айтганларимни ёдингда сақла — кам бўлмайсан...

Дори-дармондан ҳам Зиёд аканинг менга нисбатан ҳатти-ҳаракатлари, самимий илиқ сўзлари руҳимга мадор, вужудимга қувват бахш этаётгандек туйиларди. Ғалваларга тўлиб-тошган бу дунёда яхшиямки шундай одамлар бор. Борди-ю жамоадан бир-икки кишини юбориб, хабар олиб келинглари ундан деса, шунга ҳам раҳмат дердим, ахир раҳбар кимсанинг қачон қараманг, ҳамиша вақти зиқ, иши тигиз, ҳали қарасанг у кенгашга, ҳали қарасанг бу йиғилишга чоп-чоп. Бош муҳаррир бўлгач, эртага дунё юзини кўрадиган газета саҳифаларини ўқиши, таҳрир этиши, юқори идоралар билан боғланиб, қандай муҳим масалалар борлигини аниқлаши — ҳуллас, кети кўринмас вазифалар... Шундай ҳолатда борди-ю бемор ходимдан шахсан ўзи хабар ололмаса, бундан ҳеч ким ўпкаламайди ҳам. Йўқ, бошқалар шундай йўл тутиши мумкин, илло бизнинг Зиёд ака сира-сира бундай қилолмасди, ундаги инсонга бўлган меҳр, катта қалб бунга йўл қўя олмасди. Кейинчалик ҳам кўриб билиб бунга ишонч ҳосил қилдим — у ҳаммага ҳам худди шундай муносабатда бўлар экан. Унинг учун ходимнинг катта-қичиги йўқ эди, аввало уларги инсон, деб қарарди. Ўзи шу жамоага раҳбарми, демак вақтида талаб қилиши, вақти келганда эса ғамхўрлик кўрсатиши шарт. Раҳбар — бамисоли ота, у ёшми ёки ёши улугми, бундан қатъий назар, жамоанинг отаси, шундай бўлгач, ҳар бир ходимнинг қувонч-ташвишини баҳам кўрмоғи даркор — Зиёд аканинг тушунчаси, эътиқоди шундай...

Ўша пайтда мен таҳририят касаба уюшмасининг раиси эдим. Эсимда бир кўни у мени йўқлатди. Хонасига кирдим.

— Марям опанинг, машинисткамизнинг тоби қочиб қолганлигидан хабаринг борми? — сўраб қолди у.

— Эшитганим йўқ, — жавоб бердим мен.

— Касалхонага тушиб қолибди, бугун уйдан барвақтроқ чиқиб, тўғри уни йўқлагани борми, — деди у. — Ҳол-аҳвол сўрадим, даволовчи врач билан гап-

лашдим, бош шифокорга кириб, керакли гапларни айтдим. Биласан ўзи энг малакали, ишчан ходимамиз, илло унинг оиласи йўқ, кўнгли ярим, бинобарин биз хушёрроқ, эътиборлироқ бўлмоғимиз шарт. Сен уюшмамиз раиси сифатида ҳафтада икки бор жамоа вакилларининг уни кўришга боришини ташкил этишинг керак. Ёлғизлиги сезилмасин, унинг биздан бошқа ҳеч кими йўқ, буни унутма.

Ўшандаёқ раҳбаримизга тан берган эдим. Ундаги шу хислат, гарчи ҳозирда ёши саксондан ўтган бўлса ҳам, ҳамон ўша-ўша. Тошкентда ўтадиган бирор бир тўй-тантана ёки маросим йўқки, у ерда бизнинг Зиёд акани кўрмаган бўлсангиз. Инсон кўнглини олмоқдек эзгу ниятда у на вақтини ва на куч-қувватини аяйди. Борганда ҳам шунчаки қўлни кўксига қўйиб чиқиб кетавермайди. Тўй ёки маросим эгасига бориб, унинг кўнглини кўтарадиган юрак тафти ила йўғрилган гапларни топиб айтади, шундай сўзларни айтадики, у киши узоқ вақт эслаб юради, Зиёд акани ҳар сафар кўрганида унга илҳақ бўлиб талпинади...

Бир ҳафта деганда танам ҳарорати тушди, руҳим енгиллашиб, оз-оздан бўлса ҳам йўлакка чиқиб юрадиган, одамлар билан гаплашиб, юрак чигилларини ёзадиган бўлиб қолдим. Зиёд ака яна келди. Аҳволимни кўриб бирам қувонди, бирам севиндики...

— Мана энди не воқеалар бўлиб ўтганини сўзлаб берсам бўлади, — деди кулиб. — Эсингдами «Ўзбекистон» нашриётининг директори Файзулла Юнусов «Тошкент ҳақиқати»га келган кун.

Мен бошим билан тасдиқ ишорасини қилдим.

— Бекобод металлургия заводининг 25 йиллиги муносабати билан бир рисола тайёрлаш керак экан, — деб сўзни давом эттирди у. — Бош муҳаррир сифатида аввал менга учрашди, мақсадини айтди, сўнг уни бошлаб сенинг хонангга келдик. Иккиландинг, мен ҳали рисола ёзмаганман, дединг. Шунда далда бердим, неча кун керак бўлса, шунча хизмат сафарида бўласан, завод директори Мухамедовга айтиб қўяман, ҳамма шaroитни яратиб беради, дедим.

Хуллас, сен кетдинг, биз ўша ерда хизмат билан юрибсан деб ўйладик. Касалхонада эканлигингдан хотининг — Саодатхондан таҳририятга келгач, эшитдик. Йиғлади-сиқтади, аҳволинг оғир эканлигини айтди. Унга сен хотиржам бўл, бугуноқ вақт топиб хабар оламан, дедим.

Шундан сўнг, касалхонага қўнғироқ қилдим. Нимани эшитдим дегин? эсласам вужудимда ҳали-ҳали титроқ туради. Бош шифокор «Бемор Сулаймонов бугун эрталаб соат 6-дан 17 дақиқа ўтганда вафот этди» деса бўладими... Ўша пайтдаги ҳолатимни кўрсанг, оёқ-қўлим бўлашиб кетди, кўз олдимни қоронғулик босгандек бўлди. «Эҳ, эссизгина, ҳали ўттизга ҳам кирмаган эди-я, хотини ёш, ишламайди, уч боласи бор, буёғи энди қандай бўлди?» Миямда шу фикрлар чарх урарди тинмай. Бир пайт ўзимни тутиб олдим. Қани, аввал борайчи, воқеани аниқлайчи, деб йўлга тушдим. Таҳририятдагиларнинг бирортасига бу ҳақда чурқ этиб оғиз очмадим. Машинада келаяпман-у ўзимни босиб ололмайман. Важоҳат билан бош шифокор хонасига кирдим. Кирдим-у стулга ўтирмай тик турган ҳолда баланд овоз билан сўрадим:

— Нима бўлди? — деб. — Қани унинг ҳужжатлари, сабабларини тушунтириб беринг.

Мендаги ҳолатни кўриб, бош шифокор бироз довдираб қолди чоғи. Столининг бир чеккасида турган қоғозларни олиб ўқий бошлади.

— Бемор Сулаймонов Нозим...

— Тўхтанг, — деб бақириб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. — Қанақа Нозим, унинг исми Исмоил, — таъкидладим. Бош шифокор менга бақрайганча қотиб қолди.

Хуллас, кейин аниқласак ўша беш кишилик сен ётган палатада Сулаймонов фамилияли яна бир бемор бор экан, у анча ёшга борган бўлиб, вафот этган ўша киши экан.

Билсанг агар яна вужудим бўлашиб кетди. Бир хўплам сув беринг, дедим унга. Ўзимга келгач, сени кўргани кирмоқчи бўлдим. Лекин унга ҳеч нарса олмаганман-ку деб ўйлаб, шоферимиз Нодирни трамвай бекатига юбордим, бирор нарса топиб келгин деб. Бори шу — билиши экан, газетага ўраб олдингга ҳаяжон билан кириб бордим. Укажоним, умринг узоқ бўларкан, деганимнинг маъносини энди тушунгандирсан, сени ўлдига чиқариб қўйишган экан. Ҳайриятки...

Ана шунақа воқеа бўлиб ўтган эди. Шу биргина ҳикоя қилиб берганим лавҳада Зиёд Исломович Есенбоевнинг қандай инсон, қандай раҳбар эканлиги бутун бўй баста билан мана мен деб кўзга ташланиб турибди. Шу хислатлари учун бўлса керак худойим у кишининг умрини узоқ қиляпти.

Ўрни келганда қаттиққўллик қиларди, лекин асос-

сиз бирор кимсанинг бурнини қонатганлигини билмаймиз. Қизиқ, у қаттиқ койирди ҳам, лозим бўлса маъмурий чора ҳам кўрарди. Лекин уларнинг захри бўлмасди, тикони йўқ эди. Айб қилган, хатога йўл қўйганлар кўрилган чорадан, эшитган гапларидан норози бўлиб юришмасди, чунки кези келганда у чин мураббийларга хос меҳрибонлик кўрсатарди. Баъзан шундай ҳам бўларди: мажлисларда қизишиб кетиб, бироз меъёрдан чиқиш ҳоллари ҳам юз берарди. Хушёр инсон эмасми, бу ҳолатни ўзи танқидий нуқтаи назардан таҳлил қиларди, орадан икки-уч соат ўтгач, ўша ходим хонасига кирар, чой дамлатиб у ёқ-бу ёқлардан гаплашиб ўтирар, ишларини, бола-чақаларини суриштирар, мендан қандай ёрдам зарур, деб сўрар ва ўрнидан туриб, елкасини эркалаб силаб, чиқиб кетарди. Қарабсизки, ўшшайиб юриш бўлмасди, юракдаги чигиллар батамом ечилиб кетарди.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, теварак-атрофингизга назар ташлаб, одамларни кўздан кечиринг, сўнг хулоса чиқаринг. Бизнинг Зиёд ака, Ўзбекистон матбуоти-нинг отахони саксон бир ёшгача жанговор сафда туриб, азаматларча меҳнат қилди.

У ўз хизмат бурчи бўйича ҳам, юрак амри, ҳудойим ато этган ажойиб фазилати билан ҳам Республика журналистларига мураббийлик қилди. Кўкси тўла жанговор ва меҳнат орденлари, кўпдан-кўп медаллар. Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвонига эга, Ўзбекистон Беруний номидаги давлат мукофотининг совриндори — буларнинг ҳаммаси давлатимизга, халқимизга садоқат билан қилган хизматларига берилган муносиб баҳодир. 1998 йили унинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Мамлакатимизда фан, таълим, маданиятни ривожлантиришдаги улкан хизматлари, юрт истиқлолини мустаҳкамлаш, маънавиятни юксалтиришга қўшган ҳиссаси давлатимиз томонидан юксак тақдирланди — у «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди. Яна қувончли томони шундаки, бу олий мукофотни Зиёд ака халқимиз йўлбошчиси Ислон Каримов қўлидан олишдек юксак шарафга муяссар бўлди.

У шунчаки умр ўтказмади, балки қаерда ишламасин ўзидан яхши, хайрли из қолдирди. «Тошкент ҳақиқати», «Совет Ўзбекистони» («Ўзбекистон овози») газеталарида бош муҳаррир, йигирма йилдан зиёдроқ вақт мобайлида Республика Давлат матбуот қўмитасида раис, 15

йилдан зиёд «Ўзбекистон матбуоти» журналида бош муҳаррир бўлиб хизмат қилди. Шу давр мобайнида бир қанча китоблар ёзиб, чоп эттирди. У кишининг яна бир эзгу иши, савоб йўлига, тарих учун қилган катта хизмати борки, уни алоҳида таъкидлагим келади. Шу пайтгача «Матбуотимизнинг фидойилари» номли икки китобни тайёрлаб, босмадан чиқарди. Мазкур китобнинг учинчиси яқинда дунё юзини кўради. Уларда бутун ҳаётини шу беҳаловат касбга бағишлаган юзлаб журналистлар ҳақида ҳикоя қилинади. Бинобарин, уларнинг табаррук исм-шарифлари тарих учун ўчмас бўлиб битиб қолдирилди. Бу китоблар журналистика факультети талабалари, бошловчи журналистлар учун, қолаверса матбуотимиз шонли йўлини ўрганувчи олимлар учун тенги йўқ ва бебаҳо манбалар бўлиб қолади.

Киши ҳаёт йўлининг маълум босқичига боргач, орқага қараб, босиб ўтилган йўлга назар ташлайди, ўзича сарҳисоб қилади: нима иш қилдим, ҳаётда қандай из қолдирдим, деб. Зиёд ака минг бора рози бўлса арзийди. Бир инсон қўлидан иш келса шунчалар бўлар. Юзлаб миннатдор шогирдларни айтмайсизми.

Яқинда устоз ўзича бир тўхтамга келди. Ёшим саксондан сакраб ўтди, энди бизга жавоб беринглар, укаларим, деб ариза ёзсам бўлар, деди. Ва шундай қилди. Аризасида ишлаган йиллари ўзига кўрсатилган ҳурмат ва эътибор учун миннатдорчилик сўзлари битишни унутмади.

60 йилдан зиёдроқ узлуксиз меҳнатдан сўнг устозни дам олишга кузатишнинг ўзи катта тантанага айланиб кетди. Кўнглидаги яхши сўзларни, дилидаги миннатдорчилик туйғуларини билдирмоқликни истовчиларнинг кети кўринмасди. Устоз шуларнинг барчасининг юрагида қандайдир илиқлик, ҳаёт сўқмоқларида, тақдирида ўчмас хотира қолдирганди. Айтилган гапларни умумлаштириб, бир жумлада ифодаладиган бўлсак, шундай ният бўртиб кўзга ташланади: жонкуяр, меҳрибон устозимиз Зиёд ака, дуо қилинг, бизга ҳам ҳудойим сизнинг йўлингизни берсин!

ШУНДАЙ НИЯТ ҚИЛГАН ЭДИ

«Ҳар бир қилинган яхшилик ҳам садақадир»

Одамлар борки, бир инсоннинг кўнглини олмаса, кимгадир ёрдам бермаса, ўша кундан унчалик рози бўлмайди. Айниқса ёрдамга муҳтож, куч-қувватдан қол-

ган кексаларга суянчиқ бўлсанг, улардан буғдой ноннинг бўлмаса-да буғдой сўзингни аямасанг, қандай яхши. Уларнинг юзига, айниқса кўзларига боқинг, бамисоли чақнаб кетгандек. Ёлғизлик ёмон, жуда ёмон. Қандай қилсин тақдир экан. Кечгача эшикка термулиб ўтиргани ўтирган. Бугун ким келаркин, деган ўй дилни тарк этмайди. Ниҳоят интиқлик билан қутилган дақиқалар келади. Йўлакнинг эшиги очилгандек бўлди. Ким бўлдийкин, деб ўйлайди ва ўзига-ўзи жавоб беради: албатта Николай Тимофеевич-да, ўзимизнинг Коля.

— Семён, биродарим, яхши ўтирибсанми, — хонага кириб келаркан одатдагидек ҳол-аҳвол сўрайди Николай Тимофеевич. — Зерикиб қолмаяпсанми, уйқу қалай бўляпти, иштаҳачи — шу иккиси жойида бўлса соғман, деб ҳисоблайвер ўзингни.

Икки дўст қўл олишди. Стулга ўтиргач, Молдованов Семёнга тикилиброқ назар солди.

— Кўринишинг чакки эмас, туф-туф, илоё кўз тегмасин. Бунга қара-я, хаш-паш дегунча саксондан ҳам сакраб ўтибмиз. Ҳали бери бўш келмаймиз, шундайми...

Николай дўстининг елкасини енгилгина сийпаб қўйди.

— Яхшиям сен бор экансан, келиб холимдан хабар оласан, меҳрингни дариг тутмайсан, — деди Семён Иванович мамнун ҳолда. — Билмадим, бу қариликнинг асоратими ёки бошқа сабабми, шу десанг кечаси уйғонсам, қайта уйқу келмайди. Калламда ҳар хил хаёллар ғужғон ураверади. Ажабланардиси шундаки, кўпинча нохуш воқеалар жонланаверади. У ёққа ағдариламан, бу ёққа ағдариламан, қани энди ўша, дилга озор берадиган хаёлдаги воқеалар чекинса, йўқолса... Охири юрагим ўйнаб кетади. Сира иложи бўлмагач, туриб дориларни титаман, тилимнинг тагига валидол ташлайман, шунда ҳам ҳа деганда тинчимайман. — Семён Иванович узун бир «уф» тортди, сўнг қўшиб қўйди, — бундай ҳолат фақат биргина менда эмас, бошқа кексаларда ҳам шундай бўлса керак.

Николай Тимофеевич ошнасининг сўзларини бўлмай диққат билан тинглар экан ўйларди. Ёлғизлик ёмон, Семённинг ҳолатидаги кўринишлар, аввало ёлғизлик асорати, ёнида кимдир бўлса, гаплашса, юрагини ёрса, бироз бўлса-да чигиллари ёзилармиди. Диққи нафас бўлаётганининг асосий сабаби шунда, деб ўйларди. Ҳа деганда ташқарига чиқиб, кўча айлангани қурби етма-

са, борди-ю бунинг имкони бўлганида ким биландир учрашарди, икки оғиз бўлса-да ўтган-кетганлардан гаплашиб, ором олган бўларди, руҳи енгиллашарди. Бунинг устига ўша лаънати урушнинг ўчмас асорати — ўқ еган оёғи тез-тез азоб бериб турарди.

— Бундай қилсак, Семён, — деди бир тўхтамга келган Николай Тимофеевич, — мен корхонамиз тиббий қисмига бориб, хабар олсам, имкониятни ўргансам, ўн-ўн беш кун ётиб чиқсанг, шифокорларимиз малакали, етишмаётган дори-дармонларни кўплашиб топамиз. Жилла қурса ўша ердаги сенга ўхшаганлар билан тўйиб-тўйиб гаплашасан-ку, шунинг ўзи, чамамда, дардингни енгиллатса ажаб эмас.

Молдованов ўрнидан турар экан Семёнга қараб «келишдик-а» деди-да хайрлашиб чиқиб кетди.

Орадан бир ҳафта ўтди чамаси. Бу сафар Николай Тимофеевич дўстидан хабар олгани корхона ҳузуридаги шифохонага келди. Икки оғайни кучоқлашиб кўришишди. Диванга ўтиришгач, Молдованов одатдагидек дўстига бошдан оёқ синчковлик билан назар ташлаб чиқди. Унинг ҳолатидан кўнгли таскин топгандек бўлди.

— Кўринишинг отдек, хурсандман, жуда хурсандман, — деди Николай Тимофеевич, — бу дейман зерикишлар тарқагандир пича бўлса ҳам.

— Эй, нимасини айтасан, даволанаётганларнинг барчаси ўзимизнинг заводдагилар. Еб-ичишдан камчилигимиз йўқ, тўйиб-тўйиб отамлашамиз кечгача. Тўғри айтган экансан ўшанда, одам тафтини одам олади, деб. Қушдек енгилман, кайфият яхши, уйқу ҳам, иштаҳа ҳам жойида. Раҳмат, сенга ошнам!

Николай Тимофеевич қариялардан ким шу ерда даволанишда бўлса, бирров бўлса-да, улар ҳузурига кириб, ҳол-аҳвол сўраб чиқди.

Ҳар куни аҳвол шу. Уйда эса хотини Любовь Григорьевнанинг ҳаловати бузилган. Шу пайтгача қаёқларда қолиб кетди экан, тушлик қилганмикан, кексани овқат асрайди, деган гап бор, у нима қилдийкин, деган хаёллар тинчлик бермайди унга. Николай Тимофеевичнинг хотини минерал сув манбалари бўйича йирик мутахассис, Семашко номли илмий-тадқиқот институтида 40 йил давомида ишлаган. Жилла қурса икки бурда ноннинг орасига озгина колбасани қўшиб, қоғозга ўраб ҳам бермабман, деб ўзини койиган бўлади. Молдованов уйига келгач, одатда бир оз нафасини ростлайди. Сўнг бугун кимни кўргани боргани, кекса-

ларнинг кайфияти тўғрисида тўлиб-тошиб гапириб беради. Бироз толиққан бўлса-да қилган ишидан мамнунлиги сўз оҳангларида, юз-кўзларидан шундоққина кўриниб турарди. «Ажойиб чолим бор» деб кўнглидан ўтказди фахр билан Любовь Григорьевна.

— Энди дамингни ол, Коля, — дейди у меҳрибон овозда, — этади кечгача дайдиганинг...

Бугун ҳам кечга яқин уйига қайтар экан ўзини бироз толиққан ҳис этди, иллю руҳи тетик эди. У бугунги ўтган кунидан рози, кимларнидир бориб кўрди, яхши сўзлари билан улар кўнглини кўтарди. Молдовановнинг одати ўзи шунақа, қандайдир эзгу иш қилса, шу яхшилиқни кўрган одамларга нисбатан аввало ўзи хурсанд бўлади, кўнгли таскин топади. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди.

Эртага яна қанча ишлар кутяпти, деган ўйда одатдагига нисбатан эртaroқ ётди. Лекин бу кўз деганлари ҳали-бери юмилмасди, хаёл олиб қочаверарди...

Мана ёши саксондан ҳам ошди. Лекин шунга қарамай кечгача елиб югургани-югурган. Кексалар аҳволи қалай, айниқса иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронларидан кўнгли тинчимади. Улардан кимдир нимагадир муҳтож, улар мушкулени осон этмоқ юмушлари Николай Тимофеевич зиммасида. У Тошкент трактор заводидек улкан корхона фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиқ марказининг раиси. «Нуроний» жамғармасининг туман, шаҳар ва Республика ташкилотлари ишларида фаол қатнашади бизнинг Коля амаки.

Ўша мудҳиш асирлик йилларида дилига бир ниятни туғиб қўйганди — шу дўзах азобидан қутулиб, яна қадрдон шаҳри — Тошкентга қайтиб боришлиқ насиб этса, бутун бўш вақтини ўзгаларга — ёрдамга муҳтож кишиларга бахшида этишга аҳд қилганди. У хизмат қилаётган қисм урушнинг дастлабки ҳафтасидаёқ қуршовга тушиб қолди. Белоруссиянинг қалин ўрмонларида, ботқoқликларида қуршовни ёриб ўтишга кўп бор уринишди. Навбатдаги жангларнинг бирида оғир яраланиб, ҳушидан кетди. Ўзига келиб, кўзини очганида асирда эканлигини англади. Асирлик аскар учун энг даҳшатли бахтсизлик эканини Молдованов ўз бошидан кечирди. Кўп лагерларда бўлди, энг охири уни бошқалар қатори Элзас-Лотеренгиядаги лагерга олиб бориб ташлашди. Қандайдир омборхоналар қуришди. Емиш номигагина, меҳнат эса оғир. Озиб-тўзиб кетди, куч-қувват ва мадор уни тарк этганди.

Вужудининг оғирлиги 40 килограммга тушиб қолди. У туғилиб ўсан Одесса шаҳрида немисча сўзлашишни ўрганганди. Маҳаллий аҳолидан қурилишда кўнгилли ёлланганлар бор эди. Ўшалар ёрдамида лагердаги ҳарбий асирларни қочириш тўғрисида маслаҳатлар бўлиб ўтди. Лекин кимдир бу сирни лагер бошлиқларига етказди. Шундан сўнг Молдовановни Матхаузен лагерига кўчирдилар. 1944 йилнинг август ойидан то 1945 йилнинг 5 майигача у шу ерда бўлади. Шу куни асирларни Америка қўшинлари озод этди. 16 май куни эса уларнинг ҳаммаси шўроларга топширилди.

Аввалига Прагадаги госпиталда даволанди, биров вазнига вазн қўшилди — 50 килограммга етди. Бутун маш-маша шундан сўнг бошланди: сен нимага, нима мақсадда фашистларга асир тушдинг, у ерда кимлар билан алоқада бўлдинг, қандай топшириқларни ба-жардинг — хуллас, шунга ўхшаш гаплар.

— Душман таҳқирлаганини тушуниш мумкин, — деб афсус-надомат билан эслайди Николай Тимофеевич, — чунки у ўз номи билан душман, илло ўзингни-килар хўрлаганини кўтариш жуда-жуда азоб бўларкан. Ўйлаб кўринг, оғир ярадорман, ҳушимни йўқотганман, шу ҳолатда қандай қилиб ва қай йўсинда ўзимни ўзим маҳв этишим мумкин. «Совет солдати асирга тушишдан кўра ўлимни афзал кўриши керак» деб да-дага қилишарди.

Шундай қилиб десангиз Салокамскда 1946 йилнинг августигача минг чийриқдан ўтказишди. Тошкентга қайтиб, темир йўлга ишга кирдим. Лекин қувончим узоққа чўзилмади. Москвадан келган кўрсатмага асосан ким асирда бўлган бўлса ҳаммаси ишдан ҳайдалди. Сўнг шу заводга ишга келдим. Мана 51 йил бўлдики, қадрдон жамоа қўйнидаман. Хизматларимни юксак баҳолашди, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» деган фахрли унвон билан тақдирлашди. Шундай юртда яшаётганимдан бахтиёрман. Кексаларни қадрлашни, ҳурмат қилишни, эъзозлашни ҳар қадамда кўриш мумкин. Метрога чиқсам, кам деганда икки ёш ўрнидан туради. Кўнглим яйраб, дилим ёришиб кетади. Ўзбеклар ажойиб халқ, 60 йилдан зиёдроқ шу серкўёш ўлкада яшаётганим учун тақдиримдан миннатдорман. Шу қалби қайноқ, кўнгли очиқ халқнинг тенги йўқ, ўхшашини бошқа юртларда топиш қийин бўлган миллий одатларига, қадриятларига тасанно демаслик, қойил қолмаслик мумкин эмас.

Молдованов бироз тин олди. Қизиқ воқеа ҳаёлига келди шекилли ўзича кулиб қўйди. Сўнг сўзида давом этди.

— Ўша урушдан аввалги йилларда армия хизматида бўлганимизда, орамизда ўзбеклар ҳам бор эди. Улар вақт-вақти билан посилка олишарди, келган нарсаларнинг орасида бошқа егуликлар билан бир қаторда албатта бўғирсоқ бўларди. Биз уни нима эканлигини яхши билмасдик. Ўзбек аскарлари уйларида келган нимаики бор, уларни барча билан баҳам кўришарди. Ўшандаёқ бу танти халққа тан берган эдик, қойил қолгандик...

Бугун ҳам Молдованов барвақт турди. Нонуштадан сўнг тўғри заводга борди. «Нуроний» жамғармасининг жамоатчилик марказига кирди. Котиба Зоя Моисеевнадан кексалардан кимлар кўнғироқ қилгани, қандай масалада ёрдам сўрашганини суриштирди. Котиба барча ишларни саранжом-саришта олиб боради. Уруш қатнашчиларининг рўйхати, яшаш манзилгоҳи, уй телефони-нинг рақамлари алоҳида рўйхатда. Уруш ногиронлариники ҳам, оддий фахрийларники ҳам худди шундай. Истаган пайтда уларга кўнғироқ қилиш, ҳол-аҳволидан хабардор бўлиш мумкин. Николай Тимофеевич уларнинг барчасини шахсан танийди, уйдаги ҳолатидан хабардор, кимларнинг қаровчиси бор, кимлар эса якка-ёлғиз — ҳамма-ҳаммасини билади, улардан доимо кўз-қулоқ. Худонинг берган қуни албатта икки-уч кишига телефон қилади, яхши гаплар билан кўнглини кўтаради. Кам деганда бир кишининг уйига боради, дилдан суҳбатлашиб, кўнглини кўтаради. Борди-ю кимдир оғир бетоб бўлиб қолса, камчил дори-дармонларни сотиб олиш учун 5 минг сўм, жарроҳлик операциясига ётадиганлар учун ўн минг сўм пул маблағи ажратилади. Хуллас, якка ўзи яшаётганлар ҳеч вақт ўзларини ёлғиз ҳис этмайдилар. Жамоанинг меҳри ҳамиша сезилиб туради уларга.

Заводнинг «Баҳор» деб ном берилган кафеси бор. Ҳар қуни тушда 45 кишига (қарияларнинг шунчаси ёлғиз, боқувчиси йўқ) дастурхон ёзилади. Киши бошига 350 сўмликдан егулик тортилади завод ҳисобидан.

— Қизларим, ҳорманглар, — дейди баланд овозда Николай Тимофеевич емакхонага кириб борар экан, — бугун қарияларимизни қандай егулик билан сийлайсизлар. — У идиш-товоқларни, столлар тозаллигини кўздан кечиради.

— Биринчисига ширгуруч, отахон ва онахонларимизга юмшоққина бўлсин, деб тайёрлаяпмиз. Иккинчи егулик бугун зўр, ана ўзингиз бориб кўринг, — дейди қақилдоқ ошпаз аёллардан бири.

Мана, бирин-кетин кунда шу ерда меҳмон бўладиганлар кафега кириб кела бошлашди. Молдованов улар билан самимий саломлашиб, столга таклиф қилади. Ҳар бирини у танийди. Ёшликда қийқариб ўтказган йилларини эслайди. Хўв, ана у ерда ўтирган Гоша, Григорий. Токарлар орасида унга тенг келадигани йўқ ҳисоби эди, тайёрлаган қисмларни одамлар қўлига олиб, ҳавас билан томоша қилишарди. Ана униси эса машҳур чилангар Миша, Михаил. Қандай кўркем, келишган киши эди, қизлар унга суқланиб қарашарди, баъзан эса ўз ҳолига қўйишмасди, гап отишарди, аския айтиб қулишарди.

Вақт аёвсиз экан, бугун уларни биров танийди, биров эса танимайди. Қизиқ, деб ўйланиб қолади баъзан Молдованов. Ҳозир бу ерда ўтирганлар турли миллат вакиллари. Бола-чақалари вояга етиб, қанот чиқариб, турли томонларга учиб кетишган, баъзиларини эса яқинларидан ажал ажратган.

— Яшириб нима қиламиз, туғилмоқ бор — ўлмоқ бор, бу ҳаёт қонуни, — дейди ўйчанг оҳангда Молдованов. — Бундай ҳолда ҳам ёлғиз кексаларимизга ёрдам берамиз. Мен завод касаба уюшмаси қўмитасининг аъзосиман. Бундай маросимларни ўтказишни дарров зимамизга оламиз. Кўмиш маросими учун энг кам иш ҳақининг ўн баробарида маблағ берилади. Маъмурият тегишли транспорт ажратади. Марҳумнинг ёлғизлигини билдирмай, барча расм-русумларни рисоладагидек ўтказамиз.

Молдованов шу трактор заводида 25 йил цех бошлиғи бўлиб ишлади. 51 йил умри шу жамоа билан боғлиқ. Бу бағри кенг, камсуқум, доимо атрофга меҳр улашиб, шундан ўзи роҳатланиб юрадиган Николай Тимофеевични деярли ҳамма танийди. Ҳар кун қандайдир савоб иш қилиши керак, акс ҳолда у ўзидан ўзи рози бўлмайди.

Мана ҳозир ҳам у қаёққадир шошиб кетаяпти. Йўлда учраганлар билан самимий саломлашади.

— Йўл бўлсин, Коля амаки? — деб сўрашади.

— Уч-тўрт кун бўлди, Гоша амакинг кўринмай қолди, уйига кетаяпман, бир ҳол-аҳволини билайчи, — деб жавоб беради у.

Кишиларга бахшида этипти у кунларини, ҳафталарини, умрини. Ўша тутқунликда дилига туккан нияти рўёбга чиққанидан ўзида йўқ хурсанд. Бундай кишилар сира-сира қаримайди, дилдаги яхши ният яшартиради кишини, куч-қувват беради мудом. Кўнгли ўксик, дили ғариб кишиларнинг дуосини олганлар икки дунёда кам бўлмагайлар.

ҲАЁТ БЕЗАГИ

*«Оллоҳ ночор, қийналган одамга
яхшилик қилганни яхши кўради»*

Ўшанда Наврўз арафаси эди. Ўлмас ака одатдагидек қарияларни зиёрат қилишни дилига тугди. Кимдан бошласам экан, деб ўйлади ва саксон ёшни қоралаб қолган Абдуқаҳҳор отаникига йўл олди. Қўлидаги совға-саломларни Маҳбуба аяга топширар экан:

— Қалай, яхши ўтирибсизларми, тинч-омонмисизлар, — деб ҳол-аҳвол сўради. Ўлмас ака бу хонадон учун ҳам ўз кишиси бўлиб қолган. Вақт-вақти билан йўқлаб туришни канда қилмайди. Отахон келган меҳмонни алоҳида бир меҳр билан бағрига босди.

— Ўзингиз қалайсиз, иним, — дейди ҳаяжонли нигоҳини қадаб ота. Гапга Маҳбуба ая қўшилади: — Болаларингиз, набираларингиз тинч-омонми, укам. Ҳа, айтгандек, яқинда эвара кўрибсиз, муборак бўлсин, илоё умри билан берган бўлсин. Ўлмасжон иним, буни қаранг, сиз табаррук киши бўлиб қолдингиз, эвара кўрмоқлик ҳар бандага ҳам насиб этавермайди.

— Вой, ўлмасам, гап билан бўлиб, чой келтириш ҳам хаёлдан кўтарилибди, — шундай дея Маҳбуба ая ўрнидан турмоқчи бўлди.

— Опажон, — деди Ўлмас ака, — ҳали яна беш-олти ерга боришим керак, чой ичмаган жойимиз эмас, — у қўйнидан пул солинган конвертни олиб, отага узатди. Шу пайт атрофга назар ташлади. Неча ўн йиллар аввал оқланган уй ичи сарғайиб кетганди. Эшик ва дераза ромларидаги бўёқлар унниқиб, аслида қайси рангда эканлигини ҳам англаб бўлмасди.

Абдуқаҳҳор ота дилдан чиқариб яхши гаплар айтди, дуо қилди. Маҳбуба ая тўлқинланиб кетиб жиндек кўз ёши ҳам қилиб олди. Ҳовлига чиққач, Ўлмас ака атрофга назар ташлади. Томорқа бу яқин ўртада кетмон юзини кўрмаганлиги шундоққина кўзга ташланиб

турарди. Дарахтлар ёввойилашиб кетган, уйнинг ҳовли ва кўча томонлари ҳам ҳалигидай...

Қизиқ, нега аввал келганимда бу ҳолатни сезмаганман, деб кўнглидан ўтказди у. Чол-кампир бир нима дейишга андиша қилишган.

Тақдир баъзан бешафқат бўлади. Пешонага ёзилгани шу экан-да, улар фарзанд кўришмади. Умр бўйи нола қилиб сўрашди, илло тирноққа зор қолишди. Мана энди куч-қувватдан қолишган чоғда уй-жой ҳам, томорқа ҳам шу ҳолатга тушиб қолди. Бундай бўлишига нима учундир Ўлмас ака ўзини айбдор, деб ҳисобларди.

Нега илгарироқ назар ташламадим, сўрарди ўзидан ўзи. Шу кайфиятда корхонага келди. Касаба уюшмаси маҳаллий кўмитасининг раисаси Матлубахон Аҳмедовани ҳузурига чақириб, Абдуқаҳҳор отаникида кўрганларини гапириб берди.

— Ўзимни кечира олмайман, билсангиз, ахир йилига тўрт-беш бор кўргани бораман, бундоқ атрофга кўзни каттароқ очиб қарамабмиз. — Ўлмас ака бироз хаёлга чўмди, сўнг гапида давом этди. — Сиздан илтимос, усталаримиз Улуғбек ва Абдуллани олиб, ўша хонадонга боринг, нималар керак, оҳак, бўёқ ва бошқа нарсаларни ҳисобга олсангиз. Таклифим — шу келаётган шанба куни ҳашарга борамиз, йигитларнинг бир гуруҳи ер чопсин, икки кишини дарахтларга шакл беришга қўйинг, усталар уйнинг ичи-ташқарисини оқласин, эшик-дераза ромларини мойлашсин. Ахир савоб ҳам керак-ку, шундай эмасми. Ҳа айтгандек, сўранг улардан, томорқани чопишгач, у ерга нима экиб берайлик, шунга яраша уруғлик оламиз...

Шу десангиз шанба куни Абдуқаҳҳор отанинг уйи ярим тўйхонага айланиб кетди. Ёшлар ҳазил-мutoйиба билан дилдан чиқариб меҳнат қилишди. Матлубахон ош дамлаттирди. Кўндан бери инсон қўли тегмаган ҳовли бамисоли очилиб кетди. Ота ҳам, у кишининг кампирлари Маҳбуба ая ҳам ўзида йўқ хурсанд, миннатдорлик айтмоқликка сўз топиша олмасди, фақат тинмай «Бизга қилган ҳимматларингиз худойимдан қайтсин» дейишарди.

Кўнгли ўксиклар ҳолати шундай бўлади, бирор ёрдам у ёқда турсин, икки оғиз тирич гап эшитсалар ҳам дарров кўзларида ёш пайдо бўлади. Чол-кампир довдираб қолишганди. Кўндан бери хонадонда бу қадар кишилар тўпланмаганди. Яхшиям дунёда шундай саховатли инсонлар бор, шундай бағри кенг бандаларни

яратганинг учун сенга, худойим, ҳадсиз-ҳисобсиз шукроналар бўлсин. Чол-кампир бири олиб, бири қўйиб ҳамду санолар айтишарди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Ўлмас ака бир қоп ун, беш кило ёғ, битта эркаklar, битта аёллар калишини олиб, яна шу хонадонга келди. Абдуқаҳҳор ота билан Маҳбуба аянинг ҳолатини кўрсангиз, меҳмонни ўтказгани жой топиша олмасди...

Ўшандан бери корхонадаги йигитлар ҳар баҳор отанинг томорқасини чопиб беришади, қандай экин экишни хоҳлашса, уруғини олиб келиб қадаб ҳам беришади. Мевалар гарқ пишган паллада яна келишади, териб, бозорга олиб бориб сотишади, пулини кориларингизга яратарсизлар, деб келтириб беришади. Савоб деб шунга айтсалар керак.

Корхонага қайтар экан Ўлмас ака чуқур хаёлга толди. Бу кишининг ота-оналари асли Фарғона водийсидан. Ўша олатаёсир давр — жиндек ўзига тўқ оилаларни шўролар қулоқ қилган йиллари бир этак гўдаклари билан Машарип ака ва оиласини Янгийўл туманидаги шу кимсасиз тўқайга келтириб ташлашди. Янаш учун ҳеч қандай шароит йўқ. Машарип ака қўл бўйидан қамиш ўриб келиб, чайла ясади. Изғирин шамол, зах, бунинг устига тамадди қилинадиган нарсанинг тайини йўқ. Гўдаklar бирин-кетин касалланиб, нобуд бўла бошлади. Худо берган ўн уч фарзанддан биргина шу Ўлмас-жон омон қолди. Ўзи берган экан, ўзи олди уларни деб лаққа чўғ бўлиб ёнаётган юракларига эр-хотин таскин беришарди. Бахтимизга шу Ўлмасимиз омон қолса, ажаб эмас, ўнтасининг ўрнини боса оладиган бўлса.

Қаранг, яхши ниятга фаришталар омин, деган экан. Ҳартугул шу омон қолган ўғиллари ўтли-шудли, тишли-тирноқли чиқди. Унинг тутган ишига, ғайратига қараб, ота-онанинг кўнгли тоғдек кўтариларди.

— Ўғлим, — дерди Машарип ота салмоқланиб, — ҳақиқий инсон бўламан десангиз, фақат ўз фойдангизни ўйлайдиган бўлманг. Атрофга кенгроқ назар ташланг, ёрдамга муҳтож кимсалар эътиборингиздан четда қолмасин. Бизни шу кимсасиз зах ерларга келтириб ташлаганларини кўп бор сизга сўзлаб берганман. Мурувватли, раҳмдил кишилар бўлмаганида биз ҳам шу ерларда нобуд бўлиб кетардик. Ўн икки фарзандни ерга топширмоқ ва жудолик ситамларини кўтармоқ осон бўлмади бизларга. Яхши одамларнинг далласи ва кўмаги бўлмаганида, билмам, ҳолимиз не кечарди...

Раҳматли отасининг бу сўзлари ўғлининг юрагида чуқур из қолдирганди. Ўзи ҳам яхши эслайди ўша уруш йилларини, нон деганда кесак физиллаган кунларни, ярим оч, ярим яланғоч ўтган болалик йилларини. Ночорлик инсон учун қай даражада оғир фожиа, кулфат эканлигини ўзгалар ҳикоясидан эмас, балки ўз бошидан кечирган бир кимса сифатида бутун борлиғи ила ҳис этади. Тинчи бузилиши, ўзини йўқотар даражадаги ҳолатга тушиши боиси ҳам худди шунда. Баъзилар айтади: худонинг раҳми келмаса бандасининг қўлидан не келади, деб. Худо кимгадир ўзгалардан ортиқ насиба юборади, боз устига унинг кўнглига раҳмдиллик ҳиссини ато этади. Шу йўл билан кўнгли яримлар ҳолати чиқади, мушкулни осон кечади. Бандасини яратгач, унинг феъл-атворига қараб насибасини ҳам яратади, ўртадаги одамлар ўша илоҳий тақдирда бир сабабчи, воситачидир, холос. Ҳали-ҳали Ўлмас ака ночор кишиларни кўрса ҳаловати бузилади, ўзини қўярга жой топа олмай қолади, чора излайди, ўзини ўққа-чўққа уради, ниҳоят йўлини топади, ўша кўнгли ўксик кимсанинг дилига ёруғ чироқ ёқади. Шу чироқ нури тафтидан аввало ўзи баҳраманд бўлади, ҳузур қолади, инсон бўлиб бошқа инсонга нафи теккани учун.

... Ўлмас аканинг Нурмат деган дўсти бўларди. Касби оддий бўлса ҳам ўтли-шудли эди, киришимли, ёвга кирса эл бўлиб кетадиган хислати бор эди. Маҳалладаги тўй-маъракаларга бошчилик қиларди, бирор йигин унинг маслаҳати ва иштирокисиз ўтмасди. Уни ҳамма яхши кўрарди, ҳурмат қиларди. Ўғил кўрган хонадонлар ният қилиб, янги фарзандга унинг номини қўйишарди. Эндиликда маҳаллада Нурмат исмли қатор-қатор норғул йигитларни учратсангиз ажабланманг. Бу икки дўст битта майиз топишса ҳам баҳам кўришарди, ўрталарида сир бўлмасди.

Аччиқ қисмат — умри қисқа экан — Нурмат ёш ўтиб кетди бу дунёдан. Ҳамма ачинди, Ўлмас ака эса ўртаниб кетди. Сабаби Муҳаррамхон — Нурматнинг аёли олти бола — тўрт ўғил, икки қиз билан чирқиллаганича қолаверди. Барча маъракаларини, сўнг йиллигини ҳам Ўлмас ака бош бўлиб ўтказишди. Оиладан ҳамиша кўз-қулоқ, хабардор бўлиб турди. Лекин катта рўзғор учун бу етарли эмасди. Ҳамон Муҳаррамхон елкасидаги юк, олти фарзанднинг тақдири, масъулияти оғир эди, жуда оғир. Нурматнинг катта ўғли Аҳмаджонни ўзи бош бўлган корхонага ишга олди. Муҳар-

рамхон елкасидаги рўзгор ташвиши бироз бўлса-да енгиллашгандек эди.

— Онаси, — деб қолди бир кун хотинига Ўлмас ака, — кўпдан бери кўнглимда бир ният пайдо бўлган, сен шунга нима дейсан?

— Нима гап экан, қани айтингчи, сўнг шунга қараб жавоб бераман, — мулоҳаза билдирди ҳайрон бўлиб Анорхон ая.

— Нурматимнинг катта ўғли Аҳмаджон бизда иш-лаяпти, меҳнаткаш, эсли-хушли, одобига, кишилар билан бўлган муносабатига ҳамма ҳавас қилади. Ўшани ўзимизга куёв қилсак, қизимиз Маъфиратни...

Хуллас, ўша кун маслаҳат пишди. Кейинчалик ёшлар розилиги олинди. Хаш-паш дегунча тўй ҳам бўлиб ўтди. Келин билан бирга хонадонга бахт-файз, барака киргандек бўлди. Бошқа фарзандлар ҳам ўрта мактабни тугаллагач, шу корхонага ишга келишаверишди. Хонадондаги ҳаёт ўз ўзанига тушиб кетди. Тул қолиб, энди бу ёғи нима бўлади, деб неча-неча тунларни бедор, ташвиш билан ўтказган Муҳаррамхон худога шукроналар айтиб, эндиликда қудаси-қудагайи бўлмиш Ўлмас акани дуо қилгани қилган.

Савобталаб, кўнгли саховатга тўла, мурувватли инсон кўпларни ҳайратга солиб, яна бир иш қилди. «Муҳаммад Бобур» номли фирма ташкил этди. Унинг ўртасида чойхона, ошхона, атрофида нон, гўшт дўконлари, тегирмон, обжувоз. Кунига ўн-ўн икки хил истеъмол маҳсулотлари тайёрланади. Шу фирмани ўйлаб-ўйлаб ўз фарзандига эмас, балки ўша қиёматли дўсти, раҳматли Нурматнинг фарзандларидан бири — Неъматжонга топширди. Бу ишга биров ишонади, биров ҳайратдан ёқа ушлайди. «Ўлмас аканинг боши узра туну кун савоб нури ёғиладиган бўлибди, бундай азаматликни, ҳотамтойликни ҳали кўрмаган эдик» дейишди ёшу қари. Раҳматли Нурмат оиласи, фарзандлари, Муҳаррам аянинг рўзғори, ҳаёти гуркираб кетди. Эндиликда кўпчилик уларга ҳавас билан қарашади, бизларнинг фарзандларимиз ҳам, илоё, шундай бўлиб вояга етишсин, деб чин дилдан ният қилишади. Бу ишбилармон, тadbиркор Ўлмас аканинг ўзи кўнгли таскин топган навбатдаги ишларидан эди.

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги «Халқобод» ҳўжалиги ҳудудида жойлашган нон акциядорлик жамияти корхонасида Ўлмас Машариповнинг директор бўлиб ишлаётганига анча йиллар бўлди. Шу муддат

ичида у оддий нонвойхонадан ҳйла йирик корхонага айланди. Янги бинолар қурилди, замонавий асбоб-ускуналар келтирилиб ўрнатилди. Зарур пайтларда, айниқса пахта йигим-терими даврида 25 тоннагача нон маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга, 108 киши меҳнат қилмоқда. Айни пайтда макарон, қандолат маҳсулотлари, музқаймоқ, совуқ ичимликлар ҳам тайёрланмоқда. Корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари йил сайин яхшиланиб бормоқда. Ҳар йили олинаётган фойданинг учдан бири ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланмоқда. Корхона замон билан бирга қадам ташламоқда.

Ишчи-хизматчиларнинг турмуши, кайфияти, аввало, олаётган маоши, уларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг қай даражада эканлигига бевосита боғлиқ. Мана ўзингиз адолат тарозисига солиб, баҳо беринг. Ўтган йили корхонанинг олган соф фойдаси 20,9 миллион сўмни ташкил этди. Шундан 5,7 миллион сўми ишчи-хизматчиларнинг турмушини яхшилаш, дам олиши, соғлиғини тиклашга, муҳтож оилаларга ёрдам сифатида сарфланди. Йил якуни бўйича ишчилардаги 730 та акциянинг ҳар бирига 2252 сўмдан дивидент тўланди.

Ўлмас ака бошлиқ акциядорлар катта ҳиммат кўрсатиб келишяпти. Уруш қатнашчилари, ногиронларга, кам харж оилаларга, боқувчиси йўқ кексаларга, етим-есирларга йил мобайнида бир миллион сўмдан зиёдроқ, корхона ишчиларининг фарзандларига совға-саломлар учун 300 минг, хотин-қизлар байрамига 225 минг, ўзларининг касб байрамларига 348 минг, шу корхонадан пенсияга чиққанларга 586 минг сўм ёрдам пули берилди. Шуни айтиш керакки, ана шу тоифадаги пенсионерлар Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни, Мустақиллик байрами, Янги йил арафасида корхона фонди ҳисобидан бир ойлик маош миқдорида доимий равишда қўшимча пенсия оладилар. Бундан ташқари турли ҳайрия ишларини ҳам амалга оширмоқдалар. Чунончи, «Нуроний» жамғармасининг туман бўлимига 210 минг сўм, Кўрлар жамиятига эса 180 минг сўм ёрдам пули ўтказилди. Маҳалладаги икки қабристонни ободонлаштириш учун акциядорларнинг розилиги билан 225 минг сўм ажратилди. Фақат тирикларни эмас, балки марҳумлар хотирасини ҳам қадрламоқ даркор, дейди Ўлмас ака, ажодлар руҳини шод этмоқ тириклар бўйнидаги қарздор.

Меҳр берган, қалб ҳароратини одамлардан аямаган инсон кишилар ўртасида қадр топади. Бундай инсон

қалбидаги илиқликдан кишилар баҳра олади, дунё яна ҳам ёруғлашиб кетгандек, ҳаёт жозибаси ошгандек туйилади. Ўлмас ака Машарипов худди шундай инсонлардан бири. Ёши 70 дан ошган бўлса ҳам шу юртга озгина нафим тегса, кишилар, айниқса ёрдамга муҳтожларга фойдам тегса деган ниятда яшамоқда. Кексалар қадр-қимматини ошириш борасида кўрилаётган тадбирлар кўп қатори Ўлмас акани ҳам яшартириб юборди. Ундаги ғайрат-шижоатга ҳар қандай кишининг ҳаваси келади. Ўзини эзгу ишлар учун яралган, деб ҳисоблайди, шу ният, шу орзу билан яшаб келмоқда. Кам бўлмаётир. Худойим ҳам берганга бераман, сен бирни берсанг, мен сенга юзни бераман, деган. Шу боис бўлса керак йил сайин ишлари ривож олгани олган.

Бу кишини худо ярлақаган инсон деса бўлади. Ота-онадан якка-ю ёлғиз эди. Анорхон ая билан беш ўғил, олти қизни тарбиялаб вояга етказдилар. Уларнинг бари эл корига ярайдиган кишилар бўлиб етишдилар. Нева-раларнинг ўзи қирққа яқин. Эндиликда яратган эгам уларга эваралар кўришни насиб этмоқда. Шундай бахт, илоё, ҳар кимсага ҳам насиб этсин.

Бирор кимсанинг қандай одам эканлигини билмоқчи бўлсангиз эл оғзига қулоқ тутинг, деган экан машо-йиҳлар.

— Ўлмасжон билан 25 йил нонвой бўлиб ишладим. Қўл остидаги кишиларга ўта меҳрибон, ғамхўр, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси Маҳкам ота Каримов. — Мана неча йилдирки пенсиядаман. Доимо хабар олиб туради, барака топкур. Худойимдан сўраганим — бундай кишиларнинг умри узоқ бўлсин, бизга ўхшаганлар бахтига ишлари ривож топаверсин.

— Одамийликни ўрнига қўяди, тан бермай иложинг йўқ, — деб отахоннинг сўзини тўлдиради меҳнат фахрийси Анорхон Раҳматуллаева. — Бетоб бўлиб қолганимда кунора хабар олиб турди. Кам-кўстларимда доимо кўз-қулоқ. Баъзан туғишганлардан ҳам бу қадар оқибат кутиб бўлмайди.

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштириб, туман ҳокими Йўлдош Тожибоев шундай дейди:

— Ўлмас ака меҳр-мурувватли инсон, ногирон, боқувчиси йўқ кишилардан, етим-есирлардан доимо хабардор. Ўшалар ташвиши, тақдири билан елиб югургани-югурган. Барча маросимларда ҳозир у нозир.

Яна нимани қўшимча қилиш мумкин? Эл аро шундай баҳога муяссар бўлган кимсани бахтли инсон, деса

арзийди юз бор. Одамлар учун ўзини бахшида этган инсон икки дунё саодатига мушарраф бўлғай, иншооллоҳ!

Бир донишманддан сўрашибди, тақсир кимни худо ярлақан, бахтли киши, деса бўлади, деб.

Донишманд оппоқ узун соқолларини силаб бироз хаёлга чўшибди, сўнг шундай жавоб берибди:

— Кимки бу дунёда кўп одамга яхшилик қилган бўлса, ўша кишини энг бахтли, яратган эгам ярлақан инсон деса бўлади.

Янгийўллик Ўлмас Машарипов, назаримизда, худди шундай инсонлардан биридир.

Ҳазрат Алишер Навоий айтмишлар:

*Кимки, бир кўнгли бузуқни хотирин шод айлағай,
Онча борки, каъба вайрон бўлса обод айлағай.*

БУХОРО ЮЛДУЗИ

*«Ўзингга ёққан нарсани
бошқаларга ҳам раво кўр»*

Ўша кунги воқеа Муяссарнинг умри охиригача ёдидан кўтарилмаса керак. Қанча йиллар ўтди, ҳамон ҳаяжонсиз эслолмайди. Залда неча юзлаб кишиларнинг қарсақлари остида Юртбошимиз шахсан ўзлари унга «Ўзбекистон қаҳрамони» олтин нишонини топширди, дилга малҳам бўлувчи яхши гапларни айтди. Шунга ҳам етти йил бўлай деб қолибди.

Ўшанда уйга қайтса хонадони тўла одам. Бири олиб, бири қўйиб юксак фахрий унвон билан муборакбод қилдилар. Ҳаяжон устига ҳаяжон. Кўзлари кўриб, вужуди ҳис қилиб турса ҳам бўлаётган бу ўхшаши йўқ воқеалар худди тушдек туюларди унга.

Мен кимман ўзи, деб савол айларди у, оддий бир каштачи аёл, меҳнатим шу қалар улуғ қадрланди, шунча ҳурмат, шунча эътибор. Ҳаётнинг энг олий неъматидеб шунга айтсалар керак.

Бухородаги «Зардўз» корхонасига қадам қўйган кунини ҳамон ёдида. Устанинг ёнига ўтириб, унинг қўл ҳаракатларини кузатар экан, кўз олдида мўъжиза юз бераётганди гўё. Қўлларнинг чаққон ҳаракатларидан ажиб манзаралар пайдо бўлаётганди. У бу касбга бутун борлиғи ила маҳлиё бўлиб қолганди. Аввалига унга мураккаб бўлмаган ишларни беришди. Ундаги шу касбга чек-

сиз меҳр унинг бутун борлиғини маҳлиё этганди. Ҳар куни ишдан қайтар экан бажарган ишларини кўз олдидан ўтказар, ҳар бир нақшни ўзича таҳлил этарди.

Унчалик кўп вақт ўтмади. Муяссарни шогирдликдан мустақил ишлашга ўтказишди. Энди у чинакам ижодкор сифатида ўз салоҳиятини намоён этиши даркор. Бунинг учун тинмай изланиши, тикаётган кашталарининг на фақат ташқи кўриниши, балки мазмун моҳиятини ҳам ўзгартириши лозим эди. Бунинг учун чинакам ижодкорга хос эркин парвоз талаб қилинади. Бўлажак асарнинг умумий йўналишини аниқлаб олгач, ундаги ҳар чизигини пухта ўйларди, қаерга, қандай нақш бериш ҳақида соатлаб эмас, балки баъзида кунлаб хаёл сурарди.

У том маънодаги ижодкор, бутун борлиғи билан. Кимдир иш вақти тугагач, хаёли, ўй-фикри бошқа масалалар билан банд бўлар, ишни унутар, илло ижодкор бундай қила олмайди. Баъзан йўлда хаёл билан боради, баъзан туңлари уйқуси қочади. Бизнинг Муяссар ҳам шундай. Ўйлаб юрган каштасининг тузилишини қайта-қайта таҳлил этади. Дафъатан кўринишида яхши, чиройли, зар иплари кўзни олгудек ялтираб турибди. Шундай ҳолда ҳам ҳеч бир кимса эътироз билдирмаса керак. Лекин қаҳрамонимиз чин маънодаги ижодкор, кўнгли нима учундир тўла таскин топмаётир.

Тенгсиз бой маданий тарихга эга бўлган мустақил юртнинг номини дунёга танитиш, обрў-эътиборини, шаъни-шавкатини янада ошириш шу юртга меҳр қўйган, муҳаббат қўйган, севган ҳар бир фуқаронинг бурчи деб ўйлайди Муяссар Темирова. Бу муқаддас ниятни амалга оширишда унинг ҳам ўз ўрни бор. Шундай асарлар яратсинки, кўрган киши маҳлиё бўлиб қолсин, қай юртнинг буюми, қай ердан келган бу кўзни ўйнатувчи, дилни яйратувчи, гўзалликда тенги йўқ асар, деган савол ҳар бир томошабин дилида пайдо бўлсин, тан берсин, қойил қолсин. Лекин бу ниятга эришишни, орзун амалга оширишнинг ўзи бўлмайди, юрак тафти, кўз нуринг ҳали етарли эмас, қалбнинг қайноқ ҳарорати, меҳри ва яна қандайдир илоҳий илҳом зарур бўлса керак. Бу эса ҳар кимсага ҳам насиб этавермайди. Яратган эгамнинг иноятидир бу ҳислат, илоҳийдир бу ноёб туйғу. Унингча ҳар бир киши ўз касби, ўз ҳунари, ўзи бажараётган иши ҳақида худди шундай ўйлаши, худди шундай масъулият ҳис эт-

моғи шарт. Шундагина мўъжиза яратилади, у эса Ватан шаънига, миллат обрўсига хизмат қилгусидир.

Ижодий изланиш бесамар кетмади. У тайёрлаган буюмлар чинакам бадиий асар даражасига кўтарила бошлади. Муяссарнинг номи фақат жамоада эмас, ундан ташқарида ҳам тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди.

Ҳиндистоннинг Нью-Дели ва Польшанинг Познан шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро кўргазмалар Муяссар Темировага ҳақли равишда катта шуҳрат келтирди. Чет эллардан келган сайёҳлар, ишбилармонлар унинг нозик дид ва юксак маҳорат билан тайёрлаган буюмлари олдида узоқ-узоқ туриб қолишарди. Таассуротларини ҳаяжон билан ўзаро баҳам кўришарди.

— Тасанно! — дерди бири.

— Офарин! — дерди иккинчиси.

— Браво, браво! — деб қарсак чаларди учинчиси. Элимизнинг шу бухоролик қизи ўз касби билан, шу касбга нисбатан чексиз меҳри билан Ўзбекистон деб аталмиш юртнинг доврўғини дунёга ёйишдек муқаддас ишга катта улуш қўшмоқда.

— У етук зардўз сифатида шакллана борган сари, — дейди «Зардўз» ҳиссасдорлик жамиятининг раиси Б. Жумаев, — ўзи жонидан ортиқ севган шу она юрт жилоларини кашталарда мадҳ этиш қадимги авлодларимиздан қолган ўлмас маданий мерос ва тенгсиз қадриятларимизни тиклаш, уларни янада янги йўналишлар билан бойитишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Исмоил Самоний мақбараси, Минораи Калон каби ўта мураккаб меъморчилик обидалари Муяссархоннинг заркашталарида юксак дид ва ўта нафис бадиий ифодасини топди. Корхонамизга тапшириф буюрган чет эллик юқори мартабали меҳмонлар бундай ҳақиқий ижод намуналарига мафтун бўлиб, ўз ҳаяжон ва ҳайратларини яширмайдилар.

Муяссархон биргина жамоанинг эмас, балки бутун юртимизнинг фахри ва ғурури бўлишга арзигулик ижодкордир. У ҳунарни чин маънодаги санъат даражасига кўтара олган мўъжизакор, Бухоронинг чақнаган юлдузи десак ҳеч бир муболаға бўлмайди. Унинг буюк бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий, Амир Темур, Мирзо Улуғбекларга атаб катта маҳорат билан яратган панолари чинакам санъат асари сифатида бугунги кунда давлат музейларида намойиш қилиняпти.

Юртимиз мустақилликка эришгач, Муяссархон давр руҳига, озод ҳаёт моҳиятига монанд асарлар яратишга

руҳланди. Истиқдол уни янги уфқларга парвоз этишга чорлади. Шу маънода зўр меҳр-муҳаббат ва катта завқ-шавқ билан зар ипларда яратган Ўзбекистон Республикасининг Байроғи ҳамда Гербини алоҳида таъкидлаб ўтмоқликни истардим. Шуни ҳам айтиш керакки, Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» санъат саройидаги зарпардалар ҳам Муяссархон ва унинг шогирдлари томонидан яратилди.

Катта ҳаёт йўлини босиб ўтиб, ўз соҳасида бой тажриба орттирган М. Темирова бу нозик касб сирларини ёшларга кунт билан ўргатмоқда. У меҳнат фаолияти давомида беш юздан ортиқ шогирд тайёрлади, ўзининг ранг-баранг, серқирра санъатини уларга ўргатди.

Яқинда бир ишбилармон танишим билан учрашиб қолдим. У суҳбат асносида ўтган йили Америка Қўшма Штатлариغا боргани, Вашингтон шаҳрида ўша ерлик ҳамкори билан учрашганлигини айтди. Одатда кўпгина тараққий этган мамлакатларда таниш-билишларни уйга зиёфатга чақирмайдилар, бундай суҳбатлар, ўтиришлар бар, кафе ва ресторанларда ўтказилади. Бу сафар ҳалиги америкалик ўзбекистонлик ишбилармонни қўярда-қўймай уйига таклиф этибди. Борсанг, дебди у, бир ажойиб нарсани кўрсатаман. Хуллас, борибди. Уйга киришгач, меҳмонни бир катта хонага таклиф қилибди. Меҳмон ўша хонага киргач, бепарвогина атрофга бир назар ташлабди-ю мезбон қаерга ўтиришга таклиф қилар экан, деб тураверибди. Шунда ҳалиги америкалик: қара, буни қарагин, деб ҳаяжон билан хона тўри-ни кўрсатибди. Қай кўз билан кўрайки, дейди танишим, ўша ерда деворга осиглиқ бизнинг зар чопон турарди. Кўнглимда ажиб бир ҳис пайдо бўлди ўшанда.

— Ёзда Ўзбекистонга борганимда менга совға қилиб кийдиришди, — дебди мезмон алоҳида фахр билан. Биласан, буюмларим кўп, илло бу зар чопон мен учун жуда азиз, билсанг агар. Унда серқуёш ўлкангизни тафти шундай уфуриб турибди, халқингизни бизга нисбатан меҳри товланиб турибди...

Юртимизнинг зардўзлик санъатини дунёга ёйишга муносиб ҳисса қўшганлиги, бир қатор нафис паннолар яратганлиги ва юзлаб қўли гул шогирдларни тарбиялаб, вояга етказганлиги учун Муяссар Темировага «Ўзбекистон халқ рассоми» деган юксак фахрий унвон берилди.

— Шу корхонага ўн тўққиз ёшлигимда — 1959 йилда келганман, у пайтлар «Зардўз» ҳиссадорлик жамия-

ти ўрнида зардўзлик артели бўларди, — деб эслайди Муяссархон. — Мана шунга ҳам қирқ йилдан зиёд вақт ўтибди. Меҳримни шу касбга берганман. Шу касб менга бахт келтирди, шу касб туфайли катта обрў-эътибор топдим. Истиқлолга эришилгач, ижодий йўналишимда озод, обод, эркин Ўзбекистонимизнинг тарихий обидалари, миллий маданиятимизни қайта тиклаш, уларга янги руҳ бағишлаш етакчи мавзу бўлиб келяпти. Катта ихлос, қандайдир бир кўтаринкиликда ижод этипман. Қадимий ҳунармандчилигимизни тиклаш ва ривожлантиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор берилаётганлигидан бошим осмонда. Ҳозир нафақадан. Илло менга шу қадар шон-шухрат келтирган ҳунаримдан, ижодимдан қандай қилиб четда турай. Меҳнат фахрийси бўлсам ҳам, ўз шогирдларим билан, мен учун қадрдон бўлиб қолган жамоа билан бирга янги асарлар, паннолар, пардалар, расмлар яратиш иштиёқи билан нафас олмоқдаман, яшамоқдаман. Менинг камтарона меҳнатимга шу қадар юксак баҳо берган, эъзозлаган юртим олдида, элим олдида ўзимни умрбод қарздор, деб ҳисоблайман. Бутун иқтидорим ва маҳоратимни Ўзбекистон деб аталмиш мамлакатнинг шон-шухрати ва доврўғини оламга ёймоқлик йўлида аямай сарфлайвераман.

Биз ўз навбатида ниятингизга етинг Муяссархон, деймиз. Илоё фарзандларингиз бахтига, барчамизнинг бахтимизга умрингиз узоқ бўлсин, касби-корингизга Оллоҳ янада ривож берсин, қутлуғ хонадонингиздан бахт-файз, барака аримасин.

МУРУВВАТ НУРИ

*«Тангри сахийдир, сахийларни
дўст тутади»*

Ўша куни одатдагидек Тўра ака уйда тушликни қилиб, яна ишга кетаётган эди. Бир вақт қараса чиқинди ташланадиган майдон атрофида бир тўда кишилар тўпланиб турибди. Ҳайрон бўлди. Яқинлашиброқ борганда бундай қараса вазият жиддийга ўхшади. Шаҳардаги катта-кичик раҳбарлар ҳам шу ерда. Райком бува кесиб-кесиб қаттиқ овозда кимнидир эзяпти. Кел, яна бир балога дуч келмай тагин, деган ўйда Тўра ака ўша ерни четлаб, аста ўтиб кетди.

Эртасига худди шу пайтда маҳалла оқсоқоли Шо-

мат бобога дуч келиб қолди. Кеча нима воқеа юз берганлигини аниқлаш ниятида ўсмоқчилаб сўради:

— Ҳа, бобо, чи гап ўзи?

Шомат оқсоқол ҳа деганда жавоб бера қолмади. Ўйланиб туриб бир чуқур «ух» тортди, сўнг ерга тикилган нигоҳини суҳбатдошига қадади.

— Буни қара, шу ердаги чиқинди тўкиладиган майдон неча йиллардан бери шу ҳолатда ётибди, бунга ҳамма гувоҳ. Райком бувага шу ҳақда кимдир ботади-ган сўз айтганми, билмадим, ҳаммани йиғиб мени изза қилди. Ёшим саксондан ошган бўлса... Иннайкейин у жойни билак кучи билан тозалаб бўлмайди. Тўпланган чиқинди кам деганда эллик машина чиқар, маҳалланинг қўлидан нима келарди. Кечаси билан ноҳақ эшитган сўзларим таъсирида тўлғаниб чиқдим. Тепса тебранмас эмишман, яна алланималар деди... Умрим бино бўлиб бунақа сўзларни эшитмаган эдим, билсанг агар.

Оқсоқолнинг лаблари титраб кетди, кўзларида ёш томчилари пайдо бўлди.

— Тўра, иним, қани ўзинг айтчи, шу ҳам адолатданми. Баҳоли қудрат оқсоқол бўлиб, элга қилган хизматимга келиб-келиб олган мукофотим шу бўлдим, мана, керак бўлса олсин шу амалини. Биласанми, таҳқирлаб айтган сўзларига чидай олмаяпман. Энди нима деган одам бўлдим, қандай қилиб эл орасида бош кўтариб юраман, эзилиб кетдим-ку...

Тўра Шомат отанинг кўнглини юпатувчи гаплар айтган бўлди...

Қизиқ, не сабабдандир оқсоқолнинг кўз ёшлари ила эзилиб айтган сўзлари Тўра аканинг хаёлидан нари кетмай қолди, унинг пича эгилган гавдаси, лабларининг титраши, руҳий азоби кўз ўнгида қайта-қайта гавдаланаверди.

Одатдагидек ғира-шира паллада уйғонган Тўра ака яна оқсоқол билан суҳбатни эслади. Нима қилсаки, унинг елкасини тоғдек эзиб турган шу муаммонинг ечимини топса. Нонуштадан сўнг ишга отланди. У пайтда Тўра ака ёғ заводида ишларди. Йўлда кетиб борар экан хаёлига келган фикрдан кўнгли ёришиб кетди. Йўлни Шомат бобо уйига бурди.

— Гап бундай, шу жойни менга олиб беринглар, тозалайман, чиқиндихона ўрнида боғ яратаман, — деди у ҳар бир сўзига урғу бериб.

Оқсоқолнинг чехраси ёришиб кетди.

— Назаримда йўқ дейишмаса керак, — деди у хур-

санд ҳолатда, — палакатдан ариганимиз учун ҳамма жон-жон деб рози бўлса керак, қўймайман, ука, мана кўрасан, кимга лозим бўлса бораман, тинчимайман.

Орадан бир ҳафтача вақт ўтди. Шомат бобо Тўрага хушхабарни етказди. Тегишли ҳамма расмий ҳужжатлар тайёр бўлди. Шундан сўнггина Тўра ака ўша жойни роса синчиклаб ўрганди. Ўххо, нималар йўқ дейсиз бунда, шаҳар шохобчаларига иссиқлик берадиган қозон-хонадан нима чиқса, чиқариб шу ерга тўкишаверишган, қурилишдан қолган чиқиндилар дейсизми, кераксиз темир-терсақлар, синган гишт, темир-бетон буюмлари, атроф хонадонлардан чиққан нарсалар...

Аввалига боши қотиб қолди Тўра аканинг. Йўқ, деди у, кўз қўрқоқ — қўл ботир, деган гап бор. Қолаверса бу гап эл оралаб қолди, чекиниш мумкин эмас, мутлақо. Айтилган сўз — отилган ўқ. Орият учун ҳам қиламан шу ишни. Боғ вояга етгач, бу дунёда мендан бир ёдгорлик бўлиб қолади. Бундан савоб иш борми бу дунёда.

Оқсоқол тўғри айган экан, билак кучи билан битадиган иш эмас. Ёнига беш ўғлини олди, икки-уч кун уриниб кўришди бўлмади. Уйдаги молини сотди, грейдер ёллади, бор ашқал-дашқални бир четга тўплатди. Машина ёллади, тоза ташиди. Қотиб қолган цемент, пачақланган темир-терсақларни кўтариб ортиш мушкул иш бўлиб чиқди. Узоқ йиллар қурилиш ташкилотларида ишлаган эмасми, отанг яхши-онанг яхши деб кўтарма кран топиб келди.

Неча кун югур-югурлардан сўнг ниҳоят майдон тозаланди. Роса 90 сотих экан. Бу ерда уй-жой қуриш мумкин эмас, тепасидан катта кучланишдаги электр токи ўтган. Ана энди неча йил — неча замон босилиб ётган ерни чуқур қилиб ағдариш қолди. Тўра ака трактор топиб келди, роса эринмасдан ерни ағдартирди. Қаранг, инсон қўлини гул, деб бекорга айтмаганлар, майдон шундай очилиб кетдики, асти қўяверасиз, ўтган кетган суқланиб қарайдиган бўлди. Ҳисоблаб чиқди Тўра ака қанча кўчат кетишини. Ўша пайтларда ҳаёлини буткул шу юмушлар эгаллаган эди, кундуз кунлари эмас, балки тунлари ҳам келгусидаги боғ кўз олдида намоён бўларди, қувончдан баъзан энтикиб кетарди. Боғ бир бўладиган иш, ёқмаса қайта бузиб, тузатиб бўлмайди, борди-ю шундай қилинадиган бўлса беш-олти йил вақт сувга оқди деяверинг.

— Шу десангиз, бир куни раҳматли бувамларнинг

сўзлари ёдимга тушиб қолди, — деб эслайди Тўра бобо. — У киши хайри худойи, деб кўчаларга, ариқ четларига тут экиб юрганлари ёдимга тушди. Шу тутлар вояга етиб, ҳосилга кирса, қанчадан-қанча одамларнинг оғзи тегади, бунинг савоби катта, дер эдилар раҳматли. Ўлчаб чиқдим, майдоннинг чор атрофига ўттиз тул тут кўчати экса бўларкан. Шундай қилдим. Мол-ҳол кириб пайҳон қилмасин, деб боғ атрофини сим тўр билан ўраб чиқдим. Икки жойга кириб-чиқладиган жой қолдирдим.

Бу ишлар тўқсонинчи йилнинг бошларида бўлганди. Эндиликда боғ мўл ҳосилга кирди. Узоқ-яқиндан Тўра бобонинг тутидан еб келайлик, деб одамлар келишади. Оғзи теккан борки, бу дарахтларни эккан киши шайнига яхши гапларни айтишади. Инсон учун бу дунёда яна нима керак, сендан ёдгорлик бўлиб шу боғ қолади, ҳали кўп замонлар Тўра бобони ёдга оладилар.

Кунлардан бирида ҳаёлига кутилмаган бир гап келди. Хўш, Тўра бобо, деди у ўзига ўзи, каттагина бу боғни бир ўзинг еб-ичиб ётаверасанми? Ички бир нидо: ахир бу ташландиқ, кишилар кўзига ботиб, кайфиятини бузадиган жой энди, ҳазилакам меҳнат қилдингми, нега хижолат чекасан, у сенинг хаппи-ҳалолинг, деди. Яна ўйланиб қолди, ахир атрофда оғзи истаган пайтда мевага тегмайдиган қанча оилалар бор. Шу ердан ўтганда улар ҳаёлига нелар келаркин. Бу Тўра бобо беш қўлини оғзига тикди, ахир ер аслида шу халқники-ку, деган ҳаёллар бўлмайди, деб ким айта олади. Қолаверса эл оғзига элак тутиб бўлмайди.

Шу ҳаёллар тинчлик бермай қўйди бизнинг Тўра бобога. Оиласи билан маслаҳат қилди. Шу 90 сотих ерни тўққизга бўлади, шундан бир қисмини ўзига олиб қолади, қолганларини бироз қўли қисқароқ, серфарзанд оилаларга бўлиб беради. Шундай қилса адолатдан бўлади, бу иш худога ҳам, элга ҳам маъқул тушади. Беш панжани оғзига тикқан кишилар ҳеч вақт мурод-мақсадларига етишмаган, эл дидига ҳам ёпишмаганлар.

Мақсадини ҳокимга айтди. Тўра бобонинг сўзларини мириқиб тинглар экан унинг чехраси ёришиб кетди.

— Отангизга минг раҳмат, ажойиб иш бўлади, савобнинг тагида қоладиган бўлибсиз, — деди ҳаяжон билан у. — Мана ўзингиз эндиликда маҳалла оқсоқолисиз. Қариялар билан кенгашинг, ким, қайси оила кўпроқ шунга муҳтож бўлса, ўшаларга беринг. Таклифингизни тайёрланг, биз қарор чиқариб берамиз.

Хуллас, шундай қилишди, саккиз оиланинг ҳар бирига ўн сотихдан қилиб бўлиб беришди. Эндиликда эрта-ю кеч Тўра бобо ҳақиға дуо қилишиб, боғдан фойдаланишмоқда. Ўша оилаларнинг рўзғорига қут-ба-рака кирди.

Шундай тўхтамга келиш учун нима туртки бўлди, деб сўрадим. У бироз хаёлға чўмди, сўнг аста бошини кўтариб менга қаради.

— Илгари биз учрашмаган эдик, мана ҳозир суҳбатлашиб ўтирибмиз, худди неча йиллик эски қадрдонимдек ҳис этипман сизни. Айтаман, ҳаммасини айтаман.

У яна жимиб қолди, жавоб беришга шошилтирдим.

— Биласизми, — деди у менга ғалатироқ қараб, — ўша уруш даврида, қирқинчи йилларда очлик жонжонимдан ўтиб кетган. Отамлар ферма мудири эдилар, молларни боққани узоқ яйловга олиб боришган. Нима бўлди денг, бир куни эрталаб қарашса 37 бош қора мол йўқ. У ёққа чопишди, бу ёққа югуришди — мол у ёқда турсин иси ҳам йўқ. Бор будимизни, ҳатто тагимиздаги полосгача сотиб, пулини тўлади раҳматли отам. Рўзғоримизда ҳеч вақо қолмади. Уззу-кун оч юрардим, ўтларнинг иллизини қайнатиб еган кунларимиз бўлди. Шу десангиз бир куни кафтдек кунжара қўлимга тушиб қолди. Бемалол еяй деган мақсадда далага чиқиб, бир дарахт тагига ўтирдим. Тишлаб кўрсам бамисол тош, сувга бўқтирдим, қани энди ҳа деганда ивий қолса...

Бир вақт қарасам Тўра бобонинг кўзларидан ёш келяпти, қўллари, лаблари дир-дир титради. У кишининг ҳолатига ҳалақит бермаслик ниятида тек турдим.

— Шу-шу муҳтож кишини, кўзидан ёш оқаётган инсонни кўрсам ўзимни тутиб туролмайман, ичимдан нимадир «чирт» этиб узилгандек бўлади, ўша ярим оч, ярим яланғоч юрган даврим ёдимга тушади, — дейди у. — Худойим ҳеч кимни ҳеч кимсага муҳтож қилмасин.

Суҳбатдошим кўз ўнгимда буюкланиб кетгандек туйилди менга. Унинг муштдек қалбидаги инсонга бўлган чексиз меҳр мени ҳам лол қолдирганди. Бизнинг Тўра бобо чин инсонларвар, у аввало ўзгалар деб ёнаркан, қуйди-пишди бўларкан, виждони буюрган ишни қиларкан. Шу содда, кўнгли очиқ кишига менинг ҳам меҳрим жўшиб кетди. Хаёлға толдим. Қани энди, дейман, ҳамма мулкдор, сармоядорман деб юрганларда ҳам худ-

ди шундай ҳислат бўлса. Юртимизда ёрдамга муҳтож кишилар қолмасди ҳисоби. Кўряпмиз, ишлари юришиб, топармон-тутармон бўлиб кетганлар икки-уч қаватли кошоналар қуришяпти, уларда ўн-йигирма хоналар бор, тагларида қўша-қўша машина. Худо берган экан ҳалоллари бўлсин, ҳасад қилмаймиз уларга асло, худо асрасин. Илло бир тилак, бир истак бор бу кўнглида: ўшалар ҳам худди бизнинг Тўра бобо каби бир атрофга назар солсалар, ахир дунёда савоб деган беназир нарса ҳам бор. Ахир улар ҳам шу юрт фарзанди, шундай экан миллат шаъни уларга ҳам бегона эмас-ку деган ўйдамиз, холос.

Ҳа, майли, ҳар ким нима қилса ихтиёри ўзида, яна Тўра Мансуровга, мени ўзига бутунлай маҳлиё айлаган чин инсонга қайтайлик.

Юқорида ҳикоя қилганимиз Шомат бобо бўлиб ўтган ўша паст-баланд гаплардан сўнг мен маҳаллага эндиликда оқсоқоллик қила олмайман, деб айтди. Барака топинглар, шу ишни елкамдан соқит қилинглар, деб туриб олди. Ялинишди-ёлборишди, фойдаси бўлмади, дили қаттиқ ранжиган экан ўша райком бобо сўзларидан. Хўп, борди-ю шундай бўлса кимни оқсоқол қилиб сайлаймиз, деган масала кўндаланг бўлди.

— Нима қилдик бош қотириб бу масалада, — деди кўпни кўрган қариялардан бири, — назаримда Тўра шу иш учун туғилган, тутаётган ишларини кўриб турибмиз, одамларга қайишадиган, тиниб-тинчимайди, бунақаси топилмайди мен сизга айтсам.

Ҳамма қарсак чалиб юборди. Тўра ака оғиз жуфтлаганча қолаверди, гапиргани қўйишмади. Кўп ўтмай пойтахтдаги йиғилишда уни Республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси кенгашига аъзо қилиб сайлашди. Ана энди Тўра бобони кўрсангиз, бутунлай тинчини йўқотди, эртадан кечгача одамлар дарди деб елиб-югурарди. Маҳаллада ёшлар бўлмағур ишларга ўрганиб қолмасин, деб спорт майдончасини барпо этди. Ичимлик суви келтираман, деб не-не ташкилотларга бош урмади, ниятини маҳкам ушлаб, қатъиятли бўлди. Охири мақсадига эришди. Бу орада кўчаларга асфальт ётқизди. Қанчадан-қанча ободонлаштириш ишларини амалга оширди. Одамлар кўнглига йўл топиб, ҳашарлар уюштирди. Бу ҳақдаги яхши гаплар Тошкентга — «Маҳалла» жамғармасига ҳам етиб келди. Унинг вакиллари ўша жойга — Қарши шаҳридаги Ф. Хўжаев номли маҳаллага келиб, амалга оширилган ишлар билан танишишди, аҳоли

билан суҳбатлашишди. Маҳалла оқсоқолининг фаолиятдан вакилларнинг кўнгли тўлди, раҳмат айтишди. Гап орасида Қаршида чойхона борми, деб сўраб қолишди. Йиғилганлар бир-бирига қарашди, сўнг елка қисишди. Бунни қарангки, Қаршидек шаҳарда, ўзбекнинг шу кўҳна гўшасида кўнгилдагидек, ҳавас қилса арзийдиган чойхона йўқ экан.

— Бўлмаса бундай қиласизлар, — дейишди вакиллар, — биз илтимос қиламиз, шаҳар ҳокимлиги тегишли жойни ажратиб беради, у шундай жой бўлсинки уч-тўрт маҳалланинг ўртасида бўлсин. Бу ишда ташаббускор Тўра бобога биз худодан куч-қувват тилаймиз. Ҳормабор бўлга келиб турамиз, бирор муаммо пайдо бўладиган бўлса баҳоли қудрат мана биз турибмиз.

Шундай қилиб десангиз бизнинг Тўра бобо ана шу хайрли ташвишларга бутун борлиғи билан шўнғиб кетди. Беш азамат ўғиллари унинг ёнида жон ачитиб меҳнат қилдилар.

Мустақиллик ҳамма қатори унинг ҳаётида ҳам бутунлай янги, аввалгиларига ҳеч бир ўхшамас янги сажифаларни оча бошлади. Эркин меҳнат қилиш, мулкдор бўлиш иштиёқи ундаги янги-янги ташкилотчилик қирраларини рўёбга чиқара бошлади. Йиғитлардек яшариб, куч-қувватга тўлгандек ҳис этарди ўзини. Бу ишлар 1992 йилда бошланганди.

Шундай қилиб десангиз 1994 йилда 300 ўринли тўй-ҳашам ва маҳалла йиғинлари ўтказиладиган мажмуа барпо этилди, унда 50 ўринли чойхона ҳам бор. Турли лаззатли таомлар тайёрланадиган бўлди. Палов дейсизми, шўрва, кабоб ёки сомса дейсизми — қачон келманг ҳаммаси муҳайё. Нонвойхонадан чиқаётган янги узилган бўрсилдоқ нонларни айтмайсизми. Мажмуа тезда одамлар оғзига тушди. Узоқ-яқинлардан келишадиган бўлишди. Бу Қарши шаҳрида биринчи бор барпо этилган шахсий мулк бўлган шу хилдаги маскан эди. Уни раҳматли отасининг хотирасига «Мансур ота чойхонаси» деб номлади.

— Бизнинг Тўра бобо тадбиркорликни пул тўплаш, бойлик орттириш, мол-дунё тўплаш деб тушунмайди, — дейишади маҳалладаги қариялар. — Тадбиркорни у эл-юрт ташвиши билан яшайдиган, кишилар оғирини енгил этадиган, улар корига ярайдиган фидойи инсон деб билади.

— Барака топкурнинг тутаётган ишини қаранг, — деб сўзни давом эттирди иккинчи бир оқсоқол, — ҳар

йили Хотира ва қадрлаш кунда биргина бизнинг маҳалламиздаги эмас, балки қўшни «Янги турмуш» ва «Гунгон» маҳаллаларидаги барча уруш қатнашчилари, ногиронларга, умуман қарияларга чиройли дастурхон ёзади, яхшилаб зиёфат қилади, якка-ёлғиз кексаларга, ёрдамга муҳтожларга совға-саломлар улашади, баъзиларига пул тарқатади.

Хуллас, ким билан учрашманг, ким билан суҳбатлашманг Тўра бобо ҳақида оғзидан бол томиб гапирди. Икки йил аввал яна бир савоб ишга қўл урди. Пайғамбар ёшига эсон-омон етиб келганлиги шарафига ўйлаган тadbирини ўғилларига, оила аъзоларига маслаҳат солди. Шу тadbирни сағир ва кам таъминланган oilалар болаларининг қўлини ҳалоллаш — суннат тўйи деб атасак. Ўзини эмас, аввало ўзгаларни ўйлайдиган бузрукворларининг бу сўзи ҳаммага маъқул тушди. Ҳокимият ва «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлимидагиларга ҳам манзур бўлди бу гап. Қаршидаги барча маҳаллалардан хабар олинди. Бундай болалар ўн бир нафар экан.

Ҳали-ҳали эсида, уларнинг барини тўплаб, сарпо олгани бозорга борди Тўра бобо. Атрофида шунча болани эргаштириб юрган бу кишига ҳамма ҳайрат билан қарарди. Болаларнинг ҳаммасига бир хил сарпо ва совға-саломлар олди, уларнинг ҳар бирига омонат кассада ҳисоб очтиртириб, пул маблағи қўйдиртирди.

Раҳбарларнинг таклифи билан вилоятдаги ҳар бир тумандан беш кишидан меҳмон айтилди, кўришсин, балки ўртак оладиганлар чиқиб қолар деган ниятда. Бобонинг тутаетган ишига барча офарин ва тасаннолар айтарди. Тўй ҳам шунақанги жонон тўй бўлдики, асти қўяверасиз. Мажмуада бўйи ўн метр, эни беш метрли тўйхона бор. Тўра бобо шу хонани бўшатди, уйдан кўрпа-ястиқ олиб чиқиб, ўн битта жой солдирди. Болаларнинг суннати шу ерда ўтказилди.

— Билсангиз, дунёга келиб кўнглим яхши таскин топган ишларимдан бири шу бўлди, — дейди мамнун ҳолда Тўра бобо. — Йиллар ўтар, шу болачалар вояга етиб, эл қаторига қўшилар. Ўшанда шу мажмуа олди-дан ўтиб кетаётиб, менинг қўлим мана шу жойда ҳалолланган, деб бир ёдга олсалар — шунинг ўзи мен учун етарли.

Ҳимматини кўринг бу юрт севар оқсоқолнинг. Қарши шаҳрида янги хиёбон мажмуаси барпо этиладиган бўлди. Аввало шу қурилишга баҳоли қудрат пул ўтказ-

ди. Сўнг дошқозонда ош дамлаб, қурувчиларга тарқатди, куч бўлсин деб. Утган йили маҳалласида гузар қуриладиган бўлди. 300 минг сўм пул ўтказди унга. Яна ҳар кун ҳашар оши қилиб берди. Бироз қўли калтароқ, камхарж ёки қўп болали оилалар шу чойхона мажмуасида ўғил уйлайдиган бўлсалар, улардан жой ва хизмат ҳақи олмайди, фийсабиллоҳга тўй учун жой бўшатиб беради. Кўринишдан камсуқумгина бўлган Тўра бонинг бағри ана шундай кенг, ҳиммати баланд, муруввати юксак. Кишилар оғирини енгил қилишни у ўзи учун инсонийлик бурч деб ҳисоблайди.

Худо берганга бераман, дейди. Худди шундай бўляпти. Тўра бобо хайрли ишларни, савоб ишларни қанча кўп қилса, тadbиркорлик ишлари ҳам худди шунча авж оляпти, ривож топяпти. Ёмғир билан ер кўкарар, дуо билан эл, деб бекорга айтмаганлар. Тиниб-тинчимас отахон катта мақсадлар билан яшаяпти. Ҳозирги пайтда у шаҳарнинг Хонобод кўчасида олти савдо дўкони, битта эллик квадрат метрли савдо марказини қуриб битказиш арафасида. Яқинда эса шу кўчада дорихона, савдо маркази ва овқатланиш корхонасини қуриб, фойдаланишга топширди. Қанчадан қанча иш жойларини яратяпти, буларнинг бари кишилар корига яраяпти, қанчадан-қанча одамларнинг тирикчилиги ўтапти.

Беш азамат ўғилларнинг отаси (уларнинг бари мустақил ишнинг бошидан ушлаганлар) набираларнинг бағрида оёқ узатиб, кексалик гаштини суриши мумкин, бунга барча имкониятлар бор. Аммо юрт юкиннинг жила курси бир кичик бўлагини елкасига олиш, баҳоли қудрат мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдек ишга ҳисса қўшиш иштиёқи уни яна янги яратиш ва эзгулик ишлари чорламоқда. Тўра бобо шу ҳиссиётлар қуршовида қанот чиқариб, янги, тагин ҳам юксак парвозларга шайланмоқда. Ҳамиша омад ёр, худо мададкор бўлсин, деймиз унга.

ОҚСОҚОЛЛАР

*«Одамлар сенга нима қилишларини
яхши кўрсанг, сен ҳам уларга ўшани қил»*

Нима қилсин, куёвининг умри қисқа экан. Мастура холанинг чоли чин дунёга кетганига қанча йиллар бўлди. Энди қизи ҳам тул қолди, орқасида икки боласи. Она

экан, уларни бағрига олди. Ўзи бўлмади болаларни парвариш қилишнинг. Ҳозир Мастура хола етмишдан ошдилар. Бирин-кетин вояга етиб келаётган набираларини кўрганда дили яйрайди, кўзи қувнайди.

Буни қаранг, катта набираси уйласа бўладиган ёшга етибди. Лекин қандай қилсин, осмон узоқ, ер қаттиқ. Қизи билан бош қотиришади, лекин чорасини топиша олмайди. Набирасининг тенгқурлари бирин-кетин оилали бўлишяпти. Бир-икки бор куёв жўра ҳам бўлди. Кўнгли ўксиётгандир. Шуларни хаёлидан ўтказар экан, она-боланинг уйқуси қочади, чайнаганини ютолмайди.

Шундай кунларнинг бирида маҳалла қўмитасининг раиси Аҳмаджон ака бошлиқ Боситхон, Эргашхон, Умар ҳожи, Тўхтамурод, Олимжон оталар Мастура аядан хабар олгани кириб келишди. Холанинг боши осмонда, худди ёшлардек ирғиб ўрнидан турди-да, меҳмонларга пешвоз чиқди. Фотиҳа ўқилгач, Аҳмаджон ака аста сўз бошлади:

— Опа, қалайсиз, яхши ўтирибсизларми? Набиралар ҳам бўй кўрсатиб қолибди, тунов куни каттангизни кўрувдим, енг шимариб, тўйда хизмат қилиб юрибди. Уйласа ҳам бўладиган бўлиб қолибди...

— Ҳа, айланай, нимасини айтасиз, биз ҳам шу ҳақда ўйлаймиз. Лекин қандай қилайлик, қўл калта...

— Агар ниятларингиз шу бўлса, — гапга аралашди Боситхон ака, — келинни топаверинг, бу ёғига маҳалла бор. Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла, деб бекорга айтишмаган. Кам-кўстини маҳалла кўтаради, кўнглингиз хотиржам бўлсин.

Бу гаплардан сўнг Мастура холани кўрсангиз, кўзларини чақнаб кетди. Оқсоқоллар бу камхарж оиланинг кўнглини кўтариб хайрлашарканлар:

— Бугундан тўй тайёртарлиги бошланди, деб ҳисоблайверинг, буёғига биз турибмиз, — деб далда беришди.

Эртаси куни маҳалланинг бошқа оқсоқолларини ҳам таклиф этиб, маслаҳат қилишди.

Халқимиз нақадар танти, саховатпеша. Ўша куни денг, маҳалладошлардан 20 минг сўм пул йиғилди. Иккинчи бор эса ўттиз беш минг сўм. Бу пуллар маҳалла тафтиш комиссиясининг раиси Абдулазиз Тўлагановга топширилди. Мастура холага бераётганингизда, яна камига қарздормиз, маҳалла фондидан ҳам ёрдам бўлади, деб айтинг, дейишди.

Бу гаплардан хабар топган Мастура холанинг ҳолатини бир кўрсангиз, оёғи олти, қўли етти бўлиб кетди.

Юрганда ҳам, турганда ҳам, «Биздан қайтмаса, Худо-дан қайтсин бу яхшиликларингиз, етимнинг бошини силаган етар муродга» дегани-деган.

Кўп ўтмай тўй ҳам бўлиб ўтди. Ошпаз ҳам, чойхоначи ҳам, кўйингчи тўй баковуллари ҳам маҳалладан бўлди. Ҳамма худди туғишгандек чин дилдан хизмат қилди. Келин билан бирга бу хонадонга файз келгандек, барака келгандек бўлди. Илоё келинимизнинг қадами қутлуг келганлиги рост бўлсин...

Маҳаллада зиёлилар анчагина. Улар ёрдамида маънавият масалаларига катта эътибор берилмоқда. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Сайфиддин Фахриддинов, мусиқашунос Фуломқодир Қўчқорсв, маҳалла котиби Олим Абдимажидов ва бошқа фаолларнинг саъй-ҳаракати билан ташкил этилган «Маърифат ва маънавият» марказини кўздан кечирамиз. Хонага киришингиз билан дилингиз равшан тортади. Хонадаги ҳар бир расм, ҳужжат, илмий ва бадиий китоблар дид билан жойлаштирилган. Юртбошимизнинг серқирра ва жўшқин фаолияти акс эттирилган стенд айниқса киши эътиборини ўзига тортади. Миллий озодлик ҳаракатининг атоқли намоёндалари, мустақиллигимиз учун кураш йўлида шаҳид кетган Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Мунаввар қори қабиларга аталган бурчак ҳам бу ерда бўлган ҳар бир кишининг қалбида гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда эришилган беқиёс ўзгаришлар чиройли фотолавҳаларда акс эттирилган. Шу ҳудудда истиқомат қилаётганлар маҳалланинг 50 йиллик тарихига бағишланган лавҳаларни алоҳида қизиқиш билан кўздан кечирмоқдалар. Маҳалла учун хизматлари кўп синган отахон ва онахонларнинг суратлари олдида томошабинлар узоқ туриб қолишади, марҳумларни яхши ҳислатларини эслашади.

Маҳалладан чиққан алломалар, шоир ва ёзувчиларга ҳам алоҳида стенд ажратилган. Расмлари тагига уларнинг қисқача таржимаи ҳоллари берилган. Шу ернинг ўзида улар томонидан яратилган китоблар дид билан териб қўйилган.

— Ёшларимизни Ватанга садоқат, юртига муҳаббат туйғусида тарбиялаш, — дейди Сайфиддин ака, — улар қалбида миллий фахрни чуқур илдиз орттириш, қадриятларимиз, тенги йўқ маънавий бойликларимиздан хабардор этишни биз ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз. Ана шу ниятни рўёбга чиқа-

ришда «Маърифат ва маънавият» маркази жуда қўл келмоқда.

Маҳаллада жойлашган Усмон Юсупов номли 132-мактабнинг юқори синф ўқувчиларининг маънавият дарси эндиликда шу ерда ўтказилиши анъанага айланиб қолган. Шу ҳудудда яшаётган номлари бутун юртимизда ҳурмат билан тилга олинadиган ижодкорлар билан учрашувлар ҳам худди шу масканда ташкил этилмоқда. «Шайтанат» китобларининг муаллифи Тоҳир Малик, ажойиб рассом, профессор Малик Набиев билан бўлган суҳбатлар ёшлар қалбида чуқур из қолдирди. Улар ҳикоясини энтикиб сипқорди ёшлар. Шундай кишилар билан бир ҳудудда яшаётганликларидан фахрланиш туйғуси ниш урди, улар қалбида. Худди шулардек бўлмоқликни ният қилганлар қанча.

Буни қарангки маънавият борасидаги яхши ишлар довуғи қўшни маҳаллалар ва туманларга ҳам етиб борибди. Ўша жойлардаги маҳалла фаоллари бу ерга келиб, «Маърифат ва маънавият» маркази фаолияти билан, уни ташкил этиш тажрибаси билан атрофлича танишмоқдалар.

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалласи оқсоқоллари ҳар бир кўча, ҳар бир хонадондаги аҳволдан доимо воқифлар. Кимнинг фарзанди кўчакуйда, тўй-ҳашамда, маросимларда ўзини қандай тутяпти, улфатлари ким, бўш вақтларини қасрда ва нима билан ўтказишади — ёшларга тааллуқли бу ва бошқа масалаларни кўздан қочиришмайди. Оила масаласи, унинг тотувлигидан ҳаминша кўз-қулоқ улар. Бирор хонадондан ортиқча гап чиқса, сабабини аниқлашади, ёшларга насиҳат қилишади, сабр-тоқатга ундашади.

...Хотин отчопарда тирикчилик деб кун бўйи тик оёқда туради. Эрининг эса бирор тайинли иши йўқ. Шу десангиз, бекорчиликданми ёки нобот улфатданми, ишқилиб «ҳалиги»дан — шайтоннинг сувидан отадиган бўлиб қолди. Бунинг учун эса пул керак, хотиндан ҳадеб сўрашга бўйин ёр бермайди, хотин ҳам ҳадеганда «мана, олақолинг», демайди, албатта. Эр хотинининг сотишга мўлжаллаб қўйган молларидан ўмариб, арзон-гаровга пуллаб, ўша бўйнинг узилгурдан олиб, вақтини чоғ қилиб юрди. Сир очилмасдан қолмади. Жанжал кўтарилди. Албатта, хотин бўш келмади. «Ўзингиз топмаганингиз етмаганидек, молимга кўз олайтиргани уялмайсизми?» деди. Бу гап эрнинг ҳамиятига қаттиқ ботди, жаҳолат устида бир-икки тарсаки туширганини

ўзи ҳам сезмай қолди. Кўп ўтмай, бу ҳол такрорландиган бўлиб қолди. Шундан сўнг хотин бундай эр билан яшай олмаслигини айтди. Бу гаплар оқсоқоллар қулоғига чалинди. Маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг вакили, оқсоқоллардан Порсохон, Зиқирилла ва Пўлат акалар билан ўша хонадонга боришди. Суҳбат анча узоқ чўзилди.

— Хўп, иккалангиз чиқиша олмай қолибсиз, дейлик. Болаларнинг тақдири қандай бўлади, бу ҳақда ҳам ўйладиларингми? — Порсохон ота салмоқлаб, лекин кесиб-кесиб гапирди. — Ахир, уволи бор-ку, бир эмас, уч нафар, уларнинг тирноғига зор қанча одамлар.

Хуллас, ўша кун иккалангиз оқсоқоллар ўз мақсадларига эришдилар — эр-хотин келишмовчилигига нуқта қўйилди...

Ўша кунни яхши эслайди оқсоқол. Тинчлик кўчасидаги хонадонлардан бирида тул аёл истиқомат қиларди. Қизини турмушга узатган, 11—12 ёшлардаги ўғли билан бирга яшарди. Камбағални туянинг устида ит қопади, деганларича бор экан. Фалокатни кўринг, қаттиқ лат еб, умуртқаси синиб, тўшакка михланиб қолибди.

Аҳмаджон ака маҳалла фаолларидан икки-уч кишини олиб, хабар олгани борди. У ердаги ҳолатни кўриб, қаттиқ изтироб чекди. Кўлидан нима ҳам келарди, бундай ҳолатда ман-ман деган мутахассислар ҳам елка қисишдан ўзга сўз айтмоққа ожиздирлар.

— Опа, — деди Аҳмаджон ака астагина, — дардингизга дармон бўлмоқликни Яратганнинг ўзидан сўраймиз. Бандасининг кўлидан келадиган юмуш бўлса, айтинг, сира тортинманг, бекорга маҳалла — отанг-онанг, демаганлар. Биз ҳол-аҳвол сўрагани, айти пайтда бир корингиз бўлса, кўмак бермоқ ниятида келдик.

Муаззам опа ўйланиб қолди. «Худо хайринглари берсин» дея олди холос. Оқсоқоллар қистайверганларидан сўнг дилини ёрди.

— Уйимизга газ кирита олмадик шу пайтгача... Фақат бизда аҳвол шундай бўлса керак, қандай қилай, ёлғиз аёл бошим билан иложини қила олмадим.

— Кўнглингиз чўкмасин, опа, иложини топамиз, савоб талаблар йўқ эмас маҳалламизда, — деб оқсоқол далда берган бўлди...

Қайтишар экан, отахонлар бу жумбоқни ечиш йўллари йўлашар эди. Орадан кўп вақт ўтмади, Аҳмаджон ака маҳалла идорасида кундалик юмушлар билан машғул эди. Эшикдан салом бериб, Шавкат, Абдувошиқ ва Маҳмуджонлар кириб келишди. Булар шу ҳудуд-

да яшовчи тadbиркорлардан. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлиш-гач, раис уларга «хўш, хизмат?» дегандек разм солди.

— Аҳмаджон ака, — гап бошлади Абдувосиқ, — уччаламиз маслаҳатланиб, бир тўхтамга келдик, шунини айтмоқ нияти бордир дилимизда. — У бироз тин олди, мақсадни қай йўсинда айтсам экан, деган ўй билан. Сўнг давом этди: —Яратган эгамга беадад шукр, ишларимиз чакки эмас, топишимиз ҳам. Бирор муҳтож оила бўлса, кам-кўстини тўғрилаб, ёрдам берсак деган ўйдамиз.

Аҳмаджон аканинг кўнгли ёришиб кетди. Астойдил сўралса, ўзи етказди, деганлари бор гап экан. Мана тўрт-беш кун бўлдики, ўша Муаззам опанинг илтижоси кўнглида, тинчлик бермасди унга мудом. Эндиликда уч азамат биздан одамларга қандай ёрдам керак, деб турибди. Худойимдан ўргилай, меҳрибон бўлган — хаёлидан ўтказди оқсоқол.

Уларни Муаззам опаникига ўзи бошлаб борди, айвоннинг олди тўсилиши, шу ер ошхона бўлишини тушунтирди.

— Ўн-ўн беш кунда кўнгилдагидек қилиб берамиз, — дейишди уч оғайни саховатпешалар.

Кўп ўтмай қувурлар келтирилди, газпайвандчи ҳам ишини бошлаб юборди. Хаш-паш дегунча Муаззам опанинг уйида газ ёнди, ўтин-кўмир ташвишидан қутулишди. Отасига раҳмат уларнинг. Бемор ётган жойида илтижосини айлаганларни кўзда ёш ила дуо қиларди...

Буни қаранг, Муаззам опанинг ўша ўғиллари Дилмурод адабиётга ишқибоз экан. Баъзан ўзича шеърлар ёзаркан. Бундан хабар топган маҳалла фуқароси, таниқли ёзувчи Тоҳир Малик уни оталиққа олди. Ёши ва қизиқишини эътиборга олиб, керакли китоблар билан таъминламоқда, шеърларини кўздан кечириб, маслаҳатлар бермоқда. Яхши ният — ярим мол, дейдилар, ажаб эмас...

Маҳаллада кам таъминланган оилалар 70 атрофида экан. Оқсоқоллар ўзаро фикрланиб, шуларга ёрдам бўлсин, деб маиший чиқиндилар учун тўланадиган пулни маҳалла жамғармаси ҳисобидан қоплайдиган бўлдилар. Ҳа, деган туяга мадор-ку, озроқ бўлса-да ҳарна ёрдам-да.

— Ватан оиладан бошланади, — дейди маҳалла раиси Аҳмаджон Зокиров. — Оила тинч — маҳалла тинч, маҳалла тинч — юрт тинч. Шу боис бу масалалар ҳамини

ша эътиборимизда. Маҳаллаларнинг обрў-эътиборини оширишга қаратилган ҳукуматимиз тадбирлари зимма-мизга катта масъулият юкламоқда. Кўпни кўрган қария-лар билан ана шу юксак ишончни оқлаш ниятидамиз.

Президентимиз томонидан 2002 йилни Қариялар-ни қадрлаш йили деб эълон қилиниши ҳаммамизни яшартириб юборди. Отахон ва онахонларимизни юрти-миз учун, халқимиз учун қилган хизматлари беқиёс, уларни ҳар қанча ҳурматласак, эъзозласак ярашади. Ҳукумат даражасида дастур ишлаб чиқилди. Унда фах-рийларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдамни кучайти-ришга қаратилган чора-тадбирлар кўзда тутилган. Бу — зиммамизга катта масъулият юклайди. Маҳалладаги фах-рийларни яна бир бор ҳисобга олиб чиқдик, ким кўпроқ ёрдамга муҳтож — буларнинг барчасини аниқладик. Бунда бизга «Нуроний» жамғармасининг маҳалламиз-даги жамоатчилик маркази катта ёрдам кўрсатмоқда. Бу борадаги барча ишлар режалаштирилган. «Наврўз» байрами, Хотира ва қадрлаш куни, Мустақиллик бай-рамида фахрийларимизга катта ҳурмат ва эъзоз кўрса-тамиз, байрам дастурхони ёзиш, совға-саломлар ула-шиш ниятларимиз ҳам йўқ эмас.

Маҳалла оқсоқоллари шу ниятда ўз қобилиятлари, салоҳиятларини бутун борлиги билан рўёбга чиқариш, фахрийларга, айниқса иккинчи жаҳон уруши қатнаш-чиларига, ногиронларга, камхарж оилаларга имкони борича кўпроқ ёрдам бериш иштиёқи билан яшамоқ-далар.

ҲАЁТДАГИ ЎЧМАС ИЗЛАР

*«Яхшиликни раҳмдил умматларимдан
истанглар»*

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг музейида ёш аскарлар билан навбатдаги учрашув бўла-ётганди. Ватанга муҳаббат, халққа садоқат ҳақида сўз борди. Мустақиллик халқ учун энг буюк неъмат экан-лиги, шу юртнинг, ота-боболар, авлод-аждодаларнинг муборак ҳоки ётган тупроқнинг, ўзи дунёга келган, киндик қони тўкилган ўлка сарҳадларининг бутунли-гини сақлаш, халқ учун тинч, осойишта меҳнат қилиш шароитини яратиш, осмонимиз мусаффо бўлиши кўп жиҳатдан армияга қаҳирилган ёшларнинг ўз бурчини бажаришга қай даражада жанговор ва маънан тайёр



«Ўзбекистон қаҳрамони»
Адланиёз Утенийёзов



Турсун бобо Эргашев



Ўзбекистон «Нуроний» жамғармаси
Марказий Кенгашининг раиси Эркин Боқибоев



Нуроталик фахрийлар тошлоқ ерда ўзлари яратган боғ олида



Буларни ўз даврида уч оғайни ботирлар, дейишарди.
Зиёл Есенбоев (тургада) журналист Рихси Соҳибоев ва шоир
Акмал Пулат билан бирга



Истеъфодаги генерал-лейтенант Ғофур Раҳимов



Николай Тимофеевич Молдованов



«Ўзбекистон қаҳрамони» Муяссар Темирова



Тура бобо Мансуров



Маҳалла оқсоқоллари (чапдан) И. Рашидов, В. Умаров, А. Зокиров ва А. Тўлагановлар саксон ёшли Қудратилла отадан (ўртада) ҳол-аҳвол сўрагани келишди



Янгийўлдаги нон заводи акциядорлик жамоасида корхонадан пенсияга кетганларнинг юбилейларини жамоада нилпонлаш анъанага айланган



Тошкентдаги «Илгор» маҳалласида ташкил
этилган «Маънавият ва маърифат» маркази



Назармағ Ёгамназаров



Мадамин Ҳасанов



«Нуроний» жамғармасида фахрийларнинг навбатдаги дийдорлашуви



Иброҳим Мирзабеков



Расул Раҳмонов



Манлюн ота Рихсиев



Бувайдалык борбон Жалюлиддин Сиддиқов



Фаргоналиклар меҳмон кутишни қойил қиладилар.



Онахонларимиздан Латофат Рахматулласна, Савритисо Собирхонова ва Санобар Набиевалар «Нуроний» оромгоҳида



Тошкентлик фахрийлар имом ал-Бухорий
ёдгорлиги мажмуасида



Фахрийлар «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлигида

эканлигига, маҳоратига боғлиқлиги ҳақида бошқалар қатори Мадаминжон ота ҳам сўзлаб берди.

Шунда кутилмаганда бир ёш йигит савол ташлаб қолди:

— Урушда бўлганмисиз, агар иштирок этган бўлсангиз, шундан ҳам сўзлаб берсангиз.

Отахон дабдурустдан нима дейишини билмай, ўша савол берган йигитга тикилганча сукутда қолди. Айтай деса мақтанишдек туйилиши мумкин, айтмай деса ўша йигит кўзларини мўлтиратиб, умид билан қараб турибди.

— Жон ўғлим, — деди ниҳоят Мадаминжон ота илтижоли оҳангда, — қўй ўша урушни, унинг номи ўчсин, бизнинг авлод кўрди, жабрини тортди, сизлар уни асло кўрмангиз. Иннайкейин одам ўзи ҳақида гапириши бироз ғалати туйилади. Агар жуда қизиқсангиз, мана шу музейда, ҳў ана у жойда бир стенд менга бағишланган, ўша ерда ҳаммаси ёзилган, ўқиб олишларингиз мумкин.

Отахон бироз ҳаёлга толди. Ёш йигитнинг саволига тўла жавоб бермай тўғри қилдими ё чакки бўлдими...

Учрашувдан қайтар экан ўша йигитнинг саволи тўртки бўлдими ё бошқа сабабданми, ҳар ҳолда, беихтиёр ўша қонли жанглар ҳаёлида тикланди. Ахир айтишга осон, ҳар кун неча бор ажалнинг совуқ шарпаси елиб ўтарди ўнгу сўлидан. Ҳозир ҳам, орадан эллик йилдан зиёд вақт ўтган бўлса-да ўша дўзах даҳшатлари ёдга тушса бир ҳолатда бўлади. Ҳаёт сўқмоқларида инсон қанчадан қанча воқеа-ходисаларга дуч келмайди дейсиз. Илло вақт ўтиши билан уларнинг кўпи ёддан қўтарилади. Лекин уруш, у ердаги баъзан инсон тасаввурига сиғмас воқеалар умрининг сўнгги дақиқаларигача бутун борлигини ўртайверади. У даҳшатли кунларни унутиб бўлмайди.

...Ўша йили ҳам қиш тоза заптига олганди. Оёқ остидаги қор ғарчиллайди, темирдан тайёрланган буюмларни ушласанг, қўлинг чиппа ёпишиб қолади. Ўшанда, ҳаёлидан ўтказди Мадаминжон ака, ўрмонда яшириниб қолган душман тўдасини тугатиш топшириғи олинганди. Улар эҳтиётлик билан дарахтлар ора-лаб боришарди. Душман томон кўзга илғамаслик учун майда-майда гуруҳларга бўлиниб олганди. Кўп ўтмай шундайларнинг бирига дуч келишди. Қисқа тўқнашувда эпчил ва дадил ҳаракат билан душманларни ер тишлатишди. Шу кун Мадаминжон Ҳасанов душманлар-

дан тўртгасини асфаласофинга жўнатди, бирини эса асир олди. Шу воқеадан сўнг жангчилар орасида унинг обрў-эътибори жуда ошиб кетди. Қўмондонлик томонидан махсус буйруқ чиқарилди. Унда фронт ортида қолган душман тўдаларини йўқ қилишда Ҳасановнинг кўрсатган ботирлик, мардлик ва жасоратига юксак баҳо берилганди. «Ҳасанов тинимсиз ўт очиб, — дейилганди ўша буйруқда, — олдинга интилишга уринган душманга йўл бермади ва бу билан бўлинмани жанговор тартибга келтиришга имкон берди». Қўмондонликнинг жанговор топшириғини намунали бажарганлиги ҳамда жасорат ва мардлик кўрсатгани учун ўша буйруққа асосан жанговор медал билан тақдирланганди.

Яна бир лавҳа унинг хотирасида ўчмас из бўлиб муҳрланиб қолган. Олинган маълумотларга қараганда олдиндаги қишлоқда душман тўдаси бор. Ушбу хабарни аниқлаш ва у тасдиқланса, ўша тўдани йўқ қилиш топшириғини олган взвод тун ярмида йўлга чиқди. Маълум бўлдики, душман қишлоқдан чиқиб, ўрмон ичига яширинган. Разведкачилар ўта эҳтиёткорлик билан олға силжишарди. Лекин шу ўртада кимдир дарахтга турганиб кетди — шохлардаги қор дув этиб ерга тўкилди. Шу заҳотиёқ душман томондан ўт очилди. Ҳасанов белидаги гранаталардан бирини душман томонга улоқтирди. Кучли портлашдан атроф ларзага келди. Душман томондан даст кўтарилиб келаётганлардан икки киши қулади, қолганлари разведкачиларга тапиланди. Аёвсиз қўл жанги бошланди. Барваста қоматли Ҳасанов яна икки рақибни ағдарди-да улардан бирининг жасадини пана қилиб, автоматидан тинмай ўқ ёғдирди.

Кейин маълум бўлишича, бу тенгсиз жангда бир разведкачи ярадор бўлган, қолганлари ҳалок бўлишибди. Қизиқ, деб кулиб қўйди Мадаминжон ака, шу жангдан кейин унинг ҳақида газеталарда хабар ва лавҳалар чоп этилди. Ўша мақолалардан бирига «Мадамин Ҳасановдек жанг қилмоқ керак» деб сарлавҳа қўйилибди. Яшириб нима қилади, ёшликда, ўша пайтда атрофда бўлаётган ўзи ҳақидаги бундай гап-сўзлардан фахрланарди...

Музейда савол берган ёш аскарга буларни сўзлаб беришни нима учундир ўзига эп билмади. Лекин ўша кўрсатган стендида булар ҳақида батафсил ҳикоя қилинган. Музейдаги экспонатларни кўздан кечираётган томошабинлар шу — Мадаминжон Ҳасановга бағишланган стенд олдида ҳам узоқ туриб қоладилар, ундаги

хужжатларни катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кўздан кечиришади...

Ҳаётдаги излар. Сен кишилар эслайдиган нима иш қилдинг, худо берган умрингдан розимисан? Ёш бир жойга бориб қолгач, киши ўзига-ўзи бот-бот шу саволни берар экан. Умр сарҳисоби дерлар буни. Ўзгалар сенинг йўлингни менга ҳам берсин, деб ният қиладиларми... Мадаминжон ака ҳам ўз ҳаётини сарҳисоб қилди, одамлар кўзига тик қараб, шу юрт учун, шу халқ учун қўлимдан нима келса шуни қилдим, деб ишонч билан айта оладиган ўчмас излари бор унинг бу ҳаётда.

Аслини олганда худо ярлақаган инсон бу киши. Агс ҳолда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги Хонобод қишлоғида таваллуд топган шу йигит вақти келиб 23 йил Республика миқёсидаги йирик раҳбарлардан бири бўлади, деб ким ўйлабди. Қаранг, айтишгагина осон — ўн тўрт йил «Ўзбекбирлашув»ни, тўққиз йил Савдо вазирлигини бошқарди. Умрининг 56 йили тигиз меҳнат билан ўтибди. Қани айтингчи, ким ҳавас қилмайди бундай ҳаётга! Худойим берган умрдан нега рози бўлмасин у, бир эмас, минг бора рози бўлса арзийди, зеро бундай ҳаёт ҳар кимсага ҳам насиб этавермайди.

Хиёбон бўйлаб бир басавлат қария оҳиста одим ташлаб бормоқда. Унинг бўй-бастига назар ташлаган кимсанинг ҳаваси келмай иложи йўқ. Қўринишидан етмишдан ўтиб, саксонни қоралаб бораётганга ўхшайди. Илло қомат тик, одим олишлар бардам.

Мадаминжон отани Тошкентда кўпчилик танийди, тўй-ҳашам, маъракаларда бош-қош. Пойтахтда бирор бир каттароқ тадбир йўқки, ўша ерда у кишини учратмасангиз. Юртимиз вилоятларида ҳам бу отахонни яхши танишади. Борсалар ўтқизгани жой топиша олмайди. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида садоқат билан меҳнат қилаётганлар орасида у кишининг шогирдлари кўп.

— Ёсингиздами, Мадаминжон ота, мен чекка бир қишлоқдан келгандим, ўқишга жойлашишга ёрдам берган эдингиз.

Отахон гапираётган кишига тикилиб қараб қолди.

— Сиз Саъмижонсиз, тўғрими?..

— Худди ўшаман, айтган сўзларингиз ҳамон ёдимда. Отаси урушда шаҳид кетган экан. Оиланинг ёлғиз ўғли экан. Опа-сингиллари сероб. Онаси келган эди, бизнинг хонадонга ҳам зиё нури кирсин, худодан тилагимиз шу, деб айтди. Ўша бир фандан «уч» баҳо олган бўлса, йигитчада айб йўқ, унинг бундай бўлиб

қолишига биз — ҳаммамиз айбдормиз. Ўзингиз ўйланг, уч ой пахта терса, бу ҳам етмагандек ҳали чопиққа, ҳали яганага ҳайдаймиз. Умри шунга ўхшаш юмушлар билан ўтганлигини ҳисобга олсак, адолатдан бўлади.

Институт қабул комиссиясига айтган шу сўзларингиз тақдиримни ўзгартириб юборди. Умрбод миннатдорман Сиздан.

Кимгадир устозлик қилган, иш ўргатган, йўл-йўриқ кўрсатган, насиҳат қилган. Вилоятларга борганда ўша миннатдор қалб эгалари қуршовида қолади, улар томонидан кўрсатилган меҳр-оқибатдан ҳар сафар қаттиқ таъсирланади.

Буларнинг бари менга худойимнинг инобати, деб кўнглидан ўтказди у. Шогирдларим бу дунёда мен етиштирган тенги йўқ боғларим, беадад шукр ўзига, дилга малҳам бўлувчи мевалар бермоқда улар. Ўша меҳнатим эвазига олаётирман бунчалик эъзоз-ҳурматни. Меҳнатнинг роҳатини кўрмоқлик ҳар бандасига насиб айласин...

Ҳамон ёдида. Ўша пайтда 60—70-йилларда кооператив институти, техникум, билим юр்தларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбиянинг давр талабларига жавоб берадиган усуллари жорий этиш, билимгоҳларни малакали мутахассислар билан таъминлаш, ўқув, амалий машғулотлар жараёнини пухта йўлга қўйиш борасида Мадаминжон ота кўп жон куйдирди...

Хиёбондан ҳамон ўша вазмин қадам ташлаб борарди у. Муҳташам бино қаршисидан чиқиб қолди. Ҳа, бу ўша Матлуботчилар уйи. Пойтахт ҳуснига қандай ярашиб турибди. Унда маъмурий бино, меҳмонхона, мажлислар зали, ресторан ва бошқалар бор эди. Бу ҳам у кишининг ҳаётда қолдирган ёрқин изларидан бири. Басавлат ва кўркем иморатга узоқ тикилиб турди, чамаси кўнгли таскин топди шекилли яна олға одим ташлаб кетди. Кексаларнинг гапи бор: битта, гувала қўйиш, битта гишт теришнинг ўзи бўлмади. Бу эса улкан бир иморат, қанча чоп-чоп, қанча муаммо, ҳали у етмайди, ҳали бу... Хуллас, ўзи бўлмаган.

Ўшанда, «Ўзбекбирлашув»га раис бўлган ўн тўрт йил мобайнида Республика бўйича қанчадан қанча янги бинолар қад кўтарди. Савдо вазири бўлгач бу каби кент режаларни амалга оширишда давом этди. Ишларни жадаллаштириш мақсадида махсус қурилиш трести барпо этилди. Савдо ускуналари ишлаб чиқарадиган икки кор-

хона, Тошкент ва Самарқандда темир-бетон буюмлари заводи ишга туширилди. Вилоятларда эса савдо шохобчалари қурилишни олиб борадиган махсус бошқармалар ташкил этилди.

Соҳа ходимларининг дам олиши, саломатликларини мустаҳкамлаш учун шароит яратиш мақсадида Хумсон ва «Маъданли сувлар» даҳасида санаторийлар, Чорвоқ сув омбори бўйида 320 ўринли оромгоҳ ҳам бевожита Мадаминжон Ҳасановнинг жонкуярлиги билан қурилиб, ишга туширилди. Булар ҳам ҳаётда ундан қолаётган излар.

Биз ҳикоя қилаётган отахон ўз вақтида фақат катта ташкилотчигина эмас, балки ўз соҳасини назарий жиҳатдан ишлаб чиққан таниқли тадқиқотчи ва олим ҳамдир. 1965 йилда «Ўзбекистон матлубот кооперациясида улғуржи савдо ва уни такомиллаштириш йўллари» мавзuida диссертация ёқлаб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олган эди. У амалий ишларни илмий фаолият билан узвий боғлаб олиб борди. Унинг икки монографияси, 18 рисоласи, жуда кўпдан кўп мақолалари мамлакатимизда савдо ишларини ташкил этиш ва уни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Улардан ҳозир ҳам кооперация техникумлари ва билим юртларида ёшларга сабоқ беришда қўлланма сифатида фойдаланилмоқда. Кейинги етти йил мобайнида Мадаминжон ака «Ўзбексавдо» уюшмасига қарашли истеъмол бозори ва маркетинг илмий-тадқиқот институтига бошчилик қилди. Жамоада тайёрланган тавсиялар бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилаётган ҳозирги пайтда савдо-тижорат аҳлига зарур қўлланма вазифасини ўтапти.

Мадаминжон ота кўпни кўрган, жаҳон кезган инсон. Хизмат тақазоси билан АҚШ, Канада, Европанинг барча мамлакатларида, Осиё ва Африканинг қатор юртларида бўлган. У Ўзбекистон билан хориж ўртасида савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди. Сурункасига 18 йил мобайнида Халқаро кооперация альянси Марказий қўмитасининг аъзоси сифатида фаолият кўрсатди.

Илло чет эл сафарларидан биттаси борки, у отахоннинг ҳаётида алоҳида ўрин тутди. 1992 йил баҳорида мустақил Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси сафида Саудия Арабистонига бориш насиб этди.

Унинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. Беш бор

Республика Олий Кенгашига депутат қилиб сайланди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими» деган фахрий унвонга эга. Ўтган йили Республикамизда савдо соҳасини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ривожлантиришга, савдо маданиятини юксалтиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, кўп йиллик самарали меҳнати ва ижтимоий ҳаётдаги фаолияти учун Мадаминжон Ҳасанович Ҳасанов Ўзбекистон Президентининг Фармонида биноан «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланди.

Отахон ҳамон сафда. У «Экосан» халқаро жамғармаси ҳузуридаги «Нуроний» жамғармаси жамоатчилик марказининг раиси сифатида ўзининг бой ҳаётий тажрибасини ёшларга қунт билан ўргатмоқда, йигит-қизларни маънавий баркамол бўлишлари йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

Мадамин отани таниганлар уни пиру бадавлат инсон, дейишади. Ҳақ гап. Умр йўлдошлари Мўътабархон ая билан олти фарзандни юртимизга муносиб инсонлар қилиб тарбияладилар. Фарзандлари Инъомжон — бухгалтер, Фотима — муаллима, Абдухалил — тиббиёт фанлари номзоди, Бахтиёр — журналист, Шухрат — жарроҳ, Абдуманноп — иқтисодчи. Бир-биридан ширин бир этак неваралари бор.

Худога беадад шукр шуларни кўрсатганига, дейди фарзанд ва невараларига тикилар экан Мадаминжон ота. — Бахт деб шунга айтсалар керак. Бу яратган эгамнинг тенгсиз инояти. Кўнглинг тўқ, хотиринг жам бўлса бундан ортиқ бахт бўлмаса керак инсон учун. Булар ҳам ҳаётдаги менинг изларим, ўчмас изларим. Ўзинг уларни ёмон кўзлардан асрагин. Ният қиламанки, ҳар бандасига ана шундай умр насиб этсин. Шуларнинг ўсиб-униши учун юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, ўзбек ва Ўзбекистон деган номлар жаҳон бўйлаб жаранглаб эшитилаверсин.

Илоё айтганингиз келсин, Мадаминжон ота!

МЕНИНГ ОҒАМ ШУНДАЙ ОДАМ

*«Дунёда яхшилик қилувчи кишилар
охиратда яхшиликка эришувчилардир»*

Сафардан пича хориб келди у. Уйдагилар билан ҳолаҳвол сўрашгач, бир пиёла чой ичди-ю ўрнидан турди.

— Уринганман, бироз ҳордиқ чиқарай, сўнг ҳам-масини сўзлаб бераман, — деди-да Назармат хонасига кириб кетди.

Одатда шундай бўлади — киши зўриқса ўзини ҳолсиз сезади, киприкни очишга қурби келмайди, уйқу элитгандек туйилади, илло ундан дарак йўқ. Бўлиб ўтган воқеалар бирин-кетин хаёлида жонлана бошлади.

Ўша, иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда ижодкорлар орасида «Бруно» достони билан элга танилган шоир Султон Жўра ҳам бор эди. Тақдир экан кўплар қаторида у ҳам урушда шахид кетди. Орадан чамаси қирқ йил ўтди, ўша урушнинг баъзи жароҳатлари ўрни битиб, унутила бошланди. Илло қалб жароҳатини битиши қийин экан. Шундай кунларнинг бирида ўша шоирнинг хотини Назармат акани йўқлаб келди.

— Менинг ҳолимга тушунинг, барака топгур, Султонимнинг руҳи кейинги пайтда бод-бод безовта қиляпти. Ўғлимиз Ботиржон ҳам отам мазорини зиёрат қилмасам тинчимайдиган кўринаман, деяпти. Бизни ўша ерга — Белоруссияга олиб боринг, Султоним қабри тепасида тиловат қилайлик, ахир унинг руҳи биздан умидвор-ку.

Хуллас, тегишли ташкилий ишлардан сўнг марҳум шоирнинг хотини Моҳира ая, ўғли Ботиржон, куёви Ўктам Ризаев Назармат ака раҳнамолигида Гомел вилоятидан оқиб ўтадиган Днепр соҳили қайдасан, деб йўлга тушдилар. Қозоғистоннинг бепоён чўллари, Россиянинг қуюқ ўрмонзорларини ортда қолдириб, ниҳоят белорусларнинг Козерога қишлоғига етиб келдилар. Ўзбекистонликлар катта эҳтиром билан кутиб олиндилар. Шу юрт учун ўзбекнинг ловиллаб турган оташ нафас шоири ўз жонини қурбон қилган бўлса, халқимнинг иккинчи бир шоири — Назармат ака Белоруссияни озод этиш жангларида мардлик ва жасорат кўрсатганди. Қабр тепасида Лоев туман аҳолиси вакиллари, раҳбар ходимлари, мактабларнинг муаллимлари ва ўқувчилар тўпланди. Ўғил-қизлар Султон Жўранинг рус ва белорус тилларига таржима қилинган шеърларини ҳаяжон билан ўқиб бердилар. Йиғилганлар кетгач, Моҳира ая Курьон тиловат қилди, сўнг эгилган ҳолда ўзича марҳум билан сўзлашди, ғам-андух тўла юрагини бўшатди. У ўкириб-ўкириб йиғлади, «кимларга ташлаб кетдингиз бизларни», деб фарёд чекди. Ботиржон ҳам, Ўктамжон ҳам ўзларини тутиб туролмадилар, кўзларидан юм-юм ёш

тўқилди. Назармат ака қанчалик ўзини тутишга уринмасин — бўлмади — аччиқ кўз ёшлари юзи узра думалади. Султон Жўра билан урушдан олдин Самарқандда учрашганлари, сўнг шу белорус тупроғида, уруш даврида дийдорлашгани кўз ўнгида намоёни бўлди. У унсиз фарёд қиларди. Энди Назармат ака тиловат қилди. Шундан сўнг ҳаммаларининг кўнгли анча тинчигандай, руҳи ҳам тетиклашгандек туйилди. Армони ушалди, неча йиллар мобайнида ана шу руҳий қарз эзарди уларни огир юк бўлиб...

Улар ўша олис ўлкадан юртларига қайтар экан, Моҳира ая ҳам, Ботиржон ва Ўктамжон ҳам шунча вақтини бериб, шунча қийинчиликларни бўйнига олиб, улар кўнглидаги чигилни ёзганлиги учун Назармат акани тинмай алқаб, дуо қилиб келдилар.

Ҳа, толиқдим, чарчадим жисмонан, деб кўнглидан ўтказди оғам, лекин руҳим озиқ олди, савоб иш бўлди, розидирман юз бора меҳнатларимга.

Юқорида ҳикоя қилинган лавҳа Назармат аканинг инсон кўнглини олмоқ учун, ўтганлар руҳини шод этмоқ учун кўпдан кўп хайрли ишларидан бир шингилдир...

«Ассалому алайкум, азиз Назармат!

Хатингизни олдик. Кўндан-кўп раҳмат. Адҳам аканинг 80 йиллик юбилейини чиройли қилиб ўтказдингизлар. Дунёда сиздек яхши одамлар бор бўлгани учун Яратганга шукр. Сизга ҳамиша руҳлар мададкор бўлсин.

Тириклигида одамнинг дўсти кўп бўлар экан. У бу дунёдан ўтгандан сўнг ким ҳақиқий дўст эканлиги биланар экан. Қимматли Назармат, сизнинг Адҳам акага қилган яхшилигингиз учун миннатдорчилик билдирмоқликка сўз топишга ожизман.

Ўғил-қизларингиз, келин ва набираларингиз ҳамиша сизга меҳрибон бўлишсин, сиз доимо улар ардоғида бўлинг.

*Ҳурмат-эҳтиром ила
Ҳамдамовлар оиласи»*

Ушбу мактуб оғам номига келган кўпдан-кўп хатларнинг биридир. Адҳам Ҳамдам Фарғонанинг Афандиси деб ном олган элга маълум ва машҳур ижодкор. У ўтган асрнинг 30-йиллари охирида Назармат ака билан Самарқанд давлат университетида бирга ўқиган. Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, ҳар иккиси ҳам фронтга кетишган. Тақдирни қарангки, иккаласи икки фронтда

бўлса ҳам кунларнинг бирида учрашиб қолишади. Адҳам ака ўзбек тилида чоп этилаётган фронт газетасининг мухбири сифатида жанг бораётган олдинги маррага келганди. Гвардиячи лейтенант Назармат Эгамназаров мото-ўқчи батальон командири ўринбосари эди. Ана энди ҳар икки дўстнинг ўша пайтдаги ҳолатини кўз олдингизга келтиринг. Кунда неча бор ажалга рўпара бўлиб юрганлар бир-бирини соғ-омон кўрдилар. Ҳаяжондан энтикишарди, сўзлари адо бўлмас кўринарди. Бошдан ўтказган кунлари, ҳозирги хизматлари ҳақида бири олиб, бири қўйиб сўзлаб беришди.

— Қандай бўлмасин, сени бу ердан олиб кетишим керак, — деди Адҳам ака.

— Нега? — тушунмайроқ сўради суҳбатдоши.

— Ахир нақ ажалнинг оғзида турибсан-а, бугун бўлмаса эртага... худо юзини тескари қилсин ўша кунни.

Хуллас, гапга чечан, чапласт, ҳамиша ҳозиржавоб Адҳам ака то фронт қўмондонигача бориш йўлини топди. У бироз ошириб-тошириб гапирарди одатда, зум ўтмай суҳбатдошини ўзига ром қиларди-қўярди. Бу савфар ҳам шундай бўлди.

— Назармат, — деди у қўмондонга, — халқимизнинг катта шоири, агарда газета таҳририятига ишга олсак, фойдаси кўпроқ тегади, жангчиларни руҳлантирадиган, душманга нафрат уйғотадиган шеърлар битади, ажойиб мақолалар ёзади. Бизда худди шундай ходимлар етишмай турибди.

Адҳам ака ниятига етди, Назарматни ажал мўралаб турган жойдан олиб, таҳририятга олиб кетди. Шу-шу бўлди-ю икки дўст ўртасидаги садоқат иплари янада маҳкамроқ боғланди.

— Агар шу иш бўлмаганда, эҳтимол тирик қайтмаган бўлардим-ми, — деб эслайди Назармат ака.

Урушдан сўнг оғам Тошкентда, Адҳам ака Фарғонада хизматда бўлишди.

Назармат ака газета ва журналлар таҳламларини эринмай варақлаб, дўстининг шеърларини йиғди, Фарғонага бориб, шахсий архивларини кўздан кечирди, оила аъзолари билан суҳбатлашди. Шундай қилиб Адҳам Ҳамдамнинг «Қасамёд» деб номланган тўплами вужудга келди ва нашр этилди...

Кунлардан бирида «Қишлоқ ҳаёти» газетаси таҳририятида хоналарни обдан тозалаш ўтказилди. Шунда ногоҳон катта бир альбом чиқиб қолди. У ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

журналистика бўлимини биринчи битирувчиларининг 25 йиллигига бағишлаб тайёрланган бўлиб, Тожикистоннинг Нов туман газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлаган марҳум Мақсуджон Халиловга аталган, аммо нима сабаб бўлиб у эгасига топширилмай қолиб кетган экан. «Ким олиб бориб, ушбу жуда қадрли эсдаликни марҳум оиласига топшириб келади» деган савол кўндаланг қўйилди. Очигини айтсам ўша пайтда бирор кимса бу вазифани зиммасига ололмади. Одамларни ҳам тушуниш мумкин, ахир ҳозирги пайтда қўшни Республикага бориб-келишнинг ўзи бўладими.

Буни қарангки, воқеадан Назармат ака хабар топади ва бу савоб ишни ихтиёрий равишда зиммасига олади. Марҳум дўстимизнинг уйдагилари, қариндош-уруғлари қанчалик хурсанд бўлганликларини бир тасаввур қилинг-а.

Ўша куни маҳаллий ижодкорларни ёнига олиб, Мақсуджоннинг қабрини зиёрат қилди. Маҳаллий истирожат боғига дафн этилган, Тожикистоннинг ўзбек тилида ижод этган таниқли шоири, акаси — Аширматнинг қабри устида тиловат қилди. Унинг музейига бориб, жигаргўшаси хотирасини яна бир бор ёд этиб, руҳини шод этди...

«Тошкент ҳақиқати» газетасига узоқ йиллар раҳбарлик қилган марҳум касбдошимиз хотирасини абадийлаштириш учун Жиззах туманидаги у ўқиган қишлоқ мактабига Аҳмад Исмоилов номи берилади. Назармат ака ўша мактабда Аҳмад аканинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар жуда оз эканлигидан хабар топиб қолади. У дўсти ҳақида каттагина мақола ёзиб, чоп эттиради, шахсий архивини титкилаб, Аҳмад акага боғлиқ суратларни, дўсти ёзган китоб ва мақолаларни ахтариб топади. Ҳаммасини тўплаб, ўша мактабга боради, муаллимлар ва ўқувчиларни тўплаб, Аҳмад Исмоилов ҳақида батафсил сўзлаб беради ва олиб борган бой тарихий ҳужжатларни жамоага топширади...

Бу дунёдан ёшгина ўтиб кетган ижодкор Жонибек Қувноқнинг руҳини ҳам шу йўсинда шод этади менинг оғам. Уша, Фориш туманидаги бўлғуси шоир ўқиган мактабга боради. Жонибек китоблари, мақолалари, унинг ҳақида ёзилган хотиралар ва суратларни мактабга топширади. Хотира кечасига йиғилганларга ижодкорнинг йўли ҳақида ҳикоя қилиб беради ва Жонибек Қувноқ хотирасини абадийлаштириш учун у ўқиган, вояга етган шу мактабга унинг номини бе-

ришни таклиф этади. Кейинчалик худди шундай бўлди. Бу билан оғам яна бир катта савоб иш қилди.

Жонибекнинг туғилган кунига 60 йил тўлганда унинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб мақолалар ёзди, жойларда хотира кечаларини ўтказди.

Марҳумлар ҳақида ўйлаш — тириклар зиммасидир. Бу сўзни оғам бод-бод такрорлаб туради. Фақат сўзда эмас, балки амалда кўплар учун ўрناк бўладиган эзгу ишларни амалга оширади. У кўп вақтини сарфлаб, иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган шоирларнинг шеърларини тўплаб, уларнинг руҳи шод бўлсин деб, «Жангтоҳдан садолар» китобини нашр эттирди. Мазкур тўпلامдан жангчи-шоирлардан Ҳасан Саид, Бурҳон Турсунов, Зиё Раҳим, Қодиржон Иминов ва бошқаларнинг шеърлари жой олди.

Ахир нима қиламиз яшириб, баъзан уй-рўзғор эҳтиёжи учун шундоққина бозорга бориш малол келган ҳолатлар деярли ҳар биримизда ҳам юз берган-ку. Оғам эса кимнингдир кўнглини олмоқ, марҳумлар руҳини шод айламоқ умидида юзлаб, баъзан эса минглаб чақирим йўл босишдан оғринмаган. Битта савоб талабгори бўлса шунчалар бўлар...

* * *

Назармат ака турли халқлар адабиётини бир-бирига боғловчи жонли кўприк. У асли Бекобод яқинидаги Нов туманидан. Шу сабабли Тожикистондагилар уни ўз шоири, деб билади. Ҳар сафар киндик қони тўкилган жойга борганида ҳар бир хонадоннинг эшиги унинг учун очиқ. Ўз шоирига дастурхон ёзмоқлик, унинг кўнглини олмоқликни новликлар ўзлари учун катта шараф, деб биладилар. Тожики ижодкорларининг жуда кўп шеърларини ўзбек тилига ўгириб, нашр эттирди. Бедил, Жомий, Мирзо Турсунзода, Миршакардан қилган кўпдан кўп таржималари чоп этилган. Айни пайтда ўзбек ижодкорлари асарларидан қилган таржималари Душанбе нашриётида босилиб чиққан.

Бошқа халқлар шоирларидан таржималар ҳам талайгина. Қозоқ Жубан Мўлдағалиев, руслардан Пушкин ва Лермонтов, украин Шевченконинг бир қатор шеърлари оғам воситасида ўзбек ўқувчилари қўлига етиб борган.

Назармат аканинг номи узоқ Белоруссияда анча машҳур. У шу юртни фашист газандаларидан озод этиш жангларида мардона қатнашди. Шу юрт, шу халққа

атаб қатор шеър, ҳикоя ва қиссалар яратди. Унинг номи «Белоруссия адабиёти ва санъати» энциклопедиясига киритилган. Оғамнинг кўпгина шеърлари рус, украин, қozoқ, қирғиз ва бошқа халқлар тилларига таржима қилинган.

Хуллас, оғам халқлар, уларнинг адабиётлари ўрта-сидаги иноқликни мустақамлаш борасида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган нодир ижодкордир. Унинг эларо ҳурмати, доврўғи фақат қўтлуғ ёшда эканлигидагина эмас, аввало ўз юртига бўлган меҳридан, бутун борлиғи, ақл-заковати ва салоҳиятини ўз халқига бахшида этаётганлигидандир.

* * *

Назаримда суҳбат бироз чўзилиброқ кетганга ўхшайди. Беморни уринтириб қўймаслик даркор, кўнглидан ўтказди у. Шундан бўлса керак Назармат у ёқ-бу ёққа нигоҳ ташлагач, кетмоққа чоғланди.

— Ота, тортинмай айтинг, кўнглингиз нимани тусайди, олиб келиб берай, хижолат чекманг, ахир мен ҳам фарзандингизман.

Шу охириги сўз беморга далда бергандек бўлди. Кўпдан бери дилига тугиб қўйгани бор, илло ўша тугунни ечиб, бор гапни айтмоқликка андиша қиларди. Буёғи эса ўлчоғлик, яна қанча умри қолди — ёлғиз яратганга аён. Кўнглини бўшатмаса армонда қолади, у эса тинмай безовта қилгани қилган.

— Андек сабр қилинг, ўғлим, — деди ниҳоят Фулом ота. — Аҳволим ўзимга аён, ожиз бандамиз. Икки оғиз гапим бор. Бу омонат дунёдан армонсиз ўтган кимсани топмоқ ғоят мушкул иш. Мени ҳам бир армон ўртайди. Ҳозир ишонганим сизсиз, ўғлим. Мана, ўзингиз ҳам айтдингиз, мен ҳам фарзандингизман, деб. Яширмайман, кўнглим тоғдек кўтарилди. Шундай гапни айтишингизга ишонар эдим.

Фулом ота жимиб қолди. Ўша, унинг ҳаловатини бузаётган ҳолатни қай йўсинда айтмоқликни чамалаётган бўлса ажаб эмас.

— Айтинг ўшани, агар менга боғлиқ бўлса, хотиржам бўлинг.

Куёвнинг бу сўzlари далда бўлди шекилли у шипга тикилганча мадорсиз овозда сўзини давом эттирди:

— Хабарингиз бор, Розиям мени ташлаб, чин дунёга

сафар қилганига ҳам анча бўлди. Биргина ўғлимиз бўлгуси эди, худойим уни ҳам кўп кўрди. Энди эса мана мен...

Унинг аввал лабида, сўнг бутун вужудида енгил титроқ пайдо бўлди. Куёвнинг ҳам кўнгли алланечук бўлиб кетди. Таскин бермоқ ниятида оғиз жуфтлаган эди, яна ўзини тутиб қолди. Баъзан шундай бўлади: кўнгли тўлиб турган кимсага тинчитмоқ, юпатмоқ мақсадида бирор сўз айтсангиз, у худди шуни кутиб тургандек бирдан портлаб кетади. Назаримда шундан чўчиди у.

— Хуллас, айтиб қолмасам бўлмайди, ўзга иложим йўқ. У узун бир «уф» тортиб, ичини дард губорларидан тозалаб олгандек бўлди. — Кенжатойи Озоданинг тақдири мени безовта қилаётир. Менга бир қор-қол бўлса у бутунлай етим бўлиб қолади. Ана шу ўй менга тинчлик бермаяпти, кўнглимдаги ушалмаган армоним ҳам шу. Мен ўзимни ўйламаяпман, ҳар ҳолда яшадим, берган умридан розиман, илло шу қизимнинг ҳоли не кечаркин мендан кейин? Жон болам, шуни бағрингизга олинг мендан кейин... илтижо қиламан, ўғлим, мен хотиржам кўз юмай... оталик қилинг унга, тарбияланг, вояга етгач, эгасига топширинг. Шундай бўлса мен қабрда тинч ётгайман, сизни эса бу савоб ишингиз учун худойимни ўзи мукофотлагай...

— Отажон, дилингизга олманг-у, бу гапни айтишингиз шарт эмасди, ҳозир ҳам бағримизда-ку, туғишгани — опаси билан бирга яшаяпти-ку. Хотиржам бўлинг, ҳар хил ҳаёлларга борманг, ҳозир ўзингизни ўйланг, шундай бўлгани дуруст...

Шундай қилиб десангиз, Фулом ота вафотидан сўнг Озодахон поччаси Назармат аканинг хонадонида яшай бошлади. Олти фарзанд ёнига еттинчи фарзанд бўлди. Қандай бўлмасин у Озодахоннинг ўқишини истарди, қайинсинигилининг ҳам нияти шу эди. Ота-онанинг касалини боққан, ёлғиз акасининг нисбатан ёш вафот этгани унинг кўнглида шифокор бўлиш ниятини ниш урдирди. Ўрта мактабни тугатгач, Тошкент медицина институтига ҳужжатларини топширди. Ўша йили бир бал етмай қолди талаба бўлишига. Қаттиқ эзилди, дунё кўзига зимистонга айланди.

Назармат ака жанг кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучути-ни татиган киши эмасми, Озодахоннинг дардли дилига малҳам бўлди.

— Кўпам қайғурма, қизим — деди у, — бу йил бўлмаса, янаги йили, албатта, ниятингга етасан, ёшсан, сенга аталган бахт туғуни ечилмай, охори тўкилмай турибди. Ҳали шундай кунларни кўрасанки, кўплар ҳавас билан қарайди ҳаётингга, турмушингга, ўшанда мени айтди, дерсан.

Қаранг, худди шундай бўлди. Фаришталар омин деган экан ўшанда бу ниятларга. Озодахон тиним билмай тайёргарлик кўрди, ўқишга кирди, уни муваффақиятли битирди. Болалар шифокори бўлиб ишлай бошлади. Қунт ва чидам билан билимини оширди. Бу орада номзодлик диссертациясини ҳам ёқлади. Ўзига муносиб жойдан совчилар келди. Бирдан олдин-бирдан кейин деганларидек, тўй қилиб, узатишди. Назармат ака ота каби барча ишларида раҳнамо бўлди.

— Эзгу ишни худонинг ўзи ўнглайди, деганлари рост экан, — деб эслайди Назармат ака. — Озодахонни унаштириб қўйганмиз, илло келин сарпосининг камқўсти бор эди. Хабардорсиз, ўзимнинг олти фарзандим бор. Кеннойингиз, раҳматли Орифахон билан бош қотирамиз, нима қилсак экан, деб. Озодахон ризқли-насибали экан, унинг тўйи харажатларини худойим ғойибидан етказди, бамисоли осмондан тушгандек бўлди. Фирдавсий «Шохнома»сининг таржимасида қатнашгандим. Ўз вақтида қалам ҳақини олгандик ҳам.

Бир куни Фафур Фулом нашриётидан кўнғироқ қилишиб, бир келиб кетсангиз, дейишди. Борсам, китобнинг иккинчи нашри бўлибди — буни қаранг, яна ўшанча, олдин олган пулимча ҳақ беришди. Бу худонинг инояти, Озодахон қизимнинг насибаси эди. Шундай қилиб десангиз, тўйни ғарра-шарра харажат қилиб, кўнгилдагидек ўтказдик.

Ҳозир Озодахон ўзи набирали. Турмуш ўртоғи Асадиллаҳон билан тез-тез келиб, Назармат акадан хабардор бўлиб турадилар, ота каби мурувват кўрсатган бу бағри кенг инсондан меҳрларини дариғ тутмайдилар.

— Поччамлар, Назармат ака отам қилиб улгура олмай қолган ташвишларни бўйниларига олдилар, падар каби ҳиммат-мурувват кўрсатдилар, — дейди ҳаяжон билан Озодахон. — Мен бу муҳтарам зот олдида умр бўйи қарздорман. Бундай қарам ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ҳозир ҳам ўз фарзандларини тирик етим қилиб ташлаб кетаётганлар бор эканлигини ўйласак... Эҳ, ҳе...

Кўнгли яримларга қилинган шафқат, кўрсатилган

меҳр-оқибатнинг савоби, аждодларимизнинг айтиши-ча, қирқ қўлни озод этиш баробар экан. Менинг оғам ана шундай инсон!

* * *

Қирқ йил бўлдики, оғам билан девор-дармиёнмиз. Ён қўшним — жон қўшним. Касбимиз бир, дунёқарашимиз яқдил. Истаган пайтда чопонни елкага ташлаб, бири-биримизникига чиқамиз, хушнудлигимиз ҳам, дардимиз ҳам ўртада, юракни бўшатиб, енгил тортамиз. Хонадонимизда тансиқ таом тайёрланса, бир-биримизсиз ўтмайди, насибамиз бор. Тўй-ҳашам ва маъракаларга ҳамиша бирга борамиз. Бунга маҳалла-қўй, ёру дўстлар шу даражада кўникиб кетганки, борди-ю бирортамиз зарурат туфайли бирга бора олмасак, дарров суриштиришади — «қани қўшнингиз» деб. Қандай яхши, қандай соз!

Айтгандек, қўшни бўлишимизнинг ҳам ўзига хос қизиқ тарихи бор. Ўша пайтда ҳар иккимиз ҳам «Тошкент ҳақиқати» газета таҳририятида хизмат қилардик. Оғам адабиёт, мен эса саноат ва транспорт бўлимини бошқарардик. Кўнларнинг бирида оғам хонамга кириб келди ва шундай деди:

— Мен, агар билсангиз, ҳозир қўшни қидириб юрибман. Ўйлаб-ўйлаб, иним, сизни танладим.

Аввалига бу сўзларга унчалик тушунмадим. Каловланиб турганимни сезган оғам сўзида давом этди:

— Биргаликда ер олсак, ёнма-ён участка қурсак, деган ният бор кўнглимда.

— Бу жуда мушкул иш-ку.

— Биров бизни ҳайдаяптими, турган жойимиз бор, бир йилда бўлмаса, уч-тўрт йилда қурамиз ўшани.

Фаришталар омин деган экан ўшанда...

Борди-ю мендан одамлар Назармат ака қандай одам, деб сўраб қолишса, айтадиган жавобим шу турур: худо қандай яратган бўлса, шундайлигича — пок-ҳалоллигича қолган бу киши. 85 ёшга тўляпти. Шунинг ўзи худойимнинг ярлақгани. Не синоатлар ўтмади дейсиз шу катта, жумбоқларга тўла ҳаёт йўлида. Ҳар қандай шароитда оғам ўша-ўшалигича қолди. Меҳнаткаш, заҳматкаш инсон, оилапарвар, олти фарзанднинг отаси, бир этак неvara ва эвараларнинг буvasи. Ҳозиргача ўттиздан зиёд китоблари чоп этилди. Шу қўтлуғ ёшга кирса ҳам бизники бўлди, деб қўлни ювиб, қўлтиққа ургани йўқ. Ҳамон иш, ижод билан машғул. У кишини ҳали қайсидир наشريётга янги китобини топширгани келганини кўра-

сиз, ҳали яна қайсидир газета таҳририятида кеча битказган шеър ёки очеркини журналист ука ва сингилларига ўқиб бераётганига гувоҳ бўласиз.

Шундай ёнгинамизда Усмон Юсупов номли ўрта мактаб жойлашган. Оғамни ўқувчилар билан у ёки бу мавзуда учрашувга таклиф қилиб туришади. Мактабдаги ўғил-қизлар учун ёзувчи, шоир, таржимон ва журналист Назармат ака ўз кишилари бўлиб қолган. Унинг эсдаликларини, ҳаёт сабоқларини жон қулоғи билан тинглайдилар ёшлар. Маҳалламизда маданиятимиз, қадриятларимизга бағишланган кечалар, Наврўз, Мустақиллик байрамлари Назармат акасиз ўтмайди. Топган гул келтирур, топмаган бир боғ пиёз, деганларидек бундай учрашувларга оғам қуруқ қўл билан бормайди. Ватан ҳақида, халқимиз ҳақида, инсонийликни улуғловчи мавзуда юрак тафти билан йўғрилган бирор шеър битиб келади ва йиғинда уни ўзи ҳаяжон билан ўқиб беради.

Маҳалла зиёлилари ва оқсоқолларининг саъй-ҳаракатлари билан «Маърифат ва маънавият» маркази ташкил этилди. Бу савоб ишда Назармат аканинг ҳам фаол иштироки бор. Чоп этилган китобларини, ноёб расмларни тақдим этди, бошқаларни ҳам шунга даъват қилди. Ўтиб кетган ижодкор ва алломаларнинг хонадонларида бўлиб, улардан қолган маънавий меросни танлаб олиб, энг яхшиларини ўша марказга олиб келиб топширди.

Ватан — маҳалладан бошланади, — дейди оғам, — келгуси авлод ўзи яшаётган маҳаллада кимлар ўтганлигини билиши керак. Бу тadbир тарихимизни ўрганишда, ёшларимизни маънавий баркамол бўлиб етиштишларида, улар кўнглида миллий ғурур ва фахр уйғотишда, миллий гоёнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Қандай топиб айтилган бу сўзлар, шундай эмасми.

Эндиликда ўша маънавият марказида ўтказиладиган тadbирларнинг энг фаол иштирокчиси, баъзан эса ташкилотчиси ҳам менинг оғам.

Назармат аканинг меҳнатлари элнинг кўз ўнгида. Уни Фарғона водийсида ҳам, кўҳна Хивада ҳам, азим Самарқанду Бухорода ҳам, Қашқадарё ёки Сурхон воҳасида ҳам ўз кишиси, юракка яқин қадрлони сифатида кутиб оладилар, хурматини жойига қўйишади, оқсоқол ижодкор, кўплаб ёшларнинг устози, деб ўтқазгани жой топмайдилар. Ҳар сафар ўша жойлардаги учрашувлардан бир олам таассурот билан қайтиб келади,

унинг руҳи, кайфияти кўтарилган, бамисоли яшариб кетгандек бўлади. Олам-олам мавзулар унга қанот бағишлайди, ижодга ундайди. Шу ёшда ижодкорлар ўртасида ўтказилаётган танловларда ёшлар билан беллашайтганлигига бир мен эмас, балки кўплар ҳайратда. Ўзи ёмон кўзлардан асрасин, дейман. Буни қаранг, кейинги йилларда ватанпарварлик мавзусида ўтказилган танловларда уч бор ғолиб чиқиб, совриндор бўлди. Унинг шеъри билан айтилаётган қўшиқларни Ватанимиз соқчилари бўлмиш аскар йигитларимиз зўр кўтаринқи руҳда завқ билан куйламоқдалар.

Ўрни келганда айтмасам бўлмас. Оғамнинг шеърларига басталанган куйлар фақат аскарларимиз тилида эмас, балки эл оғзида ҳам. У яхшигина қўшиқчи шоир сифатида ҳам танилган. Ҳамма шеър ҳам қўшиқ бўлавермайди, ундаги сўз, жозоба, тенгсиз ўхшатишлар, вулқон каби лопиллаб турган ҳис-ҳаяжон шундоққина ўзига монанд куйни чақирмоғи даркор. Шеър, ардоқли шоиримиз раҳматли Туроб Тўла ибораси билан айтганда, муҳаббат чақмоғини эслатади, чақиб, ўт қўйиб кетади. «Табиат ранг танлаганда» мисраси билан бошланувчи шеъри мана шундай қўшиққа айланиб кетган ва хонандаларнинг тилидан тушмай келади. Айтилиши билан ҳамманинг эътиборини олувчи «Кулиб чиқсанг уйингдан» деб бошланадиган қўшиғи ҳам халқимиз ўртасида ёд бўлиб кетган.

Хуллас, оғам озод Ватани, ҳур юрти, гўзал замони, меҳнаткаш ва танти халқига бўлган самимий, чексиз муҳаббатини, меҳр-оқибатини, ўзини ҳаяжонга солган хис-туйғуларини бор овози ила зўр шавқ ва катта завқ билан куйлаб келмоқда. Унинг овози деярли ҳар кун буюк ўлкамиз бўйлаб жаранглаб эшитилмоқда, озод халқнинг, мустақил миллатнинг гумбирлаган овози бўлиб янграмоқда. Жанговор қўшиқлари аскар йигитларга шижоат бахш этса, лирикаси эса юракларга малҳам бағишлар, ҳаётга иштиёқни оширар, кўнгилларга баҳор нафасини уфуриб, бамисоли турфа гуллар йўлларингизга поёндоз бўлғай. Ҳар сафар юрак ифтихорга тўлар шундай паллада, энтикиб кетар қалб, ҳаёт жозибаси ошгандек бўлур юз бор. Шеър ва қўшиқда шундайин илоҳий куч бордир, жилваси бор, сири бор, минг бир хил синоати бор. Худойим севган кишисига юқтиради бундай илоҳий хислатни.

— 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши мен каби кекса кишилар кўнглини тоғдек

кўтариб юборди, — дейди оғам фахр билан. — Бу тadbир Президентимизнинг буюк инсонпарварлик фаолиятининг яна бир ёрқин қирраси, деб биламан. Сени шу каби ардоқлаб туришганда қандай қилиб бир четда қўл қовуштириб ўтириш мумкин. Ҳаёт борган сари жозибали бўлиб кўринмоқда кўзларимга. Шундай кунларга етказганига минг бор шукроналар бўлсин. Худди ёшлардек ҳаяжондаман, ҳамон ижод билан шуғулланаётганлигим боиси шундан бўлса ажаб эмас. Илоё бахтимизга кўз тегмасин, юртимизни, халқимизни, Юртбошимизни Оллоҳ ўз паноҳида асрасин.

Ҳавас қилса арзигулик фарзандларим бор, хонадоним тинч, ўғил-қизларим атрофимда эрта-ю кеч парвона, еганим олдимда, емаганим ортимда, кўнглим тинч, хотиржам. Қани, иним, айтингчи, инсон учун яна нима керак бу дунёда!

Меҳнат қилган элда азиз, деб бекорга айтмаганлар. Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармасининг аҳоли кенг қатламлари орасида олиб бораётган барча ташкилий, маърифий ва маънавий тadbирларида оғам ҳамон фаол иштирок этиб келмоқда. Мана бир неча йилдирки шу Жамғарманинг Республика Ёзувчилар уюшмасидаги бошланғич ташкилотига раҳнамолик қилмоқда. Ёши улғайиб, дардга чалиниб қолган ижодкор ҳолидан вақт-вақти билан хабар олиб турибди. Бу ҳам жуда зарур ва аини савоб ишдир.

Оғам эларо ўзига яраша эътибор қозонган. Мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида юртимизда маънавият, маданият ва адабиётимизни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Республикаимизнинг энг ардоқли мукофоти — «Эл-юрт ҳурмати» орденига мушарраф бўлди. Меҳнати қадрланган киши қаримайди ҳам, ҳоримайди ҳам. Шу боисдан бўлса керак, оғам ҳамон йигитлардек янги ўй-режалар билан банд. Мен унга Оллоҳдан узоқ умр, янги ижодий парвозлар тилайман. Қадамни янада бардам ташлайверинг, оғажон!

ИБРОҲИМ ФЕРМЕР

*«Деҳқончилик қилинглар, чунки
деҳқончилик баракали ишдир»*

У эндигина пайкалдан чиққан ҳам эди дала четига машина келиб тўхтади. Ундан уч киши тушиб, шу томонга юра бошладилар. Ким бўлдийкин булар, деб

кўнглидан ўтказди Иброҳим. Улар орасидан бирини таниди — туман ҳокимлигида ишлайди, қолганларини эслай олмади. Тўхта-тўхта, ана у охирида келаётган ўзимизнинг раис-ку.

Иброҳим пешвоз юра бошлади, ҳар ҳолда меҳмонда улар. Деҳқон ҳўжалиги ўтган куни режадаги ғаллани топшириб, орани очиқ қилган. Балки шу туфайли ҳорма-бор бўлга келишаётгандир, икки оғиз бўлса ҳам яхши гап айтмоқликдир ниятлари. Иброҳимнинг кўнгли кўтарилгандек бўлди. Юзма-юз келишиб, кўришишди, ҳол-аҳвол сўрашган бўлишди. Деҳқон ҳўжалигининг бошлиғи меҳмонларни шийпонга бошлади. Уюшма раиси уларни таништирди — бири вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасидан, иккинчиси ўша кўриб юргани, туман ҳокимлигидан.

Шийпонга бориб, кўрпачага ўтиришгач, фотиҳа ўқилди. Сўнг меҳмонлар гапни ким бошлайди, деган маънода бир-бирига қараб олишди.

— Раис, сиз шу ернинг одамисиз, келишимиздан мақсад нима эканлигини ўзингиз айта қолинг, — деди вилоят вакили.

У бир томоқ қириб олди-да аста сўз бошлади:

— Иброҳим, ука, раҳмат сента, яхши меҳнат қилдинг, ҳосил ҳам шунга яраша бўлди, ҳамманинг оғзида сенинг номинг, қотирди, отасига раҳмат дейишмоқда. Энди мана булар, — келган меҳмонларни қўли билан кўрсатди, — катта бошини кичик қилиб, бир илтимос билан келишди, улар қатори мен ҳам.

Раис асосий гапни айтишдан олдин фикрини жамламоқ учун тин олди. Қандай илтимос экан деган ўйда Иброҳим ҳушёр тортди.

— Яшириб нима қилдик, бундан ўзинг ҳам хабардорсан, туман ва вилоят ғаллада пича оқсоқланиб қолди. Режадан ташқарисини ўзларингга олиб қолгансизлар, чўғи анча катта. Туманнинг обрўси учун, вилоятимизнинг обрўси учун ўша ғаллангни топширсанг.

Иброҳим ҳамма нарсани кутса кутган эдики, аммо гапнинг нишоби бу томонга шу зайлда бурилиб кетишини кутмаганди. Аввалига довдираб қолди, тўсатдан нима деб жавоб беришини ҳам билмай. Вой хом калла-эй, мен буларни режани уддалаганимиз учун табриклагани келяпти, деб ўйлабман-а, ё тавба, кўнглидан ўтказди деҳқон ҳўжалигининг бошлиғи.

— Шундай қилмасанг бўлмайди, ука, — деб яна таъкидлади уюшма раиси.

— Сизлар айтаётган гапларнинг таги пуч, — Иброҳим бу сўзларни шу даражада хотиржамлик билан гапирдики, бундан бошқалар эмас, ўзи ҳам ҳайрон қолди. — Бундай деярликнинг боиси шуки, гектар бошига қанчадан ҳосил олдик, унинг қанчаси режани қоплаш учун кетди, ихтиёримизда неча тонна ғалла қолди, уни ҳўжалигимиз аъзоларига тақсимлаганда қанчаданга тушади — буларнинг барини биргаликда ҳисоб-китобини қилиб қўйдик. Хўжалик аъзоларидан кимлар олган ғалласининг қанчасини сотади, пулига рўзғор учун нималар харид этади — шуларгача режалаштирилган. Қолаверса режадан ортиғи уларнинг ризқи, бу ризқни қия олмайман.

— Очигини айтсам, сиздан бундай жавобни кутмаган эдик, — деди бироз асабий ҳолатда ҳокимлик вакили.

— Менинг ўрнимда сиз бўлсангиз, қандай йўл тўртингиз, ҳаммасига ваъда берганман, яхши ишлайлик, ҳосил қанча юқори бўлса даромадимиз ҳам шунча юқори бўлади, деб. Энди ер бизники, ундан чиққан ҳосил ҳам ўзимизники, деб неча бор айтганман. Ҳар кун радиодан, телевизордан бу гаплар такрорланиб туради. Ёддан қўтарилмасин, хўжалигимиз жамоаники эмас, деҳқон хўжалигиники, унинг ҳақиқий хўжайини шу ерга ишлов берганники, тер тўкканники, ўзга бирор кимсанинг ишларимизга аралашувига йўл қўйилмайди — давлатимиз бизга шундай деб ўргатмоқда. Агар билсангиз, мавжуд қонунларни бузмоқликка ҳеч кимнинг ҳадди йўқ.

Охириги сўзлар билан Иброҳим бу ҳақда гаплашиш ортиқча деган маънони таъкидлади.

Меҳмонлар оғринибгина ўринларидан турар экан, улардан қайси бирлари «афсус-афсус» деди. Хайрлашиш кутиб олишга нисбатан анча совуқ бўлди.

Бўлиб ўтган бу баланд-паст гаплардан ферма ҳодимлари воқиф бўлишди. Ўз раҳбарларига бўлган ишонч ортди, ҳурматлари ошди, кирои раҳбаринг шундай бўлса, сен учун кўкрагини қалқон қилишдан, ўзини ўтга-чўққа уришдан чўчимаса, дейишди.

— Биласизми, — дейди Иброҳим, — кишилар орасида шундайлари ҳам бор, ҳокимлик эшигига танда қўйиб ётиб оладилар, ер бер, деб талаб қиладилар, акс ҳолда устиларингдан ёзаман деб дўқ-пўписа қиладилар. Охири ер ҳам оладилар, ишловга келганда ҳаммаси қўл учида, қарабсизки экинзорни ёввойи ўт бос-

ган бўлади, ўшалар касофатига ҳўжалик оқсайди, туман судралади. Жонини жабборга бериб ишлаганлар ҳисобига режани ёпмоқчи бўлишади. Ўзингиз айтингчи, қани адолат, қани ҳақиқат?

Бу беш йил аввалги воқеа. Ўша йили оилавий пудратга ўтиладиган бўлди. Иброҳим иккиланиб турганлигини кўрган ширкат ҳўжалиги раиси Мамазўҳур Намозов далда берган бўлди:

— Иккиланмай олавер, худога шукур норғул ўғилларинг бор. Ўт босишидан чўцияпсан, ёрдам бераман.

Астойдил берилиб ишлашди. Ҳосил ҳам шунга яраша бўлди. Биринчи теримнинг ўзидаёқ пахта режаси уддаланди. Ўзинг учун ўл етим деганларича бор экан.

1997 йили ер эгасини топсин, дейишди. Шу боис деҳқон фермерлари тузила бошланди. Иброҳим 20 гектар ер олди. Шартнома 28 центнердан эди, аслида 32 центнердан ҳосил кўтарди. 1998 йилга келиб экин майдони 60 гектарга етди. Туман «Нуроний» жамғармаси ҳузурида ташкил этилган бу деҳқон ҳўжалигига «Фахрий азамат» деб ном беришди. «Ишимиз ҳам шу номга яраша бўлиши керак» деб тайинлагани-тайинлаган ҳўжалик ходимларига Иброҳим. Бундан икки йил аввал пахтага зараркунанда тушганида трактор тополмай роса қийналишганди. Ўшанда ният қилишди, худо бериб, ҳосилимиз мўл, даромадимиз мўмай бўлса, ҳаммадан аввал трактор сотиб оламиз, деб. Худойим ўша кунга етказди. Бугунги кунда фермер ҳўжалигининг ўз трактори, ўз культиватори, хатто тележжаси ҳам бор.

Мулкка эга бўлиш ҳисси одамларда ташаббус ва ғайрат уйғотмоқда. Кишилар то кўнгилларидаги юмушлар битмагунча даладан кетишмайди. Шунга яраша даромад ҳам ортиб бормоқда. Мана ўтган йилни олиб кўрайлик — соф фойда етти миллион сўмни ташкил этди. Бу миллионлар белга қувват, юракка ғайрат бағишламоқда. Ҳўжалик бошлиғи Иброҳим фермер деган ном олди.

Аслида Иброҳим бундан тўрт йил аввал пенсияга чиққан эди. Умри меҳнат билан ўтган бу инсон уйда ўралашиб қолишни ўзига эп билмади. Ўғиллари Абдулла, Акбар ва Бахтиёрларни олиб, яна далага чиқди. «Инсон қадри — меҳнатда» деб таъкидлайди у. Шу юрт иқтисодиётини кўтаришга баҳоли-қудрат ҳисса қўшаётганлигидан кўнгли фахр-ифтихорга тўлапти. Ўзи ҳам яхши даромад олапти, давлатга ҳам фойдаси тегаяпти. Эндиликда Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида-

ги Амир Темур ширкат хўжалигида бўлсангиз, «Фахрий азамат» деҳқон хўжалиги бошлиғи Иброҳим Мирзабеков тўғрисида барча оғзидан бол томиб гапиради, у бой фермер, бели бақувват, қурби ҳар нарсага етади, дейишади.

Ер ҳақиқий деҳқон қўлида бўлса у яйраб-яйраб мўл ҳосил беришини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатмоқда. Ширкатда ўртача ҳосилдорлик 28 центнер бўлса, фермер хўжалигида ҳали 32 центнердан паст ҳосил олинган эмас. Экин майдонлари шўр босган Мирзачўл ерларида бу кўрсаткич чакки эмас. Ғалладан эса 45 центнердан ҳосил ўриб-йиғиб олишмоқда.

— Фермангизнинг номи «Фахрий азамат», бунинг устига у «Нуроний» жамғармасининг туман бўлими ҳузурида ташкил этилган. Олаётган соф фойдангиздан камхарж, ёлғиз қарияларга мурувват кўрсатяпсизми? — деб аста сўраймиз.

Иброҳим жимиб қолди, ўйланди, сўнг хижолат бўлган киши сифатида аста гапирди.

— Энди, мен Сизга айтсам, фалончига уни бердик, пистончига буни бердик, десак бизга тўғри келмас, бундай сўзлаш мусулмончиликда хуш кўрилмайдди...

Мана шу сўзларда бу хокисор, камтар, умри меҳнатда ўтган кишининг бутун бўй-басти, маънавий қиёфаси ҳар қандай сўзларга қараганда яққолроқ гавдаланди. Ҳавас ила тикиламан унга. У майин жилмайганча қараб турарди менга — худди «ана шунақа гаплар», дегандек.

Кейинчалик ўғлидан сўрадим ўша мени қизиқтираётган гапларни. «Адамлар билмасин мен айтган гапларни» деб писанда қилгач, ярим-ёрти қилиб айтди. Ўз ҳудудларида истиқомат қилаётган ночор кишиларга 10—12 литрдан ёғ, 50—60 килограммдан кунжара, 100 килограммдан шулха тарқатилган. Фермер хўжалиги мактабни таъмирлашга баҳоли-қудрат маблағ ажратган, бугдойни қишлоқдаги аҳолига бозор нархидан уч баробар арзон нархга сотишади. Муҳтож кишиларга эса текинга беришади.

Қаранг, қанчалик саховат, қанчалик мурувват.

— Иброҳим акадан биз жуда миннатдормиз, — дейди «Нуроний» жамғармаси Сирдарё вилоят бўлими Кенгашининг раиси Абдусаттор Мухамедов. — Қарияларимиздан ҳамиша хабардор бўлиб турадилар, имкон қадар ёрдамларини аямайдилар. Хотира ва қадрлаш кунисида

дастурхон ёзиб, уларни сийлайдилар, совға-салом улашадилар. Отахон ва онахонлар бу фермер хўжалигимиз ишларига Худодан янада ривож тилайдилар.

Фариштадек беғубор қарияларимизнинг дуолари эса, албатта, ижобат бўлғай, иншооллоҳ.

ОТА БЕРГАН ТУМОР

«Оллоҳ олий ҳимматни яхши кўради ва яхши хулқларни ёқтиради»

Қизиқ, баъзан шундай ҳам бўлар экан, узоқ йиллардан бери қадрдон бўлиб келган кишинг ҳақида мавриди келиб сўз айтмоқлик зарурати туғилиб қолса қийин аҳволга тушиб қолар экансан. Мен Расулжон билан ўша — университетга ўқишга кириш даврида — 1949 йилда танишганман. Буни қарангки, шундан бери ярим асрдан кўпроқ вақт ўтибди. Худога беадад шукрки, ҳамон биргамиз, қувончимиз ҳам, ташвишларимиз ҳам ўртада. Бир-биримизга суяниб, бир-биримиздан мадад олиб яшаб келмоқдамиз. Яширмайман, дўстларим орасида Расулжондек инсон борлигидан фахрланаман.

Унинг бугун ҳаёт йўли кўз ўнгимда. Ўша — пойтахтнинг Сағбон кўчаси адоғидаги Ачаобод маҳалласидаги уйи, ота-онаси (худо раҳмат қилган бўлсин уларни) ҳамон кўз ўнгимда. Ўша айвондаги танчада ўтириб бирга дарс тайёрлаганларимиз, ёшларга хос жўшқинлик билан талашиб-тортишганларимиз ҳамон ёдимда. Оталарини Абдураҳмон домла дейишарди, ўқитувчи эдилар, оналари Нуриниса аяни эса маҳалладошлар эъозлаб отин ойи дейишарди. Дўстим шундай муҳитда дунёга келди, тарбия кўрди, вояга етди.

Талабалик йилларидаёқ Расулжон билими, хатти-ҳаракати, кишиларга нисбатан самимийлиги, илмга чанқоқлик, қандайдир қониқмасликдан бўлса керак муҳим олға интилиш каби хислатлари билан бошқалардан ажралиб турарди. Ўша пайтда филология факультети ҳузурида журналистика бўлими очилган бўлиб, биз унинг илк тингловчилари эдик. Орадан икки йил ўтса ҳамки ўша пайтдаги иборамиз билан айтсам журналистикадан «ж» ҳарфи ҳам ўтилмади.

— Масалани бу тахлитда ташлаб қўйиб бўлмайди, тегишли раҳбарлар билан учрашиб, уни ҳал этмоқ дар-

кор, акс ҳолда нўноқ мутахассис бўлиб етишамиз, — деганлардан бири дўстим Расулжон эди.

Кафедра, факультет раҳбарларига бу ҳақда оғиз очсак: «Сизнинг соҳангиз бўйича Республикада мутахассис йўқ, биринчи қадирғоч мутахассис сизлар бўласиз», деган жавобни айтишди. Университет ректорига учрашдик. Ундан ҳам худди шундай жавоб олинди.

Ёшларга хос қоникмаслик хислати тинчлик бермасди бизга. Хуллас, ўш пайтда энг юқори идора — мафкура бўлими мудир ҳузурига бордик. Аҳволни тушунтирдик, бошқалар қатори Расулжон ҳам куйиб-пишиб гапирди. Хуллас, жумбоқнинг ечими топилди — энг кўзга кўринган журналистлар бизга соатбай дарс беришадиган, амалий машғулотлар ўтказадиган бўлишди.

Шу биргина мисолнинг ўзидаёқ Расулжон масалаларга қай даражада жиддий ёндошиши, масъулиятни қай ҳолатда чуқур ҳис этиши ҳар қандай сўзларга қараганда ҳам яққолроқ кўриниб турибди.

Расулжон университетни имтиёзли диплом билан тугатди, сўнг Республиканинг ўша пайтдаги отахон газетаси «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») таҳририятига ишга келди. Ундаги изланувчалик, тезкорлик, масаланинг моҳиятини очиб бериши, долзарб мавзуларни кўтариб чиқиши, дадиллик хислатлари туфайли тезда жамоа ўртасида кўзга ташланиб қолди. Унинг ўша пайтларда кетма-кет чоп этилган «Оқпадар», «Онажонингни унутдингми?», «Ҳаётда яхши ном қолдир» каби муаммоли қатор мақолалари, «Ёруғ жаҳон», «Чироқлар ўчмайди» сингари очерклари муаллифга катта обрў-эътибор келтирди. Бу ижод маҳсуллари ўқувчини бефарқ қолдирмади, улар юзасидан газетхонлардан юзлаб хатлар олинди. Ҳали ҳам, орадан шунча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам, биз — унинг ҳамкасб тенгдошлари ўша кунларни ҳаяжон билан эслаймиз.

Кўп ўтмай унинг садоқат билан қилаётган меҳнатлари юксак тақдирланди — бирга ўқиган тенгдошлари орасида биринчи бўлиб «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» деган фахрий унвонга сазовор бўлди. У таҳририятда қатор бўлимларга раҳбарлик қилди, таҳрир ҳайъатининг аъзоси бўлди. Кейинчалик ундаги фазилатларни ҳисобга олиб, раҳбарлик ташкилотдаги масъул вазифаларга тайинладилар. Қаерда ишламасин қўлидаги қаламни ташламади, тинмай излан-

ди, ижод этди. «Бизнинг маҳалла», «Қалб қўшиғи», «Зафарнома», «Нурли манзиллар», «Садоқат» каби очерклар тўғламлари ҳамда ҳужжатли қиссалар унинг қаламига мансубдир.

Республика телевидение ва радиоэшиштиришлари Давлат қўмитаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган йиллари «Қора кўз», «Наврўз», «Иброҳим Мўминов», «Нур улашиб» деб номланган радиодрама ва радио пьесалари тингловчиларда катта таассурот қолдирганди. Айни пайтда «Машғал» деб аталган ахборот-мусиқа радио станцияси, «Дуторчи қизлар» ансамбли, «Табаррук замин», «Қўшиқчи шоирлар — радио меҳмони» каби туркум эшиштиришлар унинг сайъ-ҳаракати билан дунёга келган.

Кейинчалик Расулжон бир вақтлар ўзи ижодий фаолиятини бошлаган газета — «Ўзбекистон овози»га бош муҳаррир этиб тайинланди. Нашр мундарижасини бойитиш, ижодкорлар ташаббусини ошириш, долзарб мавзуларни қўтариб чиқиш борасида қатор тadbирларни амалга оширди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Халқ депутати сифатида катта жамоат ишларини олиб борди.

Худойим унинг зуваласини тиниб-тинчимас қилиб яратганга ўхшайди. Табаррук ёшда бўлса ҳам ҳамон ўша ғайрат, ўша қатъият билан меҳнат қилмоқда, ҳамон одамлар орасида. У Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раисининг жамоатчи ўринбосари, «Маҳалла» Республика газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари. Катта оиланинг сарбони, ўғил-қизлари ўзларига яраша эл хизматида.

Мен дўстимдан етмиш йилдаги энг қувончли ва энг қайғули кунини сўрадим. Ўзига хос сохтагарликни билмаган қадрдоним, ўйлаб туриб дилида борини тилига чиқарди.

— Кенжа фарзанд бўлганимданми отам ҳам, онам ҳам қўлимда омонатларини топширишган. Халол гапирсам, ёдимда қолган, умрим поёнигача унутилмас қувонч ҳам, аянч ҳам ота-онамнинг сўнгги нафасларида айтган сўзлари билан боғлиқ.

Уч акам, биласиз иккинчи жаҳон урушида шаҳид бўлишган, оилада ёлғиз ўзим қолганман. Отам вафотлари олдидан, тонг саҳарда оҳиста уйғотиб дедилар:

— Ўқийвергин, кам бўлмайсан. Акаларинг урушдан қайтмади. Ҳамма умидим сендан. Аждодларим олдида, эл-улус олдида юзимни ёруғ қиладиган фарзанд бўлдинг.

Мен сенга ишонаман. Ёлғизнинг ёри Худо. Мингдан-минг розиман. Мана бу тумор сенга. Онангларга билдирма...

Оллоҳга илтижо қилиб, кўз юмдилар.

Шунда айрилиқдан эзилсам ҳам, ишончларидан қувонганман, шажарамизнинг ҳидоят йўлида бардавомлиги учун ўзимни бахшида этганман.

Орадан ўн йил ўтди. Онам бетоб бўлиб, ётиб қолдилар. Шу орада отам берган туморни янги ғилоф қилиш ниятида очдим. Унда акаларимни урушда ҳалок бўлганлари ҳақидаги «қора хатлар» экан.

Онамни аяб, отам уларни билдирмай, тумор қилиб бағриларига босиб ўтган бўлсалар, мен ҳам онамнинг «Акаларинг келади!» деган умидларини йўққа чиқармадим. Онам вафот этарканлар сўнгги сўзлари ҳам шу бўлди: «Кутгин, акаларинг келади!».

Дўстим жимиб қолди, эҳтимол унинг хаёлидан ўша кунги воқеалар барча тафсилотлари билан ўтаётгандир. Расулжон бир хўрсиниб олди-да сўзида давом этди:

— Онамнинг гапларини қилиб, йўлга чиқдим. Самғ акамнинг хокини Белоруссиянинг Могилев вилоятидаги ўрмонга ўрнатилган ёдгорлик пойидан, Ҳаким акамникини Украинанинг Тельман қишлоғидаги номлари ёзилган лавҳа остидан, Раҳим акамнинг сўнгги хатлар келган Польшанинг Белосток шаҳридан тупроқларини олиб келиб, ота-онам қабри пойига «дафн» этдим. Акаларим, онам айтганларидек, бағриларига қайтгандек, ўзимни енгил ҳис этдим.

Ўқишларни тугатиб, ҳалол меҳнат қилиб, мартабalar насиб этиб, фарзандлар даврасида ўтирган пайтимизда, уйлари яна гавжум бўлганини кўролмай, фарзанд доғида барвақт оламдан ўтганларини эслаб, куйиб ёдлаганим ҳамон эсимда. Қолган хурсандчиликларим ҳам, хафагарчиликларим ҳам ўткинчи ҳаёт ташвишлари, ҳаминша бўладиган муаммолар сирасидан деб биламан...

Менга қолса дўстимни журналист-публицист, ёзувчиликдан ташқари яна маҳаллашунос деб атаган ҳам бўлардим. Ҳозирги пайтда у хизмат қилаётган ташкилотлар номини юқорида санаб ўтдим. «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда Республика оқсоқоллар кенгашига доир расмий ҳужжатларни тайёрлашда фаол қатнашади. Шу маънода уни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан маҳаллашунос деса бўлади. У маҳаллалар фаолияти билан боғлиқ бу жойларга шунчаки, фалак гар-

дишининг айланиши билан келиб қолмаган. У ўзи туғилиб, вояга етган «Ачаобод» маҳалласида жуда узоқ йиллар маҳалла қўмитаси раиси бўлиб ишлади. Кишилар эътиборидан четда бўлган бу ҳудудни обод қилди, кўпгина қурилишларни аҳолини жалб қилган ҳолда ҳашар йўли билан амалга оширди. Урушда ҳалок бўлганларнинг хотира майдони, икки юз кишилик клуб ўша пайтларда барпо этилганди. Маҳаллада тинчлик, тотувликни таъминлаш, безорилик, жиноятчиликни тугатиш борасида амалга оширилган ишлар эл оғзига тушди. Тажриба ўрганиши бу жойда йиғилишар, семинарлар ўтказилди.

Ўша даврда халқ ўртасида «Ако Расул омонмилар» деган ибора кенг оммалашиб кетганди. Бу гапнинг келиб чиқиш сабаби ҳам жуда қизиқ. Хизматданми, хислатданми, билмадим, аҳоли унга ихлос қўйганди. Шу ихлоснинг нишони сифатида қуйидаги воқеа юз берди.

Маҳаллада ўзбеклар қатори лўлилар ҳам яшайди. Никита Хрущев ишдан олинган кезлар эди. Расулжон ўша пайтда Марказқўмда ишларди. Топшириқ билан Туркменистонда экан, кўринмай қолган. Пленум қарорини, Хрущев вазифасидан озод қилинганлигини тушунтириш учун бошқа корхона, идора ва маҳаллалар қатори бу ҳудудга ҳам тарғиботчилар келибди. Вакиллар аҳолини тўплаб, Пленум қарорини, кимлар политбюро аъзолigidан четлатилганини тушунтираётган экан, бир одам шартта ўрнидан туриб, узр айтиб, сўраб қолибди: «Уларни қўйинг, бизларга алоқаси йўқ, Расул Раҳмонов омонми, ўз жойидами?» деб. Тасдиқловчи жавобни олгач, «Ока Абдурасул омон бўлса бўлгани, бизнинг бошқаси билан ишимиз йўқ» деб, кўнгли таскин топиб, сўнг ўтирган экан.

Мана шунақа гаплар бўлиб ўтганди. Бирор кимсани эл қабул қилгани — бахт кулиб боққани. Одамлар деб яшаган киши кам бўлмайди. Инсон учун энг олий мукофот — бу кишилар меҳри. Дўстимга одамлар шунчалар оқибат кўрсатишибдими, демак Расулжон улар қалбини, меҳрини қозонган. Бундай бахт ҳам ҳар кимсага насиб этавермайди.

Бўйнимда шу дўстим олдидаги бир қарзим бор, мавриди келганда айтмасам бўлмас. Ўша саксонинчи йилларнинг ўрталаридаги оммавий қатағон мени ҳам четлаб ўтмади. Авжи қўни-қўнжим тажрибаларга бойиган, ақли-ҳушим етилган бир паллада — эллик беш

ёшимда йўқ жойдан хато топиб, ишимдан четлатдилар. Ш. Рашидовнинг барча кадрлари айниган, порахўр деб чор атрофга жар солдилар. Жамиятда бўлаётган лўтти-бозликларни кўриб, ёқа ушлардик. Мен онгли равишда фаол журналистик фаолиятдан ўзимни четга олдим. Олти йил мобайнида — 1985—1991 йиллар давомида касбим журналист бўлатуриб, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, олти қаторли хабар ҳам ёзмадим. Сабаби аниқ — журналистик фаолият сиёсат билан боғлиқ, хатто кичик хабарда ҳам ўша даврдаги ўтказилаётган йўл маъқулланиши керак. Мендаги юрак, виждон халқ, миллат оёқ ости қилинаётган сохта сиёсатга қарши қаттиқ исён кўтараётганди. Пана-пастқам жойларда, шунчаки кун ўтказиш ниятида ишлаб юрганлигимнинг асосий сабаби ҳам шунда эди.

Мана шундай кайфиятда пенсияга чиқдим, талашиб-тортишиб, ишлайвермайсизми, уйда нима ҳам қилардингиз, дейишди. Руҳият шундай эдики, кўнгил ёлғизликни қумсарди.

Шундай кунларнинг бирида дўстим Расул Раҳмон ҳол-аҳвол сўрагани уйимга келди. У ўша пайтда «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири эди.

— Дам олиб бўлдингизми? — деб сўради.

— Бугун ўн кун бўлди, — жавоб бердим мен.

— Бўлади, шунинг ўзи етарли, қани отланинг, кетдик, — деди.

Ҳеч нарсадан хабарим бўлмаганлиги учун ҳайронман.

Таҳририятга келгач, истаган бўлимнингизни танланг, дейишди. Аввалги куч-қувватим йўқлигини айтдим, менга кичикроқ бир иш берсаларингиз бўлади, дедим. Жавоб шундай бўлди: бизга сизнинг кучингиз эмас, тажрибангиз керак. Бундай қилсак, 13 вилоят мухбирлари бор. Шуларга оқсоқоллик қиласиз. Алоҳида хона, телефон берамиз, ўшаларга биздан, бўлимлардан бўладиган топшириқларни етказиб, ижросини назорат қилиб борасиз. Навбатчи бўлмайсиз.

Шундай қилиб десангиз, вилоят мухбирлари шўъбасини беришди. Ўша пайтда — тўқсонинчи йилнинг охирлари, тўқсон биринчи йилнинг бошларида истиқлол ҳақидаги орзу уруғлари ниш уриб, палак ёзабошлади. Ижодкор сифатида қайта тирила бошладим. Буларнинг бари қадрдоним Расул Раҳмон туфайлидир. Истиқлолга эришилгач, қўлфи дилим очилиб кетди. Мустақиллик менга берган иноят, ҳеч бир нарса би-

лан ўлчаб ҳамда солиштириб бўлмайдиган руҳ, яратини ва ижод этиш кайфияти ўз меваларини бера бошлади. Оддий хабар ёзмай қўйган бир қаламқаш худди шу таҳририятда Шароф Рашидов ҳақидаги хотиралар — «Эл отаси эди» китобини яратди. Расулжон ушбу рисоламга сўз боши ёзиб берди.

Хуллас, дўстим ҳақида сўзлайман десам гап кўп. Илло худди шу ерда нуқта қўйиш фурсати етди чамамда. Зеро юқорида айтилганларнинг ўзи ҳам Расул Раҳмон қандай ижодкор, қандай ташкилотчи ва энг муҳими қандай Инсон эканлигини кўрсатиб турибди. Шундай одамларнинг умри узоқ бўлсин.

МЕҲРДАН ЯШНАЙДИ ИНСОН

*«Савоб ишни ҳар ким,
ҳар кун қилиши керак»*

Қариялар гурунги авжига чиққан пайтда даврага Абдуваҳоб ота келиб қўшилдилар. Ҳол-аҳвол сўрашгач, суҳбат давом этди.

— Менимча, — деб гапини давом эттирди Раҳмон-али ота, — гар саломатликни берса, муддао кам-кам эрур, деганлари ҳақ гап. Ҳаммамизнинг ҳам турмушдан нолийдиган жойимиз йўқ. Шундай кунларга етказганига беадад шукур. Аммо, то ётиб қолгунча инқилаб юрмасдан, вақт-вақтида даволаниб туриш лозим.

— Тўғри, жуда тўғри, — дейишди даврадагилар.

Раҳмонали отанинг гапи кўп қатори Абдуваҳоб Жалиловни ҳам ўйлантириб қўйди. Бу киши «Нуроний» жамғармасининг Боғдод тумани бўлими раиси, қариялар ҳолидан ҳаминша хабардор бўлиб туриш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан мадад беришни бевосита хизмат вазифаси, бурчи деб қарайди.

Абдуваҳоб ота шу кун туман марказий шифохонасини айланиб кўрди. Шунда бир хонани фахрийларга ажратсак, унда телевизор бўлса, телефон ўрнатиб берсак, яхшилаб жиҳозласак, кўнгилдагидек даволаш учун кам-кўстига ёрдам берсак — дилига келган бу фикрдан ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетди. Бош шифокор ҳузурига кириб, ниятини айтди. Таклиф у кишига жуда маъқул тушди.

— Ўша хона эшигига «Нуроний» жамғармасининг

туман бўлими шифохонаси», деб ёзиб қўямиз, энг яхши мутахассисларимизни шуларга ажратамиз, — деди у. — Қариялар ғанимат, қолаверса, ҳаммамиз ҳам бир-биримизга ғаниматмиз, инсондан қоладигани яхшилик, эзгу ишлар.

Хуллас, шифохона билан жамғарма бўлими раҳбарлари катта ихлос билан энг шимариб ишга киришиб кетдилар. Хона дид билан жиҳозланди.

Абдуваҳоб ота бўлим кенгаши аъзоларини йиғиб, фахрийлар даволанадиган хона тайёр бўлганлигини айтди, айна пайтда кимларга йўлланма берамиз, қарияларимиздан ким кўпроқ муҳтож бунга, деган саволни ўртага ташлади. Фикрлашишди ва энг ёши улуглардан бошлайлик бу савоб ишни, деган тўхтамга келишди.

Дастлабкилардан бўлиб уруш ва меҳнат фахрийларидан Матқулобод қишлоғидан Маматқодир Хидиров ҳамда Қорачитол қишлоғидан Маҳмуджон Эргашевни ана шу хонага жойлаштиришди. Яратилган шароитни кўрибоқ уларнинг диллари яшариб кетди.

Жамғарманинг Фарғона вилоят бўлими раиси, узоқ йиллар кишилар билан мулоқотда, ташкилий ишларда бой тажриба тўплаган Усмонали Бегматов атайлаб келиб, даволанаётганларнинг ҳолидан хабар олди, улар билан дилдан суҳбатлашди. Қариялар шу қадар тўлқинланиб гапирдиларки, бу ҳолат раисга ҳам кўчди. Ва шу ернинг ўзида «нима учун бошқа туманларда ҳам бу савобли ишни йўлга қўйиш мумкин эмас?» деган фикр туғилди унинг кўнглида. Кўп ўтмай вилоятдаги барча туман бўлимларининг раислари таклиф этилиб, Богдодда ҳудудий семинар-кенгаш ўтказилди, жойнинг ўзида иш қандай ташкил этилганлиги кўрсатилди.

Шу-шу бўлди-ю, Усмонали Бегматов қайси туманга борса, маҳаллий раҳбарлар билан учрашиб, дилида пайдо бўлган ниятини айтадиган бўлиб қолди.

— Буни қаранг, — дейди у, — савобталаблар биз ўйлагандан ҳам кўпроқ экан. Ёзёвондаги марказий шифохонада жамғарма ихтиёрига бир эмас, икки хона ажратишди — бири отахонлар учун, иккинчиси эса онахонларга. Бувайдада ҳам шундай қилишди. Учкўприкликлар ҳимматни янада баланд олдилар — улар уруш ва меҳнат фахрийлари учун уч хона ажратишди.

Яқинда Қўқон шаҳрида бўлдим. У ерда ҳам фахрийлар учун алоҳида жойлар тайёрлашяпти. Бу хоналар, дейишибди маҳаллий раҳбарлар, ҳамма ҳавас қиладиган даражада бўлади, хоналаридаги барча-барча нарса-

лар энг нозик дидли кишининг ҳам талабига мос келадиган бўлади.

— Ҳиммати баланд кишилар омон бўлсин, — дейди мамнун ҳолда Усмонали ака, — шулар бор экан, эзгулик деб аталмиш ноёб хислат туп қўйиб, палак отаверади.

* * *

Топиболди ака режаларни кўздан кечириб ўтирганди. Тунов куни ётиб қолган икки қарияни бориб кўришди, кўнгил сўрашди, бундайроқ бўлса ҳам совға-салом топширилди. Қанчалар хурсанд бўлишди, кўнглидан ўтказди у.

— Бизга қандай хизмат бор? — деб сўрашди.

— Йўқлаганларингни ўзи энг зўр даво, кўнглимиз тоғдек кўтарилди, ҳимматларинг биздан қайтмаса худодан, бола-чақаларингиздан қайтсин, — дейишди кўзда ёш билан.

Қизиқ, кишининг ёши ўтиб боравергач кўнгил ҳам бўшашиб қоларкан, заррага бориб келаверади-я, товаба...

Анави паст кўчадаги Баҳром ота тўй-ҳашамларда, маъракаларда кўринмай қолди, тинчликмикан, хаёлидан ўтказди Топиболди ака.

Буни қаранг худди шу пайт эшик очилиб, Баҳром отанинг ўзлари кириб келдилар. Кучоқ очиб кўришдилар.

— Ҳизирни йўқласам бўларкан, отахон, шу топда хаёлимдан ўтдингиз. Бу дейман, кўринмай қолдилар, бир бориб, ҳол-аҳвол сўраб келсакмикан, деб тургандим шу топда.

— Раҳмат ўғлим, бу кексаликнинг, ношукурчилик бўлмасин-у, унча-мунча инжиқлиги ҳам бўларкан. Шу десанг бу оёқ қурғур қимирлама, дейдиган бўлиб қолди. Ўтиб кетар десам бўлмапти. Кампирим гувала қиздириб беряпти, андек нафи теккандек бўляпти, илло кечга бориб яна аҳвол ўша. Бир «Чимён» сиҳатгоҳида даволансам десам, сендан яшириб нима қиламан, қўл калталиқ қиляпти. Шунга маслаҳатга келгандим...

Топиболди Холдоров — Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Фарғона тумани бўлими раиси. Эртадан кечгача кўнглида гапи бор қария шу ерга нажот излаб келади. Уларнинг ҳар бирига ўзига яраша ҳурмат-эътибор кўрсатилади. Ҳозир эса Баҳром отанинг дардига малҳам то-

пиш ўйида раис хаёл суриб қолди. Чунки жумбоқнинг ечими анча мушкул эди.

— Отахон, ҳозир сиз кетаверинг, биз ўйлаб кўрайлик, ажаб эмас бир йўли чиқиб қолса...

Эртаси кун раис тўғри «Чимён» сиҳатгоҳига йўл олди. Бош ҳаким Каримжон Раҳмонов масалани диққат билан тинглади.

— Ахир, ҳаммамиз инсонлар учун деб яшаяпмиз, савоб деган ноёб мукофоти бўлади бу ишингизни...

Хуллас, икки кундан сўнг Баҳром ота сиҳатгоҳга жойлаштирилди. Йўлланма у киши учун текинга берилди. Бу ишдан Каримжоннинг ҳам, Топиболди аканинг ҳам кўнгли кўтарилди, Баҳром отанинг дуоси уларни осмоннинг еттинчи қаватига олиб чиқди. Шу воқеа туртки бўлди, ҳар ҳолда Каримжонда янги фикр туғилди.

— Йилнинг ҳар чорагида бир қарияни, йил мобайнида эса тўрт кишини бепул даволашга қабул қиламиз. Тавсия сиздан, парвариш биздан, — деди у.

Топиболди ака ўзида йўқ хурсанд ҳолда туман ҳокими Тўлқинжон Эгамбердиев ҳузурига ошиқди.

— Ҳақиқатдан савоб иш қилибсизлар, — деди ҳоким. — Туманимизда яна «Зилол», «Парвоз», «Темир йўлчилар» каби саккиз сиҳатгоҳ бор. Улар раҳбарларини чақириб, шу масалани қўйсакчи...

Қаранг, уларнинг барчаси бу савоб ишга тайёرمиз, дедилар. Туманда саккизта сиҳатгоҳ бор, уларнинг ҳар бири йилига тўрт отахон ва онахонни бағрига олса, туман бўйича бепул даволанадиган қариялар 32 киши бўларкан.

Юқорида ҳикоя қилганимиз «Нуроний» жамғармасининг туман бўлими амалга ошираётган эзгу амалларидан бири. Боқувчиси йўқ ёлғиз қариялар, бетоб бўлиб ётиб қолганлар алоҳида эътиборда турибди. Вақт-вақти билан уларга ҳам моддий, ҳам маънавий мадад берилиб турибди, баъзиларига пул, баъзиларига эса озиқ-овқат маҳсулотлари, рўзгор буюмлари тарқатиляпти, яхши кунларда йўқлаб, икки оғиз ширин сўзларини аямаяптилар. Айни пайтда ҳокимлик кўпни кўрган тажрибали қарияларни тўплаб, уларни туманда амалга ошириладиган тadbирлар билан яқиндан таништирмоқда, навбатдаги вазифаларни бажаришда улардан тавсия ва маслаҳатлар олинмоқда. Бундай йўл тутиш оқсоқоллар кайфиятини кўтаришда яхши омил бўлиб хизмат қилмоқда. «Биз ҳали ҳам керак эканмиз, маслаҳат сўраш-

япти, сўзимизга қулоқ тутишяпти, инобатга олишяпти» деб кўнгиллари кўтарилмоқда. Айни пайтда эл ўрта-сида катта обрў-эътибор топган қарияларнинг юбилей кунлари катта шоду хуррамлик билан нишонланмоқда. Хуллас, шундай йўл тутиляптики, тумандаги бирор кекса эътибордан четда қолмаяпти. Бунга жавобан қариялар инсонпарвар кишиларни эртаю кеч дуо қилмоқдалар.

* * *

Ўшанда маҳалла фуқароларининг йиғилиши бўлаётганди. Қариялардан бири — Болта хожи ота сўз сўраб қолди.

— Кўрдингларми, — деди қўлидаги бир даста бугдойни мажлис аҳлига кўз-кўз қилиб, — ахир яхши ният билан ерга уруғ қадаган эдим. Ёмғир кам бўлди, ариқдан сув келмай қолди, энди етилаётган пайтда қуриб қолмоқда. Қишлоқда яшаса-гу, томорқамиз сув кўрмаса, бу қандай гап, тирикчилик, рўзғор нима бўлади? Бундай аҳвол бир менда эмас, бутун маҳаллада шундай. Ҳамма томошабин бўлиб тураверса, натижаси нима бўлади? Таклифим — кўплашиб бош қўшайлик, биз учун жуда муҳим бўлган бу жумбоқни биргаликда ечайлик. — У шу ерда ҳозир бўлган туман ҳокимлиги вакилларига қараб мурожаат этди: — Ёрдам беринглар, сизлар ҳам, савоб бўлади.

Болта хожи ота Исоқов маҳалланинг кўзга кўринган фаолларидан бири, кўп ишларга бош-қош бўлиб юради, айниқса қабристонларни ободонлаштиришда хизматлари катта, обрў-эътибори баланд, дангалига шартта-шартта гапириши ҳам бежиз эмас. Унинг гапини ҳамиша инобатга олишади.

Эртасига Ёзёвон туманидаги «Иттифоқ» маҳалласи фаоллари йиғилиб, кеча кўтарилган муаммони ҳал этиш йўллари ҳақида маслаҳат қилишди. Тумандаги тегишли ташкилотлар вакиллари иштирокида сув келадиган ариқни бошдан оёқ кўздан кечиришадиган бўлишди. Гуруҳга маҳалла оқсоқолининг ўринбосари, «Нуроний» жамғармасининг шу ердаги жамоатчилик марказининг раиси Раимберди Мамасайдовни раҳбар этиб тайинлашди. 7 километрга яқин ўша ариқни бошдан охиригача синчиклаб кўришди. Кейинги уч-тўрт йил мобайнида ҳеч бир кимса қиё боқмаган ариқ аҳволига, у турли чиқиндилар, хас-чўп, чиринди, лойқа билан тўлиб кетган, умуман сув йўли бекилиб қолган.

Эртаси куни маҳалла аҳлини йиғишиб, аҳвол ту-

шунтирилди, хашар уюштиришга келишилди. Туман сув хўжалиги ташкилоти кўп меҳнат талаб қилинадиган жойларга бульдозер ва трактор ажратди. Ўша куни барвақт беш юзга яқин маҳалладошлар кетмон ва белкурак кўтариб хашарга чиқишди. Бу каби сафарбарлик барчанинг руҳини кўтариб юборди. Болта хожи Исоқов, Олим хожи Соттиев, Эгамберди Сувонназаров каби оқсоқоллар ёшларга бош бўлишди.

— Кўпдан қуён қочиб қутилмас, деганлари рост экан, — дейди Раимберди Мамасайдов мамнун ҳолда. — Бунни қаранг, кеч соат бешларгача барча ишларни тугалладик. Етти километрга яқин ариқ кўнгилдагидек қилиб тозаланди. Маҳалла ариқларида яна шарқираб оби-ҳаёт оқа бошлади. Сув бор жойга файз киради, ҳамма хурсанд. Эндиликда шунга келишиб олдик — ҳар баҳор маҳалла аҳли ариқ тозалашга чиқади. Бу деган сўз хонадонлар томорқаси гуллаб яшнайдди, рўзғорга кут-барака киради.

Юқорида келтирилган мисол маҳалла билан «Нуроний» жамғармаси бошланғич ташкилотининг ҳамкорликда амалга ошираётган кўпдан кўп хайрли ишларидан бири. Ҳозирги пайтда маҳалладаги ёшларни иш билан таъинлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Раимберди ака Марғилон ипак комбинатига бориб, унинг раҳбарларига учрашди, маҳаллада ишсиз юрганлар борлигини айтди, уларни корхона ўз қучоғига олипини илтимос қилди. Унинг елиб-югуришлари бесамар бўлмади — йигирмага яқин эркак-аёллар ишга жойлаштирилди. Бунни қаранг, ҳар куни эрта билан комбинатдан ишчиларни олиб кетгани автобус келади. Мактаб ёшигача фарзандлари бор аёллар болаларини ҳам ўзлари билан олиб кетадилар — улар ўша ердаги боғчада тарбияланадилар. Кечқурун яна ўша автобус уларни маҳаллага келтириб қўяди.

Хуллас, ҳамкорлик — маҳалла ва «Нуроний» жамғармасининг бошланғич ташкилоти ўртасида бамаслаҳат билан олиб борилаётган тадбирлар яхши самар бермоқда.

* * *

Содиқжон ака телефонда ким биландир гаплашаётган эди. Хонага Карим ота кириб келди. Гўшакни жойига қўйгач, ўрнидан туриб отахон билан илиқ кўришди.

— Бу дейман, отахон, камнамо бўлиб қолдилар. Тунов куни бир хол-аҳволингизни сўраб қўяй, — деб телефон қилсам жавоб бермади.

Ота бироз хижолат бўлиб, гапни нимадан бошла-сам экан, деб ҳийла ўйланиб қолди. Сўнг деди:

— Симины узиб қўйишибди, ҳайрон бўлманг, айб-дор ўзимиз, хизмат ҳақини вақтида тўламаганмиз. Со-диқжон иним, аслида шу масалада маслаҳатга келган-дим, беш-олти ойга қарздор бўлиб қолибмиз. Сиздан нимани ҳам яшираман, бир йўла тўлашга қўл калта-лик қиялпти...

Содиқжон Хожаматов «Нуроний» жамғармаси Фар-ғона вилояти Ёзёвон тумани бўлинмасининг раиси. Ҳар куни қариялардан кимдир бирор масала юзасидан унга мурожаат этиб келади. Уларнинг муаммоларини ечиб, кўнглини олмоқ ниятида астойдил бош қотиради, елиб-югуради. Бу гал ҳам шундай бўлди. Туман алоқа бўли-ми бошлиғи билан гаплашди. Маълум бўлишича, пен-сиядаги қариялардан яна анчагинасида ҳам аҳвол худ-ди Карим отаникидай экан.

— Мени тўғри тушунинг, Содиқжон ака, — деди бошлиқ телефонда, — қоида шундай, уч ойдан ортиқ вақт мобайнида хизмат ҳақини тўламаган кишининг телефони узиб қўйилади.

— Шундай қилсак, ука, — деди Содиқжон ака унга жавобан, — пенсионерлардан неча киши қачон-дан бери ҳақ тўламаган, уларнинг умумий қарзи қан-ча, шуларни ҳисоб-китоб қилиб беринг, биз тўлаймиз ўша қарзларни.

Бу гапларни тинглаб ўтирган Карим отанинг юзи ёришиб кетди, дуо қила-қила хайрлашди.

Ҳисоб-китоб қилишди. Буни қаранг, тома-тома қўл бўлур деганларидек, қарзлар роппа-роса 54 минг сўм бўлибди. 26 пенсионерда аҳвол шу экан. Содиқжон ака тезда шу миқдордаги пулни тегишли ташкилот ҳисо-бига ўтказиб берди. Эртасигаёқ узиб қўйилган теле-фонлар яна жаранглаб ишлай бошлади.

... Қариялардан икки киши жамғарма идорасига ва-кил бўлиб келиб, дилларини ёришди. Уларнинг айти-шича чорва учун ем топиш бир оз мушкуллашиб қолиб-ди. Пенсияга чиққан киши борки, уйда чорва асрай-ди, ҳам эрмак, ҳам рўзғорга барака. Қишлоқда яшаб туриб шу ишни қилмаслик инсофдан эмас. Содиқжон ака у ёққа югурди, бу ёққа югурди, 34 минг сўмлик ем ундирди. Уни 128 нафар кексага бепул тақсимлаб бер-

ди. Ярим гектар ерга бугдой экишган эди, уни ўриб олиб, ўрнига шоли экишди. Олинган ҳосилнинг бари қарияларга тақсимлаб берилди. Камхарж оилаларга 297 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Улар орасида гўштдан тортиб ёғ, сабзи ва ҳатто рўзгор учун совун ҳам бор эди.

Ўтган йили туман ҳокимлигининг қарори билан жамғармага яна саккиз гектар ер ажратиб берилди. Шартнома асосида бу майдон ижарачиларга берилди. Бугдойдан гектар бошига 30 центнердан ҳосил олинди. Олинган даромад 1 миллион 170 минг сўмни ташкил этди. Боғ ва полиз майдонларидан олинган даромад ҳам чакки бўлмади.

Ҳуллас, ҳомий ташкилотлар қачон пул ўтказаркин, деб кўз тутиб ўтириладиган даврлар ўтиб кетди. Эндиликда жамғарманинг туман бўлинмаси жойларда тузилган 29 та жамоатчилик марказларига таянган ҳолда, айти пайтда улар ташаббусини ошириш йўли билан фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини янада жонлантirmoқда. Жамғарма ихтиёрида новвойхона, тегирмон, сартарошхона, пахта титиш цехи бор. Воситачиликдан дурустгина даромад олинmoқда. Жамғармага 27 та ҳомий ташкилот бириктирилган. Илло, уларнинг ҳаммаси ҳам эҳсон тўлаяптилар, деб бўлмайди.

Ҳайрия ишлари асосан даромадлар эвазига амалга оширилmoқда. Ўтган йили ана шу мақсадларга 300 минг сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди. Ўн ва ундан ортиқ фарзандларни вояга етказган онахонлар тўкин дастурхонга таклиф этилди. Уларнинг ҳар бирига икки минг сўмлик рўмол совға этилди. Юз ёшдан ошган онахонлар уйларига бориб, зиёрат қилинди, уларга турли хил совға-саломлар тортиқ қилинди.

Шундай қилиб Ёзёвонда «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак», деган даъват халқ орасига тобора чуқур сингиб бормoқда.

* * *

Орадан ўн ой ўтди. Усмонали Бегматов билан яна учрашдик. Ўтган даврда қандай ўзгаришлар юз берилганлиги билан қизиқдик.

— 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинганлиги зиммамизга катта масъулият юклади, — деди у. — Биз ўз фаолиятимизни танқидий қайта кўриб

чиқдик ва олдимизга қўйилаётган юксак вазифалардан келиб чиқиб, махсус дастур ишлаб чиқдик. Ҳозирги пайтда унда белгиланган тадбирлар бирин-кетин изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Маълумки, жамғармамиз нодавлат ташкилот, у ўзини ўзи маблағ билан таъминламоғи лозим. Хайрия ишларимизнинг қўлами эса асосан маблағга бориб тақалади. Шу боис ҳозирги пайтда ҳўжалик ишларига эътиборни кучайтиряпмиз. Бу борадаги фаолиятимиз маҳаллий раҳбариятлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланаётганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим.

«Нуроний» жамғармаси Фарғона вилоят бўлими Кенгашининг раиси Усмонали аканинг айтишига қараганда ҳозир улар ихтиёрида 200 гектар ер бор. Шундан 68 гектари боғ, 76 гектарида деҳқончилик қилинади, 25 гектар ерда эса жамғарма ихтиёридаги фермерлик ҳўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Бу йил Учкўприк туманида 6,5 гектар майдонда янги боғ ташкил этилди. Унга туман ҳокимининг қарори билан «2002 йил — Қарияларни қадраш йили» деб ном берилди. Ўзбекистон туманидаги 16 гектарлик боғ мевага кирди.

2001 йилда боғдорчилик ва деҳқончиликдан 20 миллион сўмдан ортиқ даромад кўрилди. Бу маблағлар асосан хайрия тадбирлари учун ишлатилди.

Кейинги пайтда унитар корхоналар ташкил этишга эътибор кучайтириляпти. Бунда мулк, жой жамғарманики, корхона сармоясида унинг ҳам улуши, ишлайдиганларнинг камида 50 фоизи пенсионерлар бўлиши талаб этилади. Чунончи, Қувада ташкил этилган «Ал-Азиз» корхонасида ишлаётган 90 ишчидан 60 фоизини пенсионерлар ва ногиронлар ташкил этади. Бу йил ишга тушган корхона йилнинг биринчи чорагида олган фойдасидан «Нуроний» жамғармасининг туман бўлимига 397 минг, вилоят бўлимига эса 25 минг сўм пул ўтказди.

Асосан печенье ва макарон ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхона жамғарма ҳисобига ўтказадиган маблағи миқдорини йилига 2 миллион сўмга етказишни мўлжалламоқда.

Худди шундай корхоналар Ёзёвон, Ўзбекистон ва Боғдод туманларида ҳам иш бошлади. Эндиликдаги вазифа — бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш. Мақсад шуки, қачон, қайси ҳомий ташкилот пул бераркин, деб ўтирмасдан барча хайрия тадбирлари

учун зарур маблағни ўзимиз ишлаб топадиган ва шу асосда қарияларга кўрсатиладиган моддий ва маънавий ёрдам қўламини тинмай кенгайтириб бориш.

Вилоят бўлими Кенгаши қариялар фаолиятини янада жонлантириш мақсадида тақдирга сазовор маънавий тадбирларни ҳам ўтказмоқда. Чунончи, кекса рассомлар ўртасида кўрик-танлов эълон қилинди. Вилоят ўлка-шунослик музейида уларнинг асарларидан иборат кўргазма бўлиб ўтди. Бунда Ёзувчилар уюшмаси, ЭКО-САН жамғармаси, Бадиий академиянинг вилоят бўлимлари фаол фаолият кўрсатдилар. Хотира ва Кадрлаш кунига кўрик-танлов якунланди. Ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантирилдилар. Худди шунингдек, кекса ижодкорлар — шоир ва ёзувчиларнинг энг яхши асарлари учун ҳам кўрик-танлов ўтказилди.

Нуроний отахонлар ва мунис онахонларнинг саломатликлари тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги айниқса таҳсинга лойиқдир. Юқорида биз туман ва шаҳар шифохоналарида кексалар учун ҳар тарафлама қулай махсус хоналар ташкил этилаётганлиги ҳақида сўзлаб ўтгандик. Ўтган давр мобайнида бу борада ишлар изчил давом эттирилди. Савоб ишлар ҳокимликлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ҳозирги пайтда нуроний кексаларимизни соғломлаштириш ва даволаш хоналари 44 тага етди. Ҳамма хизмат кўрсатишлар текин. Бу ҳақда «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг биргаликдаги қўшма қарори чиқарилган. Унда белгиланган тадбирларнинг бажарилиши доимий назоратда.

Кўринг, биргина Фарғона вилоятида қарияларимизни эъозлаш борасида қанчадан-қанча ишлар амалга оширилмоқда. Булар ўз-ўзидан бўлмастир. Пухта ўйлаб режалар тузиш, қарияларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олиш, маҳаллий ҳокимиятлар билан тил топиш билиш, турли ташкилот раҳбарларини савоб ишларни амалга оширишга даъват этиш, жалб қилиш, мўлжалдаги ишларни амалга ошириш учун сабот-матонат кўрсатиш, изчиллик ва қатъиятлик бўлиш талаб қилинади.

Усмонали Бегматовни вилоят бўлими Кенгаши раислигига сайланганнинг эртасига ишга келгач, у ташкилот ҳисоб рақамида қанча маблағ борлигини сўраган. Жавобни эшитгач, анча вақтгача ўзига келолмай

қолган. Ҳисоб рақамида айтарли ҳеч гап йўқ эди. Қандай жойга олиб келишди мени деган ҳаёл ўтган унинг кўнглидан. Ўзини тутиб олгач, ишонишибдими менга, энди ҳар қандай йўл билан бу ишончни оқлаш керак, деган тўхтамга келди. Ахир у шу пайтгача катта ва шонли йўлни босиб ўтди, бой ҳаётий тажрибага эга. Олий ўқув даргоҳини тугатгач, вилоятнинг қатор туманларида ҳамда вилоят кўламидаги лавозимларда катта ғайрат ва зўр шижоат билан меҳнат қилди, қаерда, қай вазифада бўлмасин, аввало, меҳнат аҳлининг турмуш шароитини яхшилаш ишларига эътибор берди. Узоқ йиллик ҳалол меҳнатлари унга бениҳоя катта ҳурмат, обрў-эътибор келтирди. Қатор орден ва медаллар билан тақдирланди, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтда мустақил Ўзбекистонимизни иқтисодий, маданий ва маънавий ривожлантириш йўлида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган кўпгина йирик мутахассислар катта фахр ва ифтихор ила Усмонали акани ўзларининг мураббийлари, устозлари деб биладилар. Худди шу ҳолат янги жойда ишларнинг тез ўнгланиб кетишида ҳал қилувчи омил бўлди, деб айтсак ҳеч бир муболага бўлмайдди. У қайси бир ташкилот раҳбарига мурожаат этмасин, сўзи сира ерда қолмади. Зеро у бугунги кунда ҳамма томонидан тан олинган ҳурматли ва эъзозли оқсоқолдир.

— Бугун нурунийлар етакчиси Усмонали Бегматов эришган ҳурмат-эътиборга, мартабага, гапнинг очиги, ҳаммани ҳам мушарраф этавермайди, — дейди унинг йигитлик давридаги дўсти, матбуот фахрийси Аъзам Ортиқов, — у бундай қадр-қимматга ҳамманинг кўз ўнгида садоқатли меҳнати, қатъиятлилиги, одамгарчилиги туфайли эришди. Оддий муаллимликдан туманининг биринчи раҳбари, вилоят миқёсидаги раҳбар даражасига кўтарилди. Ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчан бўлиб иш юритди. Одамлардан ўрганишни, уларга яхшилик қилишни ҳаёт тарзига айлантирди. У қаерда, қайси соҳада ишлаган бўлса, фақат хайрли ишлар қилиб, яхши ном қолдирди. Рапқон боғлари, бу ердаги шифобахш манзаралар, Бешариқ, Олтиариқ, Охунбобоев туманларидаги юксалишлар Усмонали Бегматов номи билан боғлиқлигини кўпчилик яхши билишади.

Айтилганларга яна бирор гап қўшишни ортиқча деб билиб, шу ерда нуқта қўйишга қарор қилдик.

ҚАРИЯЛАР ДУОДА

Муқаддасхон хонасига кириб, энди халатини кияётган эди ҳамки телефон жиринглаб қолди.

— Манноп ота, — у шундай деди-да ўйланиб қолди.

— Қизим, мен яқинда сизларда даволанган эдим, «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигиданман, шундоқ Тошкентнинг биқинидаги.

— Узр, отахон, телефонда дабдурустдан овозингизни таний олмай қолибман, қалай яхшимисиз, бардам бақувватмисиз, бирор хизмат борми, биз томондан?

— Йўқ, қизим, ҳеч қандай сўровим йўқ, фақат илтимос, бир келиб кетсангиз, жон қизим, ўзим борай десам биласиз, ўнғай эмас...

— Бўлди, хотиржам бўлинг, — деди Муқаддасхон.

Йўлда борар экан ўйларди, гап-сўзларидан кайфияти яхшига ўхшайди, ундай бўлса нимага йўқлатди экан? Хол-аҳвол сўрашиб бўлгач, Манноп ота муддаога ўтди:

— Сизлардан бениҳоя миннатдорман, яхши хордиқ чиқардим, дориларингиз эм бўлди шекилли ўзимни бардам сезяпман. Айниқса сизлардаги меҳр минг дардга даво бўлғуси. Ўша ерда бўлганимда ховли-боғни синчиклаб кўздан кечирдим, қаерга қайси мева дарахти экишни ўзимча чамалаб қўйгандим. Савоб бўлар, менадан ўша ерда бир ёдгорлик қолсин, деб кўчатлар тайёрладим. Мана улар — 70 туп — гилос, олма, олча, ёнғоқ, ўрик ва шафтоли кўчатлари. Булар сизларга аталган, икки-уч йил ўтиб, ҳосилга кирса, даволанишга келган отахон ва онахонлар мевасидан татинса, шунинг ўзи менга етарли ниятимга етган бўламан.

— Тоза уринибсиз-ку, Манноп ота, — деди Муқаддасхон мамнун ҳолда, — илоё иймон бой бўлинг.

— Лекин битта шарти бор, — деди оқсоқол.

— Айтаверинг, биз ҳаммасига розимиз.

— Мени ҳозир ўзингиз билан бирга олиб кетасиз, режам бор, кўчатларнинг қайси хилини қай ерга экишни мўлжаллаб қўйганман.

— Бу ёғига сизни уринтирмасак бўлармиди...

Хуллас, Манноп ота кўчатлари билан шифохонага келди. Бош ҳаким Муқаддас Солиевна Ризаева тезда ходимларни тўплади. Манноп ота қаерда қандай чуқур қазиш ва унга қайси дарахт кўчатини ўтказиш зарурлигини айтиб турди. Кўпдан қуён қочиб қўтилмас, деганларидек ҳа-ҳу дегунча барча кўчатларни экиб бўлишди.

Яхши ният билан қилинган ишни худо қўлайди, шу боис ривож олади, деган сўз ҳаққи рост экан. Буни қаранг, кўчатлар беҳато тутди, бугун гуркираб ўсаётган кўчатлар киши кўзини қувонтирмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимияти соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли «Нуронийлар шифохонаси»да ҳар йили неча юзлаб уруш ва меҳнат фахрийлари даволанади. 150 ўринли бу масканда кардиология, неврология, терапия каби бўлимлар мавжуд. Отахон ва онахонлар ташқарига чиқишмайди, физиотерапия, уқалаш ва укол олиш каби барча мулолажани ўша асосий бинонинг ўзида оладилар.

Мазкур даволаш маскани 1999 йили — Хотира ва қадрлаш кунини нишонлаш арафасида илк бор уруш фахрийларини даволаш учун ўз бағрига қабул қилган эди. Бугунга қадар 7 мингдан зиёд киши бу ерда дардига даво топди. Улар орасида Қорақалпоғистон ва Республиканинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳридан келган отахон ва онахонлар бор.

Олий тоифадаги мутахассислар — бўлим мудирлари: Шарофат Далимова, Абдуқодир Азимов, Дилнурс Амирова ва бошқа шифокорлар фақат дори-дармон билан эмас, балки ўзларининг муомалалари, ширинсуҳанликлари билан даволанувчилар кайфиятини яхшиламоқдалар, уларнинг дарддан фориғ бўлишларига ёрдам бермоқдалар.

Мана, қўлимизда шу ерда даволаниб, дардларига шифо топган беморларнинг дил сўзлари ёзилган «Таклиф ва мулоҳазалар дафтари». Уни аста варақлаймиз. Битикларнинг муаллифлари Республиканинг турли бурчакларидан келишган кишилар.

«Бу ерга жуда оғир аҳволда келгандим, — деб ёзибди Тошкент вилоятидан бемор Карима Алиева. — Айтишим керакки, аввало бу ердаги мутахассисларнинг меҳри дардимга даво бўлди. Беш-олти кун ўтгач, оёққа турдим. Миннатдорчилигимни айтишга сўз тополмайман. Менга кўрсатган меҳрибонликлари бола-чақаларидан, худойимдан қайтсин».

«Бу ерга мен узоқ ўлкадан аёлим билан келдим. Биринчи бор бўлишим бу шифохонада, — деб дил сўзларини ёзиб қолдирибди фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг раиси Жалел Муятдинов. — Биз каби қарияларнинг кўнгилдагидек даволаниб, куч-қувват тўплашимиз учун ҳамма ша-

роит муҳайё этилган. Шифохона хизматчиларининг даволанувчиларга бўлган самимий муносабатларини алоҳида таъкидлашни хоҳлайман. Улардаги меҳр кишига айрича таъсир кўрсатади, кайфиятингизни кўтаради. Қўллари дард кўрмасин уларнинг».

Мазкур шифохонада даволанувчилар ҳаётнинг ачиқ-чучугини татиган, умр бўйи шу юрт учун меҳнат қилган отахон ва онахонлардир. Шуни эътиборга олиб улар шароитини янада яхшилаш ниятида турли ташкилотлар ҳайрия ёрдами бермоқдалар. Чунончи, «Наврўз» жамғармаси иккита чанг ютгич, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва бошқа бир қанча ташкилотлар гилам ва поёндозлар совға қилишди.

— Биз Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қуватлаш «Нуроний» жамғармаси раҳбариятидан айнақса миннатдормиз, — дейди Муқаддасхон. — Таъмирлаш жараёнида ишларнинг кетишидан хабар олиб турдилар, етишмовчиликларни тўлдиришда, камчиликларни тугатишда биз билан бирга куйиб пишдилар, ишларни жадаллаштиришга яқиндан кўмаклашдилар. Зарур жиҳозлар сотиб олишимиз учун Жамғарма раҳбарияти ҳисоб рақамизга икки ярим миллион сўмдан ортиқ маблағ ўтказиб беришди. Ҳозирда ҳам пайдо бўлаётган муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам беришмоқда.

Халқимиз бағри кенг, саховатли халқ. Шуларнинг кўмагида, ёрдамида қисқа муддатда ўзимизни ўнглаб олдик. Асосий мақсадимиз — ихлос билан меҳнат қилиб, қарияларимиз дуосини олиш. Ўшалар бардамбақувват бўлишса, кайфиятлари чоғ бўлса, шифохонадан кетар олдида «болаларим, ҳаммангизга раҳмат дейишса», шунинг ўзи бизга энг катта мукофот.

Юртимизда қариялар ҳурмат ва эътибор билан қўршаб олинган. Уларни қадрлаш борасида кўп иш қилинмоқда. «Нуронийлар шифохонаси»да бу борада амалга оширилаётган ишлар ана шу меҳрибонликнинг, кексаларни қадрлашнинг ёрқин мисолидир.

Орадан бир йил ўтгач, яна шу шифохонада бўлдим. Манноп отанинг эккан кўчатлари анча бўй чўзибди. Шафтоли кўчатлари нишона кўрсатиб қолса ажаб эмас.

— Бу кўчатлар ҳовлимизга алоҳида файз берди, — дейди Муқаддасхон. — Ҳар сафар шу ёш дарахтларга кўзим тушганида Манноп отани ўйлайман. Қандай сазий қалб кишиларимиз бор. Шу боғ турар экан отахонимизни мутлақ унутмаймиз...

Кексайганда одам ёш болага ўхшаб қоларкан, дейишади. Боладек атрофдагиларнинг ёрдамига эҳтиёж сезади. Боладек илтифотталаб бўлиб қолади. Ёш болани яхши сўз билан алдаш қанчалар осон бўлса, қарияларнинг кўнгилни олиш учун бир оғиз калом ҳам етарли. Эътибор беринг-а, бир оғиз ширин сўз...

«Нуронийлар» шифохонасида ўтказилган ЭКОСАН Халқаро ва «Нуроний» жамғармаси ҳамда Ҳамза тумани ҳокимлиги ҳамкорликда уюштирган даволанувчи отахон-онахонлар билан бўлган учрашув шу ерда ҳозир бўлганларнинг узоқ вақт ёдидан чиқмаса керак. Қарияларимизни эъзозлаб кўп ва ҳўп дилга яқин, кўнгил кўтаргувчи, дарддан фориғ этувчи гаплар айтилди. Уларнинг кўнгиллари оз бўлса-да таскин топди, ором олди. Дардлари бўлинди, ҳатто қисман ариди ҳам. Айниқса, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раиси Эркин Боқибоев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳиятини тушунтирар экан, кексаларнинг бутун вужуди қулоққа айланди.

— Ёшликда, уруш йиллари фронт ортида қилган меҳнатларимизнинг ижобати шу-да, — дейди саксонни қоралаб қолган Ҳалима ая Носирова. — Чолим билан бу ерга келганимга бир ҳафта бўлди. Бирам яхшии қарашарканки... Энди, мана бу дастурни айтинг, бунча ғамхўрлик, бунча ҳурмат-эътибор...

— Бизни азиз кўрганнинг боши азиз бўлсин, илоё, — дейди кампирининг гапига қўшимча қилиб Хайрулла ота Носиров.

ЭКОСАН Халқаро жамғармаси раҳбари Юсуф Шодиметов Давлат дастурида таъкидланган қарияларни, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, дори-дармонлар билан таъминлаш ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш хусусида алоҳида тўхталаркан, жамғарманинг бир миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдамини шифохона бош врач Муқаддас Ризаевага топширди.

Ноз-неъматлар билан безатилган тушлик дастурхон атрофида ўтирган бемор отахон ўз дил изҳорини яшира олмади. «Мен Ҳамидулла Даминов бўламан, — дея йиғилганлар эътиборини ўзига тортди у киши. — Яхши урф-одатимиз бор — бемордан хабар олиш, унинг дар-

дига малҳам бўлиш. Бу кун дастурхон ёзиб, ҳолимизни сўрагани келганлар дардимизга бир малҳам бўлса, ҳозир тинглаганимиз биз, қарияларга ҳар томондан алоҳида эътибор бериш учун қабул қилинган давлат дастури яна бир дармондори бўлди. Бизнинг вазифамиз болаларимизга, ёш авлодга тўғри тарбия бериш. Уларни пок яшаб, пок меҳнат қилишга, шукур қилишга ўргатайлик. Ҳаёт тажрибаларимизни уларга ҳам юктирайлик».

Бундай самимий суҳбат-учрашувга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фиёс Бойтоев ижросидаги дилтортар кўшиқлар янада файз бахш этди, раққосанинг ажиб хиром айлаши кексалар дилини яйратди.

Турмуш чорраҳаларида

КЎНГИЛ

Эшон ака дегучимиз бўларди. Ниҳоятда қувноқ-хушчақчақ, хуш феълли одам. Давраларда ҳаммани оғзига қаратарди, Эшон ака бор йигин қийқириқ-кулгу билан ўтарди, теша тегмаган гаплар дейсизми, ажойиб-ғаройиб воқеалар дейсизми — ҳамма-ҳаммасини шу раҳматлидан эшитардик. Бел-олти йил бўлди, чамамда, пенсияда эдилар ўшанда. Шундай одамлар бўлади дунёда — бир учрашиб, гурунглашган бўлсангиз яна шу киши билан учрашсам, суҳбатида бўлсам, деб интиқ бўласиз, Сизни ўзига оҳанрабодек тортаверади. Ундан эшитган гаплар дафъатан эсингизга келса йўлда ёлғиз кетаётган бўлсангиз ҳам нечундир ўзингизча кулиб қўясиз, танангиз яйрайди, қандайдир вужудингизда енгиллик сезасиз. Фаришталик одам эди, ўзи ёқимтой, сўзлари эса ундан ҳам.

Бир ҳафта-ўн кун бўлдим кўринмай қолди Эшон ака. Тўғриси айтсам ҳумори тутди у кишининг. Маҳалламизнинг пойгагида ҳовлилари. Бўлмади, дам олиш кунини йўқлаб бордим. Эшикдан киришим билан кўзим хотинлари — Саври кеннойимизга тушди. Олатдагидек очиқ чехра билан кутиб олдилар. Ўхшатмасдан учратмас деганларидек бу киши ҳам ниҳоятда дилбар, очик кўнгил аёл.

— Вой-вой, қадамларингизга гиргиттон бўлай бизникига келган... Яхши юрибсизларми, келиним омонми, болаларингиз соғ-саломатми?

— Амаким уйдадилар? — сўрадим кўришиб бўлгач.

— Ҳа, уйдалар, — деди-ю қандайдир юз-кўзларида ўзгариш бўлгандек туюлди менга. — Қани бемалол ичкарига кираверинг. Диванда китобмией-газетамией ўқиб ўтирибдилар.

— Шу диққи нафасда нега уйда ўтирибдилар?

— Ким билади дейсиз, мана ҳовлига сув сепиб, сўрига жой қилиб қўйганман, чиқиб ёнбошлаб ётинг, деб бир-икки айтдим, қайсарлик қияптилар негадир.

Бу сўзларни эшитгач, ўйланиб қолдим. Икки дилбар инсон, бир гапириб ўн куладиганлар нечун бир-бирининг сўзини инобатга олмай қўйдикин? Ишонгим келмасди.

— Эшон ака, бормисиз, одамларни соғинтириб қўйдингиз-ку, — деб кириб бордим уйга. Кўришдик, ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Ўтиринг, — деб ёнларидан жой бердилар. Фотиҳа ўқилгач:

— Ҳовлингиз бир файзли бўлибди, шундай қадам қўйган кишининг баҳри-дили очилиб кетади. Юринг, ўша ерда суҳбатлашайлик.

Сўзларимга қулоқ қоқмай ўринларидан турдилар. Саври кеннойимиз худди ёшлардек елиб-югуриб дастурхон тузатдилар. У ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтирдик. Лекин эр-хотин ўртасидаги гап унчалик қовушмаётганлиги сезилиб қолаётганди. Охири бўлмади, сўрашга мажбур бўлдим.

— Бу дейман, Эшон ака, кўринмай қолдингиз, тинчликми, кайфиятлар қалай?

Сарви кеннойи хушёр тортди, нимадир демоқчи бўлиб лабларини қимирлатди. Бу ҳолатни сезган Эшон ака хотинига ғалати қараш қилди. Бу билан у «гапирма» дедими ё бошқа маънодами — билмадим.

— Шу десанг, ука, бироз ғалатироқ сезяпман ўзимни, кўнглим хижилроқми, билмайман.

— Кунда айтаман, хой даласи, уйда ўтираверманг, боринг, кўчага чиқинг, одамлар билан учрашинг, одамнинг тафтини одам олади, бу ҳолда киши оғир бўлиб қолади деб, қани қулоқ солсалар, — кеннойим юрагида тўпланиб қолган гиналарини тўкиб сола бошлади.

Кузатиб турибман, хотиннинг сўзлари Эшон акага унчалик хуш ёқмади, шундан бўлса керак пешонасини тириштириб, бошини четга бурди. Бу холни кўрган хотин бироз тутатқандек бўлди, У бирдан менга қараб бурилди-ю гапини давом эттирди.

— Энди, ука, сиз биз учун яқин одамсиз, сирдошимизсиз, сиздан яширадиган сўзимиз йўқ, борди-ю бугун ҳам келмасангиз эртага ўзим бориб чақириб келмоқчи эдим. Бор гап шу.

Эшон ака ярқ этиб хотинига қаради.

— Бас қил, — деди шахд оҳангда, — кўргани, юрак чигилини ёзгани келган одамнинг олдида энди хасратингни дастурхон қилмоқчимисан, нима кераги бор.

— Айтаман, айтмасам бўлмайди, одамни хит қилиб юбордингиз, — кеннойим ҳам бўш келмасди. — Мана бир ҳафта бўлди, товушларини энди эшитдим, гапирсам тескари буриладилар, овқатга чақирсам ҳам чиқмайдилар. Уйга кириб олганлар, чойни ҳам, емакни ҳам ўша ерга олиб кириб қўйяпман. Очигини айтсам, болалардан ҳам хижолат чекапман.

Кеннойи бироз сукут сақлади. Шу ўртада бир «ух» тортиб олди. Эшон ака хотинига бир ғалати қараш қилди-ю яна бошини қуйи солган ҳолатда ўтираверди.

— Ҳой, барака топкур, ўзи нима гап, қандай айб иш қилиб қўйдим, айтинг, айбим бўлса узр сўрай, дейман. Қаёқда дейсиз, мум тишлаганлари тишлаган, яна буниси етмаганидек тескари қарайдилар. Бундан кўра сўксалар, уришсалар юз бор енгил бўларди. Мана, сиз гувоҳ айтсинлар сизнинг олдингизда, гуноҳим бўлса бир эмас, юз бор узр сўрай. Ахир бунақада бўладими, тарс ёрилиш ҳолатидаман. Вой товба, одам дегани ҳам шунақа бўладими, қолаверса ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандамиз, беайб ёлғиз парвардигорим.

Чамаси кеннойимиз юрак дардларини айтиб, анча енгил тортди. Атрофга аланг-жаланг қаради, эри томон назар ташлади, сўнг менга тикилди, «ана шунақа гаплар» дегандек.

Ўртага жимлик тушди. Гўё ҳамма ўз ўй-хаёллари билан банддек. Менга келсак, яширмайман, хайратда эдим, бир гапириб ўн куладиган, табиатдан хушчақчақ Эшон акадек одам уйида ҳам шунақа паст-баланд гаплар бўларкан-да деган ўйда ғалати ҳолатда эдим. Нима бўлди экан-ки кўплардан ақли-ҳуши билан ажралиб турадиган, ўзгалар ҳавас билан қарайдиган бу кишининг ҳозирги ҳолати мен учун жумбоқ эди. «Наҳотки шундай одам ўзга бир киши, ҳозирги ҳолатда хотинининг кўнглини ранжитмоққа қодир бўлса» деган ўй кечди хаёлимдан. Ҳеч ишонгим келмасди, сира. Аста бошимни кўтариб, Эшон акага разм солдим. У

ҳамон ўша-ўша ҳолатда — қуйи эгилганча ҳаёл суриб ўтирарди. Бўлмади, суқунатни мен буздим.

— Бу дейман, акахон, нима гап бўлган ўзи, айтинг, ўша сизга ўтиришмаган иш балки билиб-билинмай қилингандир. Мана, ўзлари айтяптилар, бир эмас юз бора узр сўрамоққа тайёрлар.

Эшон ака ҳамон ўша ҳолатда. Чамаси қандай қилиб юракдаги гинани айтсам булар тушунаркин, деб ўйларди. Бир «ух» тортдию илло оғиз очмади.

— Гапираверинг, бу ерда бегона киши йўқ, ичимдагини топ десангиз бўлмас, ундан кўра ёрилганингиз маъқул, менимча.

— Наҳотки ўзи сезмаган бўлса, ўша иши маъқул эмаслигини.

— Қайси, ишни, айтинг дадаси, айтинг, кўпинча инсон боласи ўз айбини билмайди, — кеннойига жон кирди, у айбдор кишининг оҳангида сўзларди, хайтовур-эй, энди ёрилсалар керак, деган ишонч бор эди унинг кўнглида.

Эшон ака бошини кўтарди, кўнглини ранжитган ўша воқеани, унинг учун жуда муҳим бўлган ходисани қандай қилиб тушунтириш учун фикрни жамлаётгандек эди.

— Ёдингдан кўтарилган бўлса эслатайин, — деб гап бошлади акамиз. — Ўша куни чой дамлаб бергин, — деб айтдим сенга, эслайсанми?

— Ахир чойни ўша куни эмас, ҳар куни неча бор дамлаб бераман.

Мен Сарви кеннойига қарадим, тек ўтиринг, деган маънода бир кўзимни қисиб қўйдим.

— Хўш, ундан кейин нима бўлди, Эшон ака? — далда берган бўлдим.

— Шу десанг, чойни келтирди, бир-икки қайтаргач, пиёлага қўйди. Нима деб ўйлайсан, шу олдимга «тақ» этиб қўйса бўладими...

Биз яна нима гап бор экан, деб кутдик, у кишидан бошқа садо чиқмади.

— Шуми бор-йўқ айбим? — сўради кеннойим. — Вой товбангдан кетай, манави кишини кўринг, шу гапни жиддий гап, деб сўзлаяптилар...

— Сен учун шунчаки бўлиши мумкин, — гапни яна Эшон ака илиб кетди, — илло мен учун оғир эди, жуда оғир, шунинг фарқига етмаётганларингга ҳайронман. Агар шундай бўлса, қозоқнинг тўққиз пулидек қилиб айтай сенларга. Аввало пиёлани ана ўшандай

шахд ҳолатда «тақ» этиб қўйган кишига шу иш малол келганлигини англатади, буниси ҳам майли, иннай-кейин бу чой сўраган кишига нисбатан бориб турган ҳурматсизлик, ҳа ҳурматсизлик, билмасаларинг билиб олларинг.

— Вой тавба, дадаси тушмагур, ҳали шунга шунчаликми, вой бой бўлгур, вой омон бўлгур. Кўз ойнагим йўқ эди, масофа оралигини тўғри ҳисобга ололмай қолганман, шу боис шундай бўлгандир. Ахир мен йигирма ёшда эмасман-ку.

Мен ҳайратдан қотиб қолгандим. Наҳотки ўша бўлиб ўтган, баъзи кимсалар умуман эътибор бермайдиган воқеа Эшон ака қўнғилида бу қадар чуқур из қолдирган бўлса деб. Бу қадар нозик таблик, эй кеннойига тасанно, шунча йиллар эрининг бу қадар инжиқликларига дош бериб келаётганига. Ҳар бир нигоҳини, ҳолатидаги ҳар бир ўзгаришни ҳисобга олиб, шундан келиб чиқиб, ўшанга яраша муомала қилиш — мушкул иш, жуда мушкул.

— Бор-йўқ гап шуми? — сўрадим яна вазиятни юмшатиш мақсадида.

— Ийе, қизиқ одам экансиз, ука, тушунтирдим-ку, бундан ортиқ яна нима бўлиши мумкин. Вой тавба...

— Баъзи кишилар бор, уларнинг кайфияти фаслларга қараб ўзгаради — бир ёз чилласида, бир қиш чилласида, мабодо сиз ўшалар тоифасиданмисиз, дейман, ахир бу ёш боланинг енгил хархашасига ўхшаган гап-ку, эй қойилман-е сизга.

Эшон аканинг чеҳраси очилди, бирдан бутун борлиғи билан ҳовлини бошига кўтариб қаҳ-қаҳа урди.

Ҳайрият-эй, чигил ёзилиб кетди. Биз ҳам у кишига қараб мириқиб-мириқиб кулдик.

— Кеннойи, ана яраш-яраш бўлди, сизнинг ошин-гизни соғинганман, малол келмаса...

Бу гапларни мен атайлаб айтдим, то юракда андек бўлса ҳам тугун қолмасин, ёзилиб гаплашиб ўтиришга ош бир баҳона эди холос.

— Жоним билан, бир зумда «есть» қиламиз, — деди у ўрнидан енгил тураркан. — Вой адаси тушмагур-эй, бир эмас, минг бор узр ўша беодоб бўлиб туйилган ишим учун. Қани сизлар чой-пойлаб ўтиринглар, мен ҳозир.

Кеннойи сўридан тушиб, уч-тўрт қадам ташлагач, тўхтаб ўғирилди-да менга юзланиб дедилар:

— Чой узатаётганингизда эҳтиёт бўлинг, кўнглимиз қанақалиги энди сизга ҳам маълум. — У нимага ишора қилаётганлигини тушундик, мийиғимизда кулиб қўйдик.

— Эшон ака, мен бир укангиздекман, шундай-ми, — деб сўрадим, тасдиқ ишорасини олгач, сўзимда давом этдим, — бу қанақаси бўлди, биров эшитса кулади-ку бу гапларга.

— Ўзим ҳам биламан, — деди у эндиликда бутунлай очиқ чехра билан, — лекин, ука, қандай қилай, бу кўнгил иши бўлса. Ақлим айтади: тентаклик қилма, деб, илло кўнгил унинг амрига қулоқ туттишни хоҳламайди. Шундай яралган бўлсам мен нетай. Кўнгилга буйруқ, кўрсатма бериб бўлмас экан. Инсон боласи шундай бўларкан...

Уйга қайтар эканман Эшон аканинг «кўнгилга буйруқ, кўрсатма бериб бўлмас экан, мен нетай» деган сўзларини бод-бод такрорлардим.

ФАХРИЙЛАР ЮРТ КЕЗГАНДА...

Республика фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Телерадиокомпанияси ўзаро ҳамкорликда ғоятда хайрли бир тадбирни бошладилар. Бу тадбир пойтахтимизда яшаб, кексалик гаштини сураётган фахрийларимизнинг ўлкамиз бўйлаб сафарларини уюштиришдир. Икки кун мобайнида Жиззах ва Самарқанд вилоятлари бўйлаб сафарга чиқилди. Ушбу сафарга йўл олганлар орасида академиклар — Матёкуб Қўшжонов, Азизхон Қаюмов, профессор Фуломжон Аҳмаджонов, доцент Иброҳим Исомиддинов каби атоқли олимлар, шоир Назармат, устоз журналистлар Исмоил Сулаймонов, Расул Раҳмонов каби юртимиз ривожига хизмати сингган ажойиб инсонлар бор эди. Фахрийларимиз сафарида уларга элимизнинг сеvimли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов, Телерадиокомпаниянинг Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли хушовоз ҳофизи Валижон Абдуллаев, тележурналист Ибрat Юсупов ҳамроҳ бўлдилар ва сафарнинг мароқли бўлишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан уюштирилган фахрийларимиз сафари Жиззах вилоятдан бошланиши бежиз эмас. Жиззах бой тарих ва анъанага эга бўлиб, истиқлол туфайли тобора жамол

очаётган маскан. Вилоятда мустақиллик йилларида улкан ўзгаришлар юз берди. Сафар қатнашчилари Жиззах шаҳрида авваллари ҳам қўп бўлган. Бироқ сўнгги қисқа даврда бу шаҳарнинг таниб бўлмас даражада ўзгарган қиёфаси, гўзаллашган жамоли фахрийларнинг таҳсинларига сазовор бўлди. Кенг, равон йўллар, ўзида миллий ва замонавий меъморчиликнинг энг сўнгги ютуқларини мужассамлаштирган маҳобатли ва бири-биридан гўзал бинолар кўрган кўзни яйратади. Яқин 4—5 йил олдин янтоқзор бўлиб ётган Педагогика институти ёнида ёшларнинг ажойиб шаҳарчаси қад кўтаряпти. Бу ерда Ёшлар истиқлол боғи бунёд этилибди. Сафар иштирокчилари бу ҳудудда ёнма-ён тушган вилоят Маърифат ва маънавият маркази, «Бахт уйи» мажмуаларини ажиб бир завқ билан томоша қилдилар.

Ёшлар истиқлол боғида яна бир муҳташам иншоот — Ёшлар маркази қад кўтаряпти. Бу марказ мустақиллигимизнинг 10 йиллиги кунларида очилди.

Айниқса, фахрийларни Республика мактаб ўқувчиларининг Олимпиадаси бўлиб ўтган Олимпиада заҳиралари спорт мажмуи ва спорт коллежи ўзига маҳлиё этди.

Дарвоқе, шу коллеж талабаси Олимжон Равшанов ўзбек миллий кураши бўйича Россиянинг Тверь шаҳрида бўлиб ўтган халқаро чемпионатда жаҳон чемпиони шоҳсупасига кўтарилибди. Меҳмонлар номидан Спорт мажмуининг «Ёндома» китобига Халқ артисти Эргаш Каримов ҳамманинг таассуротини ифодалаб, шундай сўзларни дастхат қилиб қолдирди:

«Мустақиллигимиздан гўзал бир туҳфа бўлган бу спорт мажмуасида йигит-қизларимизнинг жисмонан соғлом, баркамол бўлиб ўсишлари, келажакда улар спорт юлдузлари бўлиши учун қандай ажойиб шароит яратилибди! Худо хоҳласа, Ватанимизга доврў келтирадиган жаҳон чемпионлари ана шуларнинг орасидан чиқади».

Пойтахтлик фахрийлар билан вилоят Ички ишлар бошқармаси ходимлари учрашув ўтказишни ният қилибдилар. Гўзал маърифий-маънавий суҳбат бўлди. Фахрийлар гуруҳи бошлиғи Исмоил Сулаймоновни, академик Матёқуб Қўшжонов, профессор Фуломжон Аҳмаджонов, журналист Расул Раҳмоновларнинг қизиқарли маърузаларини милиция ходимлари жон қулоғи билан тингладилар.

Учрашувга вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини ба-

жарувчи, милиция подполковниги Илҳом Муродов бироз кечикиб етиб келди. Сабаби — ҳозир вилоятда ғалла ўрим-йиғими қизиган пайт. Илҳом Муродов ҳам далада экан. У узр сўрагандай бўлди. Аммо бунга эҳтиёж йўқ эди. Ҳамма уни тушуниб турарди. Аксинча, унинг: «Ҳозирги туманларнинг ҳар бири бир кунда минг тонна ва ундан ошириб ғалла топширяпти» деган гурурли маълумотидан беҳад мамнуният ҳосил қилдилар.

Жиззахнинг «Ҳамзаобод маҳалласида яна бир қизиқарли учрашув бўлди. Унда академик Матёқуб Қўшжоновнинг ҳозирги маънавий тараққиёт ҳақидаги сўзларини мароқланиб тинглашди. Академик Азизхон Қаюмов буюк ўзбек шоири Алишер Навоий тўғрисида қилган гўзал ва мазмунли маъруза ҳаммага ёқди. Жиззахликлар «Раҳмат домла, маҳалламизга бамисоли Навоий ҳазратлари ўз оёқлари билан кириб келгандай бўлди» деб, миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Ушбу йиғинда Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари, истеъдодли шоира Сайёра Тўйчиеванинг:

*«Бир йўлимга ўн қараган,
Ўн қараган, минг қараган,
Менга молу дунё эмас,
Узун умр, бахт сўраган —
Онамсан, Ўзбекистоним!...*

деган мисраларини ҳам меҳмонлар, ҳам мезбонлар масрур бўлиб тингладилар.

Яна бир ҳолат: фахрийлар Жиззахга таширф этган кун шаҳар каналлари ва ариқларини лиммо-лим қилиб, тоғдан шарқираб сув келди. Сув — тириклик ва барокот манбаи. Шаҳар аҳли ниҳоятда хурсанд эди. «Пойқадамларингиз ёқди», деб жиззахликлар ўз хурсандчиликларини изҳор этишди меҳмонларга. Бундан бир кун олдин вилоят давлат қабул пунктларига 445 тонна пилла топшириб, пиллакорлар режаларини ошириб уддалабдилар. Меҳмонлар вилоят жамоатчилигини бу улкан ғалаба билан ҳам қутладилар.

Фахрийлар гуруҳи Жиззах вилояти аҳлининг ютуқларидан ниҳоятда хуррам, аъло бир кайфиятда эртасига, тонгда Самарқанд вилоятига йўл олдилар. Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетига талабалар билан учрашув бўлиб ўтди. Талабалар шоир Назармат, академик Азизхон Қаюмов, профессор Фуломжон Аҳмаджоновларнинг маърузаларини катта қизиқиш билан тингладилар.

СамДУ — йирик олий таълим даргоҳларидан бири. Университетнинг асосий биноси миллий ва замонавий меъморлик услубида гўзал ва мухташам қилиб қурилган. Ёруғ, кенг, баҳаво аудиториялар, адабиёт, археология, зоология музейлари ниҳоятда бой. Бу ерда таълим-тарбия Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабалари асосида, замонавий педагогик технология, замонавий дарсликлар ва ўқув дастурлари асосида йўлга қўйилган. Университет таълимига компьютер ахборот технологиялари жорий этилган. «Интернет» тизими улар хизматида.

Атоқли журналист-адиб Исмоил Сулаймонов юзлаб талабалар қуршовида туриб, аълочилар тахтасида беғубор қиёфалари кулиб-ёниб турган талабаларнинг сураатларини силаб-сийпалаб: «Кулишларингдан айланай! Сизлар бор экансизлар, Ўзбекистонимизнинг келажаги ҳам гўзалдир» деди. Домла Азизхон Қаюмов ажралиб-ажралгуси келмаётган ёшларга ҳазрат Навоийнинг машҳур сатрлари билан мурожаат қилди:

«Умидим шулки сендан, умидингга еттил».

Самарқанд вилоятида пойтахтлик фахрийлар билан учрашувларни ният қилган кишилар, ёшлар кўп эди. Бироқ сафар муддати қисқа. Улар ўзлари учун энг зарурларига улгурдилар, холос. Самарқанд шаҳрида ҳоки туроби ором топган пиру аллома Имом Мотурудий хотирасига тикланган ёдгорликни, Челак туманининг Хартаг қишлоғида бунёд этилган улуғ бобокалонимиз Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуини зиёрат қилдилар. Буюк аجدодларимиз эҳтиромини кўкларга кўтарган Президентимиз Ислам Каримовнинг ҳақларига қайта-қайта дуолар ва таҳсинлар ўқидилар.

Фахрийлар улкан бир таассурот билан Тошкентга қайтдилар.

Михли САФАРОВ.

«Халқ сўзи» газетасидан

* * *

Худди шунингдек Республиканинг барча вилоятлари ҳамда қатор туманларида ҳам «Нуроний» жамғармасининг маҳаллий бўлимлари ва бўлинмалари тапаббуסי билан фахрийларнинг юртимизнинг муқаддас қадам-жоларига кўп бор саёҳатлар уюштириляпти. Бундай сафарларнинг аҳамияти шундаки, кексаларимиз юртимизнинг бой тарихи ва маданий-маънавий илдишлари билан янада чуқурроқ танишмоқдалар, тенгсиз қадри-

ятларимиз моҳиятини тағин ҳам теранроқ англамоқдалар. Айни пайтда улар Мустақиллик йилларида мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида юз бераётган улкан ўзгаришларни, барпо этилаётган йирик замонавий корхоналарни, гўзал маданий-маънавий масканларни катта завқ билан томоша қилмоқдалар. Бундай сафар давомида олинган бой таассуротлар оқсоқолларимизнинг аҳоли кенг табақалари орасида олиб бораётган тарбиявий, маърифий-маънавий ишларида жуда катта ёрдам бермоқда.

ЭЛ АРДОҚЛАГАН ГЕНЕРАЛ

Муҳтарам Ғофуржон акамиз етмиш ёшга қадам қўйдилар. Ҳали тетик, бақувват, тинмай ишлайди, кичкинагина дала ҳовлисида узум, хурмо, олма, беҳилар ҳар йили ғарқ пишиб туради. Сиз бошқа жойда учратмаган ҳинд анорини айтмайсизми! Кисловодск шаҳридан келтириб, Тошкент шароитига мослаштирилган илон қовоқ, нос қовоқлар-чи? Шу боғда бўлган, Хоназимхон аянинг қўлидан ошини еган киши қайта-қайта келгиси, бу мўътабар инсонларни зиёрат қилгиси келаверади.

Ғофуржон Раҳимовнинг иш фаолияти ҳақида матбуотда кўп ўқигансиз. Биз бу ерда у кишининг таржимаи ҳоли ёки фаолият йўналиши ҳақида тўхталмоқчи эмас, балки айрим соф инсоний фазилатлари ҳақида сўз юритмоқчимиз. Ҳикоямизни айнан у кишининг хонадонидан, дала ҳовлисидан бошлаганимизнинг боиси ҳам шунда.

Дарҳақиқат, Ғофуржон ака бахтга эришган инсонлардан. Аввало чин оилапарвар киши сифатида танланган умр йўлдошлари билан фаровонликда қўша қаришган, ҳаётда орзу-армонлари ушалган, мурод-мақсадларига етган ҳолда бахтиёр кексалик гаштини суришмоқда, болалари-ю неваралари, чевараларининг ўқиш, яшашларидан кўнгиллари тўқ ҳолда ҳаёт кечирмоқдалар.

Ғофуржон Раҳимович ўз ҳаёт йўллари ҳақида қуйидагича қисқа сўзлаб бердилар:

— Мен, афсуски ота-онамни эслай олмайман. Отам бир ярим ёшга кирганимда, онам раҳматли эса биринчи синфга бораётганимда вафот этганлар. Ҳар иккаларининг ҳам суратларини топа олганимча йўқ. Қуш

уясида кўрганини қилади, дейдилар, аммо менинг уям, кўриб улгурганимча бўлмай, бузилиб қолган эди. Қариндошлар қўлида қолганман. Менинг уям, мени генерал-майор даражасига етказган оилам милиция бўлди. Мен феъл-атворни одамлардан олганман. 6-синфдан сўнг ўқий олмадим, уруш бошланиб қолди.

1942 йил охирида Андижонга «Ватан учун» деган корхона келди, мен ҳам станокларда ишлай бошладим. Фақат 1943 йилда ойлик олишни умримда биринчи бор кўрдим. Шунда озгина оқча олгандим. Ҳар бир ишчига 400 грамм нон бериларди. Мастер, сўнгра ёшлар қўмитаси котиби бўлиб ишладим. 1948—1950 йилларда Тошкентга келиб, милиция мактабида ўқидим ва кичик лейтенант бўлдим. Ўша йилларда ўқиган, ёзган конспектларим ҳозир ҳам сақланган. Ўша йилларни эслаб-эслаб, гоҳо йиғлаб-йиғлаб варақлаб қўяман. Чунки мени кўргани, ҳол-аҳволимни сўрагани ҳеч ким келмасди.

Йиллар ўтди. Милицияда кичик оператив вакил бўлиб иш бошлаган Ғ. Раҳимов республика Ички ишлар вазирининг биринчи муовини лавозимигача, лейтенантликдан милиция генерал-майори унвонигача бўлган йўлни босиб ўтди. У кишининг милициядаги таржимаи ҳоли 45 йилни ўз ичига олади.

Одатда, милиция ҳаёти безовта, тиниб-тинчимас, осоёиш билмас фаолиятдир. Бунда асабни узоқ асраш маҳол. Соғломлик, тетиклик эса асаб билан боғлиқ. Ғофуржон ака билан суҳбатимизда худди шу масалада ҳам гап кетди. У кишининг тажрибаси ёшлар учун ибрат эканлигини ҳисобга олиб, бу ҳақдаги фикрлардан айримларини қайд этиш ўринлидир.

Ғофуржон аканинг айтишларича, оиладаги тинчлик, ўзаро ишонч, тарбия бу соҳада бош омиллардан ҳисобланади. Биринчидан, у киши шунча катта лавозимларда ишлаган бўлсаларда, рафиқаи муҳтарамлари бирон марта ойлик маошини сўраган эмас, «у-бу нарсаларни олиб беринг», дея инжиқлик қилган эмас. Ҳар қанча катта лавозимда ишлаган бўлмасин, бирон марта хизмат машинасидан фойдаланишни сўрамаган. Барча оддий ўзбек аёллари каби оила ташвишини тортган. Қарангки, ҳозир ҳам аямиз трамвайга чиқиб, Олой бозоридан бозорлик қилиб келар эканлар.

Ғофуржон ака аянинг яна бир яхши фазилатларини тилга олдилар. У киши фарзандлар тарбиясида турмуш ўртоқларини бўлар-бўлмасга безовта қилмаган, боғча-

га болаларни олиб бориш, йигинларда, суҳбатларда қатнашиш бўладими, барчасини ўзлари ҳал қилганлар. Тўғри зарурият тақозо этганда, ота ҳам болалари тарбиясидан четда турмаган, албатта.

Оилада беш нафар фарзанд вояга етди. Улардан Рус-тамжон ота касбини танлаган эди, аммо узоқ яшамади, милиция капитани даражасига етганда вафот этди.

Фуломжон, Зоҳида, Зулфия, Расулжон каби фарзандлари фан номзодлари, ўқитувчи, милиция ходими бўлиб ишламоқда. Уларнинг барчаси ота-она юрти Андижонда яшайдилар.

— Биз, чолу кампир Тошкентдамиз. Келиб-кетиб хабар олиб туришади. Илоҳим, умрлари узоқ бўлсин, — дея дуо қилади ота-она.

Ғ. Раҳимовнинг фикрича, фаолиятининг муваффақиятли кечиши ва соғлом умр кечириши яхши инсонлар билан ишлаганлиги, ажойиб устозларни учратганлигидир. Устозлари ҳақида сўз кетганда: «Собиқ адлия вазири Мамлакат опа Восиқова азиз устозим, ўқитувчим бўлган. Мухтор ака Султонов, Тўхтасинов каби ҳалол пок одамлар милициядаги мураббийларим бўлган», дея меҳр билан лутф қилиб ўтдилар.

Муваффақиятнинг энг катта омилларидан яна бири поклик, тозалик, беғуборликдир. Ғ. Раҳимов шунча йил ишлаб, яшаб, бирор жойда қўнгилга ботадиган сўзини эшитмаган. Ҳалоллик, поклик, виждонлилик унинг йўли бўлди. Машъум «Пахта иши» масаласида ИИБ раҳбариятидан фақат Ғ. Раҳимов терговга чақирилмаган, холос.

Генерал Ғ. Раҳимов на ўзи, на болалари учун шахсий ҳовли-жой қурмаган. Ҳозир ҳам кўп қаватли уйда яшайдилар. У кишининг фикрича, инсондан дабдабали иморат, тўй-ҳашам эмас, ибрат, камтарлик хотираси қолиши керак. Генерални «устозим!» дея ҳар куни қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўраб турган юзлаб шогирдлари бор.

— Ўшалар менинг қўрғоним, — дея ҳазиллашиб кулиб қўяди генерал.

Аслида ҳам шундай, чинакам бахтнинг илдиизи шу ерда.

Ғ. Раҳимов, Ички ишлар вазирлигида ўн йил ишлади. Қизиғи шундаки, шу давр ичида у киши ишлаган хонанинг эшиги ёпилган эмас, ҳаммага очиқ эди. Қабул қилиш вақти ҳақида жадвал ҳам осиб қўйилган эмас. Хатто, қоровул ҳам эркин кириб-чиқарди. Бирон

кишига: «Ҳозир вақтим йўқ, фалончи вақт келасан», деган эмаслар.

— Ахир, ўйланг, — дея мулоҳаза билдиради генерал бу ҳақда, — шу инсон сизга қандайдир дард билан келди, нияти, умиди бор. Эҳтимол, бирор адолатсизлик ўтгандир. У сизга келиш учун қанча истиҳолаларга борган, қанча тайёргарлик кўрган, айтадиган гапларини ёдлаб олган. Йўл юриб келган экан, яхшими-ёмонми, гапини эшитиш, шунга яраша жавоб қайтариш керак-ку!

Ғ. Раҳимовнинг фазилатларидан яна бири шундаки, у киши иш жараёнида хизмат бўлимларида жамоа билан учрашишни одат қилган эди. Чунки у жойда ҳақиқий аҳволни кўрасиз. Генералнинг фикрича, раҳбар фақат билдиришнома-ю маълумотномаларни ўқишга кўп одатланиб қолмаслиги лозим. Минг эшитгандан бир бор кўрган афзалдир.

Ғофуржон ака ҳозир ҳам Тошкент шаҳридаги ўқув ва меҳнат жамоаларида тарбия ва одоб-ахлоқ, маърифат ва маданият масалаларига бағишланган учрашувларда мунтазам қатнашиб турадилар.

— Тошкентда шундай учрашувларда қатнашмаган бирор маҳаллам қолмаган бўлса керак, — дейди у киши кулиб.

Айтиш мумкинки, Ғ. Раҳимов борган учрашув, суҳбатларга жон киради. Чунки у киши ўз суҳбатларида тўғрилиқдан, адолатдан сўзлайди, бунда далилларга таянади.

Мантиқ кучига асосланган бу суҳбатлар тингловчиларда чуқур таассурот қолдиради.

Бунинг яна бир боиси шундаки, Ғ. Раҳимов ким билан гаплашган ёки суҳбатлашган бўлсалар, ундан ўзини ҳеч қачон баланд тутган эмаслар. Генерал билан учрашган одамнинг кўнгли тўлади, ҳатто қайта учрашувига имкон қолади, яъни ўзаро яқинлик юзага келади.

А. Раҳимов қўли ва дастурхони очиқ, сахий ва саховатпеша одам. Уйларида меҳмон аримайди. Бунда, албатта, хонадон соҳибаси Хоназимхон аянинг хизматлари каттадир. Ғофуржон ака ўз умр йўлдошларининг пазандалиги, меҳмондўстлиги, очиқ чеҳралиги каби фазилатларидан мамнун бўлиб гапирадилар.

— Менинг шу даражага етишимда, оиламизнинг мустаҳкам бўлишида бу кишининг хизматлари бекиёс, — дейди мамнуният билан. — Биз у киши билан ўнлаб

невара-чевараларни ҳам тарбиялалармиз. От ўрнини той босар деганларидек, улар генералликни орзу қилиб яшамокдалар. Ахир, қайси аскар шунини орзу қилмайди, дейсиз.

Ғофуржон аканинг фикрича, меҳмондўстлик халқимизнинг улуг ғазилатидир. Меҳмон келган уйга қутбарақа ҳаминча ҳамроҳдир. «Меҳмон — отангдан улуг», «Меҳмон — атойи худо», «Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан» деган ўзбек мақоллари беҳуда яратилмаган.

Сизга масъул иш берилдими, унга сидқидилдан киришинг. Уни Ватан, халқнинг топшириғи деб билинг. Ҳаётда бундай масъул топшириқлар саноқли марта берилади, сўнг пушаймон бўлманг. Буни Ғ. Раҳимов ўз хизмат фаолиятида кўп бор учратган. Масалан, 1990 йилнинг июнь ойи воқеаларини эслайлик. Ўшанда Қирғизистондаги Ўш ва Жалолобод вилоятларида қонли ва ғожиали воқеалар юз берди. Шу муносабат билан Ғ. Раҳимов Андижон вилоятининг алоҳида олинган туманларига комендант этиб тайинланди. Бунда у кишининг Наманган, Паркент, Бўка туманларидаги тажрибалари ҳамда эл осойиши йўлидаги ишчанлик қобилиятлари ҳисобга олинган эди. Ғофуржон ака буни Ватаннинг, халқнинг, муҳтарам Президентимизнинг жанговар топшириғи деб билди ва шунга муносиб йўл тутди. Кеча-кундуз ҳаракатда бўлди, уйку нималигини билмади, аҳволни барқарорлаштириш учун қаттиқ курашди. Эл оқсоқолларига, маҳалла фуқароларига, халққа мурожаат этиб, юз берган ғожиадан ғазаб ва шиддатга минган баъзи кишиларни тўғри йўл тутишга, ўзларини босишига кўндиришга эришилди.

Бу воқеалар ҳақида бу ерда тўхталиб ўтирмаймиз, чунки улар тўғрисида ўша вақтда матбуотда кўп ёзилди, батафсил маълумотлар берилган.

Биз генерал билан суҳбатда у кишига бир неча савол билан мурожаат этдик. Табиийки, саволларимизга жавоблари ҳам ўз табиатларидан келиб чиқиб, содда, самимий бўлди.

— Ғофуржон ака, кишилар кўринишидан ҳам, табиатан ҳам ҳар хил бўлишади. Баъзи кишилар билан бир кўришгандан, бир оғиз суҳбатдан кейин уни ўзингизга яқин тутиб қоласиз. Яшириб нима қиламиз, сизда ҳам шу хусусият мавжудлигидан мамнунмиз.

— Раҳмат. Бу ерда муносабат, кўнгил муҳим роль ўйнайди. Ахир, суҳбатдошингизнинг яхши дўст каби

хурсандчилигига ҳам, қайғусига ҳам шерик бўлиб гаплашсангиз, ким сиздан узоқлашади!

— Турли раҳбарлик лавозимларида ишлагансиз. Раҳбарларнинг хусусиятлари, муносабатлари ҳам турлича бўлади. Айтинг-чи, ўз қўл остингиздагиларга сиз қандай муносабатда бўлгансиз?

— Муносабатим доимо дўстона кечган. Сиз раҳбар бўлсангиз, ўзингиз билан ишловчи ходимнинг ютуғини ривожлантиринг, камчилигини эса шундай айтингки, у иккиланмасдан сизга таҳсин айтсин. Киноя, дўқпўписа билан иш битмайди. Хоҳлаган вақтда жазолашга вақт бор. Сизнинг танбеҳларингизнинг ўзи уни жазоламоқда-ку, ахир. Кайфиятингизга қаранг, қўл остингиздаги шогирдни ушлаганда, уни эзиб ҳам ташламанг, бўш ҳам қўйманг, тўкилиб, жувонмарг бўлиб кетмасин. Унга ота-она, устоз бўлиб йўл-йўриқ кўрсатинг, яхшилигингиз салмоқли бўлса, у бетингизга чопмайди. Ишда, хизматда, муомалада, уйда, яшашда ибрат ва намуна бўлсангиз, ўша ходим сизга оҳанграбо каби боғланиб қолади.

— Ғофуржон ака, кўпчиликни қизиқтирадиган яна бир савол бермоқчимиз. Маълумки, раҳбарлик ҳам ўзига хос санъат. Ҳамма ҳам раҳбарлик лаёқатига эга бўлавермайди, берилган лавозимни ҳамма ҳам ишонч даражасида эплайвермайди. Бундай кишилар ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам майиб қилиб қўйишади. Бунинг устига раҳбарликда асабни сақлаш осон эмас. Ахир, турлитуман одам билан учрашасиз. Айтинг-чи, сизнинг бу соҳада кўп йиллар ва мазмунли ишлашингизнинг сирини нимада деб биласиз?

— Қўл ва дилни эгизак, дейди халқимиз. Менимча бу саволнинг жавоби худди шу ердан келиб чиқади. Виждоннинг тозалиги қўлга чиқади. Қўл тоза бўлса, кўнгил тинч. Кўнглинг тўғрилиги ҳам қўлни эгриликларидан тияди. Виждонли, адолатли, ростгўй, пок ва иймонли бўлсангиз, такрор айтаман, қўлда ифода топади.

Дил билан қўл эгизак деганлари беҳуда эмас. Агар иккаласи бирлашса, инсонни кўкка олиб чиқади ва аксинча. Муқаддас Қуръони Каримнинг ҳам, Ҳадиси шарифларнинг ҳам талаби шу, Оллоҳ шундай кишиларни улуғлайди, деб ўйлайман.

Сўз сўзга уланади, гап гапга қовушади, суҳбатимизга нуқта қўйгимиз келмайди, генералнинг очиқ чеҳраси, самимий кулгулари, доно мулоҳазаларини тарк

этгимиз келмайди. Ҳар бир инсоннинг, ҳар бир раҳбарнинг ҳам эл назари билан берилган баҳоси бўлади. Узоқ умр кўрганлар ҳам кўп. Аммо халқ учун, эл учун эзгу ишлар қилганларнинг умрига умр қўшилгандек, элга нафи тегмаганлар эса кам яшагандек туюлади, назаримизда.

Генералнинг эл-юрт олдидаги ҳалол ва фидокорона меҳнатлари муносиб тақдирлаган. Ғофуржон ака «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист», «Ички ишлар вазирлигида хизмат кўрсатган ходим», «Халқ маорифи аълочиси» каби шарафли унвонларга эга, бир қатор орден ва медаллар соҳибидир. Бугунги кунда ҳам жамоатчилик фаолиятини тарқ этганлари йўқ, республика ички ишлар вазирлигида фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказининг раҳбари сифатида фаоллик кўрсатмоқдалар.

Ҳеч ким раҳбар бўлиб туғилмайди, камчиликлар, нуқсонлар ҳамиша инсонга шерик, ёлғиз Оллоҳ ва бешиқда ётган гўдакларгина камчилиги йўқ, деган гап бор. Аммо уни тарбиялаш, камчиликларни тузатиш йўли ҳам мавжуд. Бу раҳбарлик сирларини ўрганиш, таҳлил қилиш, танқидий асосда сайқаллаб бориш йўлидир. Айниқса, ҳаёти, иш тажрибаларининг ўзи дарсликка айланган Ғ. Раҳимов каби раҳбарлар саркардалик қилаётган муҳтарам фахрийлар фаолиятини ёшларга ўрнак ва намуна қилиб кўрсатиш даркор. Чунки бундай кишилар мукаммал тарбия кўрган, юксак инсоний фазилатлар соҳиби, ноёб истеъдод эгаси сифатида қадрлидирлар. Масалан, Ғофуржон ака, юқорида қайд этганимиздек, оддий ўқувчиликдан республикамиз Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари даражасидаги лавозимга етган, ҳозирги кунда шу соҳа фахрийларининг саркари ва сардори сифатида фаоллик кўрсатаётган, тиниб тинчимас, соғлом фикрли мурод-мақсадга етган инсондир.

Дунёда касбларнинг катта-кичиклиги, яхши-ёмони йўқ. Ким ўз касбини эъзозлаб, эл учун хизмат қилар экан, бундай кишилар ҳамиша ва ҳар доим улуғланиб келинган.

Генерал Ғ. Раҳимовнинг шахсий сифатларини кузатиб юрган кишилар кўплаб воқеаларни ёдга олишади. Шундай воқеалардан бири бундан бир неча йил муқаддам Сурхондарё вилоятида ҳам бўлиб ўтган эди. Ушанда Ғ. Раҳимов республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари эди. Вилоятда катта йиғилиш ўтка-

зилди. Вилоят ички ишлар бошқармасидаги мавжуд ютуқ ва камчиликлар генералнинг маърузасида холис баҳоланди. Шунда маърузачи катта бир бўлимдаги нуқсонларга алоҳида тўхталиб ўтди. Бўлим бошлиғи ёшлик қилдими, тажрибасизлиги бўлдими, ҳар қалай тўғри танқидни кўтара олмади. Очикча ва ошкора таҳлилни ҳолисона баҳолай олмади.

— Ҳа, биламан, мени ишдан олмоқчи кўринасиз, — дея бетга чопарлик қилди.

Шу ерда генералнинг донолиги, бағри кенглиги кўзга ташланди. Танқид иш юзасидан бўлаётган эди. Оддий бўлим бошлиғи билан генералнинг орасида шахсий гараз нима қилсин!

— Нима, олдиндан сизни таниб, олди-берди қилган жойим бормидики, сизни ишдан олгани келсам, — дея кулди маърузачи. Танбеҳ бериб ўтирмади, гапни шу билан қисқа қилиб қўя қолди.

Шу воқеадан кейин залда ўтирганлар орасида шивир-шивир бошланди. Энди ёш бўлим бошлиғи, милиция майори ишдан кетди, бечора ўзига-ўзи қилди, дейишди.

Лекин мажлисдан кейин ҳам, кўп вақтлардан сўнг ҳам ҳалиги бўлим бошлиғига на жазо берилди, на у ишдан олинди, анча йиллар муваффақиятли ишлади.

Генералнинг, вазир ўринбосарининг вазминлиги, оқ кўнгиллигини қарангки, кейинги учрашув, муносабатларда бу ёш бўлим бошлиғининг жиззакилигини юзига солмади, аксинча, унга амалий ёрдамлар бера бошлади, иш ўргатди, аммо жазоламади, у эса айтган гапларидан эзилиб, анча йиллар пушаймон бўлиб юради. Тўғриси, бу унга сабоқ бўлди, хатоларини тузатди, кўнглида генералга нисбатан бир умр миннатдорлик туйғуси қолди.

Уша йиллари Ғ. Раҳимовнинг вилоятларга чиқиши ўз табиатига кўра содда ўтарди. Бошқа айрим раҳбарлардек, келишидан олдин ноғора қоқадиган, дағ-дағ, зуғумни авж олдирадиган, бўлар-бўлмасга ўч олиш, жазо бериш ва ишдан олишни доврўғ таратиш, шахсий обрўни ошириш деб билишдан йироқ турардилар. Шунинг ҳам айтиш керакки, Ғ. Раҳимов ўз қўл остидаги ходимларнинг бирортасига сен-сенлаб мурожаат қилмайдилар, ҳатто болаларни ҳам сизлаб қаршилайдилар. Бу инсонга бўлган юксак ҳурмат-эътибор ифодасидир.

Ғофуржон аканинг кўнгли оқ, юраги тоза, иймони бутун, у кишида кек сақлаш, ёмон ният қилишнинг

ўзи йўқ. Камтарлик у кишига Оллоҳдан берилган улуғ фазилатдир. Уша камтарлик ва соддаликлари туфайли ишга бориш келишда машина ҳам кутиб ўтирмайдилар, кўпроқ пиёда юришни хуш кўрадилар.

— Маҳалла ва шаҳар кўчаларида кетар эканман ҳатто ўзим танимаган бегона кишилар ҳам салом бериб ўтишади. Бундан мен қувонаман ва идорага етиб келганимни ҳам билмай қоламан, — дейди генерал.

Хоназимхон аянинг айтишларича, турмуш ўртоқлари барча ишнинг бошида ўзлари турадилар, гапни охиргача эшитишни, такрорлаб бўлса ҳам асл маъзини чақиб олишни яхши кўрадилар. Фарзандлари ҳам оталари каби мулойим, юввош, содда гаплашадилар. Оилада соддалик ва самимият мавжуд. Фарзандлар ота-она гапидан чиқмайдилар. Улар шунча йил умр кечириб, фақат бир мартагина узоққа — Кисловодскка дам олишга боришибди. Шунда ҳам фақат дам олишиб, соғлиқни мусаҳкамлаб, асабларга дам бериб ҳаво алмаштириб қайтишган, дўконма-дўкон айланиш хаёлларига ҳам келмаган экан.

Бойлик ҳам, пул ҳам қўлнинг кири, лавозим ҳам, шон-шуҳрат ҳам. Лекин маънавият-руҳ, эзгу ишлар, савобли ишлар ва яхшиликлар авлоддан-авлодга ўтиб боради. Биз Ғ. Раҳимов мисолида ҳалол ва пок хизмат қилишнинг бир ечим — манзилини топгандек бўлдик.

Суҳбат чоғи у киши файласуф шоир Абдураҳмон Жомийнинг машҳур бир тўртлигини эсладилар:

*Ёдингдами, айт-чи сен туғилган он,
Ҳамма хандон эди, сен эса гирён.
Шундай яшагилки, кетар чоғингда,
Ҳамма гирён қолсин, сен кетгил хандон.*

Қалби қуёш, меҳри дарё, бағри кенг, кўнгли очиқ ўзгаларга доимо яхшиликни истайдиган, меҳр-оқибатли, ширинсухан, беғараз оқсоқол, доно раҳбар, ажойиб инсон Ғофуржон ака Раҳимовга, унинг оиласига сихат-саломатлик, тинч-тотувлик, янада бардамлик тилаб қоламиз.

Орзиқул СОАТОВ,
Болта ЁРИЕВ.

М У Н Д А Р И Ж А

Қарияларимиз — эл фахри, юрт ифтихори	4
Замонамиз Ҳотамтойи	10
Тошлоқдаги боғ	16
Бизга ҳам сизнинг йўлингизни берсин	24
Шундай ният қилган эди	32
Ҳаёт безағи	39
Бухоро юлдузи	46
Мурувват нури	50
Оқсоқоллар	58
Ҳаётдаги ўчмас излар	64
Менинг оғам шундай одам	70
Иброҳим фермер	82
Ота берган тумор	87
Меҳрдан яшнайдиган инсон	93
Қариялар дуода	104
Кўнгил	108
Фахрийлар юрт кезганда	113
Эл ардоқлаган генерал	117

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА СЎЗ

Исмоил Сулаймонов — Ўзбекистоннинг таниқли журналист-публицисти, адиби. У 1954—1965-йиллар мобайнида «Тошкент ҳақиқати» газетасида бўлим мудир, сўнгра бош муҳаррир ўринбосари, 1965—1973-йиллари «Сирдарё ҳақиқати» вилоят газетасида бош муҳаррир бўлиб хизмат қилди. Сўнгра Республика газеталари — «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда»ни ташкил этиб, ўн икки йил мобайнида уларга бошчилик қилди. Сўнгги йилларда Республика «Нуроний» жамғармасида ишляпти.

У «Шахзода ва канизак», «Замондошларим», «Мен — журналистман» китобларининг, «Ўзбекистон пўлати», «Машинасозлар», «Эл отаси эди» ва «Сизга айтар сўзим бор» рисоаларининг муаллифидир. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига эга. Республикамиз Мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан маданият, адабиётни ривожлантиришдаги хизматлари, мамлакатимиз истиқлолини мустаҳкамлаш, халқимиз маънавиятини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган.

15000

ИСМОИЛ СУЛАЙМОНОВ

ЭЛ АРДОҒИДА

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2002

Муҳаррир *Н. Рустамова*
Бадий муҳаррир *М. Самойлов*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*
Мусахҳиҳ *Ю. Бизаатова*
Компьютерда саҳифаловчи *Л. Цой*

Теришга берилди 20.06.2002. Босишга рухсат этилди 13.08.2002.
Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма.
Шартли босма табағи 6,7. Нашриёт-ҳисоб табағи 7,5.
Адади 2000 дونا. Буюртма № 3690. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.